

Адаб жаңалықтар

ҮРӨЛ ҮТАЕВ

Ижадхонаңағы гүрунглар



19.3 (543)

Y 90

Адаб
ва
жазыят

Машхур ижодкорлар ҳәтидан лавхалар

ҮРОЛ ҮТАЕВ

Ижодхонағаси сүрүнглар

Сұхбатлар, бадиа ва очерклар



Nizomiy nomli
ТДРУ
китапхонасы

930769

Тошкент

«Zilol buloq» нашриёти

2020

*Севимли фарзандим Беҳзоджон
хотирасига бағишилайман*

Муаллиф

КБК 76.03(5Ў)
УЎК 654.197(575.1)
Ў 90

Ўтаев, Ўрол
Ижодхонадаги гурунглар /мулоқот, эссе ва очерклар/
Тошкент, «Zilol buloq» нашриёти, 2020 й. 160 бет.

*Нашрга тайёрловчи:
Мирзо КЕНЖАБЕК,*

Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган
ёшлар мураббийси, Халқаро Бобур мукофоти сохиби

*Муҳаррир:
Юсуф БЕРДИЕВ*

“Ижодхонадаги гурунглар” – марҳум тележурналист ва адабиётшунос олим Ўрол Ўтаевнинг сұхбат-мулоқот, бадиа ва очеркларидан тузилған сұнгги китобидир. Китобнинг юзага келишига “Ижодий учрашувлар”, “Ёзувчи ижодхонасида”, “Халқ севган достонлар”, “Истеъдод”, “Илҳом” сингари муаллиф ўзи бош бўлган телевизион кўрсатувлар асос бўлган.

Содда ва самимий услубда тасниф этилган мазкур китоб бўлажак ижодкорлар учун ўзига хос сабоқ намунаси ҳамда барча адабиётимиз мухиблари учун қизиқарали манба бўлади, деб умид қиласиз.

ISBN 978-9943-5855-8-4

© Ўрол Ўтаев, 2020 й.

© «Zilol buloq» нашриёти, 2020 й.

ИЖОД АҲЛИНИНГ БЕМИННАТ ДҮСТИ

*Адабиётшунос олим Ўрол Ўтаевнинг
ижодий гурунглари ҳақида*

Ўрол Ўтаев бутун меҳнат фаолиятини деярли ой-инаижаҳон хизматига, яъни истеъододли ижодкорлар, бахши-шоирлар ижодининг тарғиботига бағи-шлаган шахс эди. У Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида туғилиб ўсан, 1973 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида таълимни тугаллаб, мамлакат оинаижаҳони адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятида ўз фаолиятини бошлиған.

Шу даргоҳда 1973-1981 йилларда муҳаррир, катта муҳаррир бўлиб, 1981 йилдан бош муҳаррир лавозимида хизмат қиласан. Ана шу хизмат даврида у ҳиммати баланд раҳбар эканини исбот этди. Ўша вақтда Эркин Воҳидовнинг «Ғазал оқшоми» шарҳлари, Абдулла Орипов билан бўлган ижодий учрашувлар, Уткир Ҳошимовнинг «Баҳс» туркумидаги телекўрсатувлари мустабид тузум шароитида яшаб келаётган ҳалқимизнинг онг-шуурини уйғотишда улкан аҳамият касб этгани шубҳасиздир.

Ўрол Ўтаев ҳалқ оғзаки ижодининг шайдоси бўлиб, бахши-шоирлар айтган терма ва достонлардан беҳад завқ ва баҳра олар эди. Унинг бахши-шоирлар ҳақида ўз вақтида вақтли матбуотда эълон қиласан мақолалари ва тасниф этган китоблари адабиёт муҳибларига маълум. Қашқадарё куйчиси – Қодир бахши Раҳимов, Сурхондарё булбули – Шоберди бахши Болтаев ижодини тарғиб этиб ёзган бадиалари бугун ғамғин ва ибратли бир хотирадир. У замондош шоирлар ҳақида ёзган мақолаларида ҳам имкон қадар сўзни бахши-шоирлар томонга буради. Масалан, таниқли шоир Икром Отамурод ҳақидаги

самимий мақоласида ҳам Қодир баҳши термаларини завқ билан эслаб ўтади.

Ўрол Ўтаев ўз қўли билан тартиб берган сўнгти китобини “Ижодхонадаги гурунглар” деган содда ва самимий ном билан атаган. Бу китобнинг ўқувчилар учун қандай фойдаси ва аҳамияти бор? Бу китобдаги энг манфаатли, энг аҳамиятли жиҳат шуки, қаламкаш шахси ва ижодининг бир хил ва бир-бирига мувофиқ бўлиши, юксак одоб-ахлоқ тамоилилари, буюк тарихий шахслар ҳаётининг адабиётда акс этиши, ижодкорнинг ўз ҳалқи ва миллати учун ўрнак бир шахс бўлиши лозимлиги, ижод сирларидағи юксак нуқтанинг истеъдодга боғлиқ эканлиги каби масалалар унда қамралган.

Муаллиф ўз гурунгларида ёзувчи Саид Аҳмадни атоқли адиб Ойбек, улуғ шоир Миртемир ҳақида гапиртирса, шоир Уйғунни Усмон Носир ҳақида гапиртиради. Ҳолбуки, ўз вақтида биз ёш қаламкашлар Усмон Носирнинг қатағонга учраб ҳалок бўлишида шоир Уйғун каби шахсларнинг “қўли бор” деб эшитар эди. Бу хабарни яхши билган сұхбатдош кўпни кўрган Уйғунни айнан Усмон Носир ҳақида гапиришга ундейди.

Саид Аҳмаднинг Ойбек ҳақидаги сўзлари: “Ойбек ниҳоятда доно, билимдон, улкан истеъдод эгаси бўлиш билан бирга гоятда сахий инсон эди. Ёш қаламкашларга маънавий ёрдам беришдан ташқари, улардан моддий ёрдамини ҳам аямасди... Ойбек домла умри бўйи сўкиш нималигини билмай ўтди. У бирордан қаттиқ ғазабланса “ғудайған” сўзи нишлатарди, холос”.

Саид Аҳмаднинг Миртемир ҳақидаги сўзлари: “Миртемир aka ўта содда, дўлвор одам эди. У бир умр шон-шуҳратга интилмади. Фақат ижодни, меҳнатни, одамларга яхшилик қилишни билди, хо-

лос. У шундай меҳнаткаш ижодкор эдики, қилган ишларини кўриб ҳайрон бўлар эдик. Ўзининг юзлаб қалбларни ларзага соладиган шеърлари – достонларини эсланг. Миртемир аиа шундай сермаҳсул ижодкор, қўли очик, тортичкоқ одам эди”.

Уйғуннинг Усмон Носир ҳақидаги сўзлари: “Усмон Носир ҳақиқий тугма истеъдод эгаси эди. У адабиётимизга яшиндай чақнаб, ярқираб кириб келган эди. Мен у билан бир неча йил яқин бўлиб яшаганман. У истеъдодли шоир бўлиш билан бирга, моҳир таржимон ҳам эди. Унинг Пушкин ва Лермонтовдан қилган таржималари ҳозир ҳам (таржи-ма билан шуғулланувчи) ёшлар учун маҳорат мактабидир”.

Асқад Мухтор “Вақтингизни қандай сарфлайсиз?” деган саволга улуғ олмон шоири Гёте сўзини келтириб: “Ҳар бир дақиқа бениҳоя қиммат, чунки у мангуликнинг элчисидир” деб жавоб беради.

Абдулла Орипов динга бўлган муносабат ҳақидаги саволга жавобан муқаддас ислом дини ва ҳазрати Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳаётлари ҳақида нодир сўзларини келтиради, бу ҳолат нафақат ўзбек халқига, балки бутун олам аҳлига ибрат эканини таъкидлайди.

Биз раҳматлик Ўрол Ўтаев билан кўп йиллар Тошкент шаҳрининг машхур Салор анҳори бўйида, Пушкин-Салор кўчаси, Мирзакалон Исмоилий маҳалласида қўшни бўлиб яшадик. Раҳматлик Ўрол aka ва шоир Машраб Бобоев билан учаламиз кечала-ри ухламай, жаҳон шоҳмоти санъаткорлари Владимир Карпов билан Гарри Гаспаровнинг илк баҳсларини кузатиб борганиларимизни гоҳ афсус-ўкинч, гоҳ ҳайрат билан эслайман.

Ўрол Ўтаев ҳеч қачон ўзини бирордан баланд олмайдиган камтар ва кибрдан йироқ шахс эди. Айниқса, ижод ахли ва қалам ахли олдида ўзини жуда хокисор тутар эди. У тақдирнинг жиддий имтиҳонларига дуч келди. Ҳақ таолонинг синови бўлиб, катта ўғли Беҳзоджондан айрилди, сўнг “Ижодхонадаги гурунглар” китобини унинг хотирасига бағишилади. Кейин “қанд” касалига чалингач, шифокорлар бир оёгини кесишга қарор қилдилар. Ҳонадони ахли унинг кесилган оёғини қабристон четига дафн этмасдан, том устига кўмиб қўйишган экан. Вафоти кунида кесилган оёғи тобутга солиниб, жасадига қўшиб дафн этилди.

Ҳозирда ҳам Ўрол Ўтаевнинг ахли оиласи ва фарзандлари билан йўқлашиб турамиз. Атоқли адабиётшунос олим, академик Бахиёр Назаров ҳам у кишининг оиласидан хабар олиб турар экан. Бир гал у киши марҳум дўстининг ҳонадонига келганида нашр бўлмай қолиб кетаётган “Ижодхонадаги гурунглар” китоби устида гап кетибди. Китоб қўлэзмаси менинг қўлимда эканинини эшитган Бахтиёр Назаров қувониб: “Мирзо Кенжабекнинг қўлида бўлса, Худо хоҳласа, хайрли натижа бўлади”, деб ишонч билдирибди. Атоқли олимнинг бу ишончи менга руҳ бағишилади.

Нихоят, Ёзувчилар уюшмаси раҳбариятининг жонкуярлиги билан “Ижодхонадаги гурунглар” китобхон қўлига етиб борди. Китобхонлар, хусусан, ёш ижодкорлар, мамлакатимиздаги ижод мактабларининг талабалари бу китобдан ўзлари учун кўп манфаатлар олиши умид қилинади.

Марҳум олимга Яратганинг раҳматини тилаб, ушбу китобнинг муҳиблар учун манфаатли бўлишини тилаб қоламиз.

Мирзо КЕНЖАБЕК

23 сентябрь, 2019 м.с.

24 мухаррам, 1441 ҳ.с. Душанба.

Биринчи боб

Ижодхонадаги гурунглар



БИТМАС-ТУҒАНМАС МАНБА – ХАЛҚ ОРАСИДАДИР

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси
Сайд Аҳмад билан сұхбат



– Азиз устоз, ўзингиз эътироф этганингиздек, ёшлигингида кўпгина касбларни орзу қилиб, ўнлаб соҳаларнинг кўчасига кириб чиқсан экансиз. Дастррабдор борбор, кейин фотограф ёки рассом бўлишни орзу қилган экансиз. Артист бўлишга ҳам ҳавасингиз баланд бўлган экан. Лекин барча истакларингиздан ёзувчилик майли устун келиб, бугунги кунда адабиётимиз оқсоқолларидан бирига айландингиз. Сұхбатимизни ижоддаги илк устозларингиз ҳақидаги хотиралардан бошласак...

Сайд Аҳмад: – Менинг ижодга, адабиёттага кириб келишим ҳам қизиқ бўлган. Дастрраб ўзим ўқиган асарларга тақлид қилиб, кичик ҳикоялар ёзиб юрардим. 1940 йилда “Тортиқ” номли илк китобчам босилиб чиқди. Ўша пайтдаёқ машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳхор “Ўзбекистон маданияти” газетасида менинг илк ҳикоялар тўпламимга тақриз ёзиб, менга қаттиқ дашном бериш билан бирга, камчиликларимни айтиб, йўл-йўриқ кўрсатди. Шундан сўнг ижоддан бирор кўнглим совиб, бир неча ой ёзмай ҳам қўйдим.

Ғафур Ғулом менга илк бор оқ йўл тилаган. Ойбек рус тилидаги биринчи китобимга тақриз ёзган. Бу улкан адиллар нафақат менинг, балки бугун ижод қилаётган барча ўзбек шоир ва ёзувчиларининг устозидир. Шубҳасиз, келажак авлод ёшлари ҳам

уларнинг бадиий баркамол ижодларидан баҳраманд бўладилар. Уларнинг ижоди чинакам маҳорат мактабидир.

– “Назм чорраҳасида” асарингизда Ғафур Ғулом тўғрисида батафсил ёзгансиз. “Шарқ юлдузи” журналида эса Абдулла Қахҳор ҳақидағи хотира-ларингизни ҳам ўқиганман. Лекин Ойбек ҳақидағи фикрларингиз билан унчалик таниш эмасмиз...

Сайд Аҳмад: – Ойбек ниҳоятда доно, билимдон, улкан истеъдод эгаси бўлиш билан бирга ғоятда саҳий инсон эди. Ёш қаламкашларга маънавий ёрдам беришдан ташқари, улардан моддий ёрдамини ҳеч аямасди.

Икки қўлини орқасига қилиб, доимо ўйланиб юради. Ҳаяжонланганда гапидан тутилиб қоларди. Доимо ниманидир, кичкина қоғоз парчасими, гугурт чўпими, дараҳтдан узуб олган барг бандими, ишқилиб хаёл ичида, ўша нарсаларни тиши билан бурдалаб юради. Ойбек домла умри бўйи сўкиш нималигини билмай ўтди. У бирордан қаттиқ нафратланса “ғўдайган” сўзини ишлатарди, холос.

Ойбек домла ҳалол, покиза киши эди. У ҳеч қачон ҳеч кимнинг ҳақини емаган, аксинча бирорларда унинг ҳақи қолиб кетган. У ҳатто кўнгли хоҳламаган кишилар даврасига қўшилмасди. У дам олиш кунларида болаларини олиб, Бўстонлик ва Оқтош томонларга кетарди. У ерда ўзига ўҳшаган содда, ўта камсуқум дехқон, боғбон, чорвадор дўстлари бўларди. Ўшалар билан суҳбат қуриб, тоғ ҳавосидан баҳра олиб келарди. Оиласда ҳўжалик ишларига аралашмасди. Бозорда сабзи неча пул, пиёз қанча пул – сира билмасди. Бу ишларни ҳурматли опамиз – мархума Зарифа Сайдносирова ҳамда ўгиллари бажаришарди.

Менга Ойбекнинг ҳаётлигида Зарифа опа қизиқ бир воқеани гапириб берган эди. Опа йигирманчи йиллардан бошлиб Ойбекнинг матбуотда босилган

БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБА – ХАЛҚ ОРАСИДАДИР

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси
Сайд Аҳмад билан сұхбат



– Азиз устоз, ўзингиз эътироф этганингиздек, ёшлигинизда кўпгина касбларни орзу қилиб, ўнлаб соҳаларнинг кўчасига кириб чиқсан экансиз. Дастррабдор борбоз, кейин фотограф ёки рассом бўлишни орзу қилган экансиз. Артист бўлишга ҳам ҳавасингиз баланд бўлган экан. Лекин барча истакларингиздан ёзувчилик майли устун келиб, бугунги кунда адабиётимиз оқсоқолларидан бирига айландингиз. Сұхбатимизни ижоддаги ilk устозларингиз ҳақидаги хотиралардан бошласак...

Сайд Аҳмад: – Менинг ижодга, адабиётга кириб келишим ҳам қизик бўлган. Дастрраб ўзим ўқиган асарларга тақлид қилиб, кичик ҳикоялар ёзиб юрардим. 1940 йилда “Тортик” номли ilk китобчам босилиб чиқди. Ўша пайтдаёқ машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор “Ўзбекистон маданияти” газетасида менинг ilk ҳикоялар тўпламимга тақриз ёзиб, менга қаттиқ дашном бериш билан бирга, камчиликларимни айтиб, йўл-йўриқ кўрсатди. Шундан сўнг ижоддан бироз кўнглим совиб, бир неча ой ёзмай ҳам қўйдим.

Ғафур Ғулом менга ilk бор оқ йўл тилаган. Ойбек рус тилидаги биринчи китобимга тақриз ёзган. Бу улкан адиллар нафақат менинг, балки бугун ижод қилаётган барча ўзбек шоир ва ёзувчиларининг устозидир. Шубҳасиз, келажак авлод ёшлари ҳам

уларнинг бадиий баркамол ижодларидан баҳраманд бўладилар. Уларнинг ижоди чинакам маҳорат мактабидир.

– “Назм чорраҳасида” асарингизда Ғафур Ғулом тўғрисида батафсила ёзгансиз. “Шарқ юлдози” журналида эса Абдулла Қаҳҳор ҳақидағи хотира-ларингизни ҳам ўқиганман. Лекин Ойбек ҳақидағи фикрларингиз билан унчалик таниш эмасмиз...

Сайд Аҳмад: – Ойбек ниҳоятда доно, билимдон, улкан истеъодод эгаси бўлиш билан бирга ғоятда саҳий инсон эди. Ёш қаламкашларга маънавий ёрдам беришдан ташқари, улардан моддий ёрдамини ҳеч аямасди.

Икки қўлини орқасига қилиб, доимо ўйланиб юрарди. Ҳаяжонланганда гапидан тутилиб қоларди. Доимо ниманидир, кичкина қоғоз парчасими, гугурт чўпими, дараҳтдан узиб олган барг бандими, ишқилиб хаёл ичида, ўша нарсаларни тиши билан бурдалаб юрарди. Ойбек домла умри бўйи сўкиш нималигини билмай ўтди. У бирордан қаттиқ нафратланса “ѓудайған” сўзини ишлатарди, холос.

Ойбек домла ҳалол, покиза киши эди. У ҳеч қачон ҳеч кимнинг ҳақини емаган, аксинча бирорларда унинг ҳақи қолиб кетган. У ҳатто қўнгли хоҳламаган кишилар даврасига қўшилмасди. У дам олиш кунларида болаларини олиб, Бўстонлик ва Оқтош томонларга кетарди. У ерда ўзига ўхшаган содда, ўта камсукум дехқон, боғбон, чорвадор дўстлари бўларди. Ўшалар билан суҳбат қуриб, тоғ ҳавосидан баҳра олиб келарди. Оиласда хўжалик ишларига аралашмасди. Бозорда сабзи неча пул, пиёз қанча пул – сира билмасди. Бу ишларни ҳурматли опамиз – марҳума Зарифа Сайдносирова ҳамда ўғиллари бажаришарди.

Менга Ойбекнинг ҳаётлигида Зарифа опа қизиқ бир воқеани гапириб берган эди. Опа йигирманчи йиллардан бошлиб Ойбекнинг матбуотда босилган

шөөрларини қийиб олиб, алоҳида конвертга қўлёзма нусхаси билан солиб, устига бу шеър ёки мақола қайси газетада қачон босилганини ёзиб сақлаб қўяркан. Шундай қилиб Ойбекнинг каттами, кичикми ҳамма қўлёзмаси сақланган. Хуллас, Ойбек олим сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам бекиёс шахс эди. Унинг истеъодига, поклигига ва меҳнаткашлигига ҳар қанча ҳавас қиласа арзиди.

– Адабиётимизда Ойбекка ўхшаш яна бир улуғ сиймо, камтарин инсон Мақсад Шайхзода билан муносабатингиз қандай бўлган?

Сайд Аҳмад: – Устоз Шайхзода ўрта бўй, жингалак соч, қиргий бурун, жиндек қорин ташлаган, қалин гардишли кўзойнак таққан, то ухлаб қолгунча лабидан папирос тутаб турадиган одам эди. Ҳатто ухлаганда ҳам лаблари папирос сўрганга ўхшаб тамшаниб туради.

У ҳамма вақт шогирдлари ва муҳлислари даврасида бўларди. Уни сира ёлғиз учратмаганман. Шунинг учун бўлса керак, мажлисларда “Казбек” папироси қутисига шеър ёзиб ўтиради. Ичидаги папиросини чекиб бўлгандан кейин унинг муқовасини йиртиб олиб, чўнтағига солиб қўярди.

1959 йилги Фарғона сафаримизда домла ана шунақа папирос қутиларидан йигирматачасини тўлдирган эди. Афсуски, ўша қўлёзмалар солингтан чамадончани Кўқонга келганимизда йўқотиб қўйган эдик. Шайх ака ўшанда жуда қаттиқ хафа бўлган эди.

Шайхзода кўпинча кўчада шеър ўйлаб юарди. Мен унинг бу одатига аввалига ажабланардим. Кейинчалик билсан уйига киргани юраги бетламас экан. Эшик олдида албатта уч-тўртта улфат кутиб тураркан. Шайх аканинг қўли очиқлигидан мазахўрак бўлиб қолган улфатлар ҳаммавақт унинг йўлида пойлаб туришаркан. Шайхзода жуда доно, илми етук, қувноқ, сухбати ширин, қўли очиқ, сахий одам эди. Домла ниҳоятда лутф билан гапиришга уста эди.

- Мақолаларингизнинг бирида агар мендан қайси бир шоирнинг шогирди кўп деб сўрашса... албатта иккиланмай Миртемир дейман, деб ёзган эдингиз. Шу фикрингизни бироз шарҳлаб берсангиз?

Сайд Аҳмад: – Миртемир ака ўн беш йилга яқин Ёзувчилар уюшмасида ёшлар семинарини бошқарган эди. Биз ҳаммамиз ана шу семинар қатнашчила-ри эдик. Миртемир ака ўта содда, дўлвор одам эди. У бир умр шон-шуҳратга интилмади. Фақат ижодни, меҳнатни, одамларга яхшилик қилишни билди, холос. У шундай меҳнаткаш ижодкор эдики, қилган ишларини кўриб ҳайрон бўлар эдик. Агар бирги на Пушкин асарларини ўзбек тилига ўғиргани учун ҳам Миртемир ўзбек адабиёти тарихида мустаҳкам ўрин олишга лойиқdir. "Манас" эпосининг аксари-ят қисмини ҳам Миртемир таржима қилган. Унинг бу ажойиб таржимаси тўғрисида Чингиз Айтматов жуда катта ҳаяжон билан қувониб ёзган эди. Булар-нинг ҳаммаси уйқусиз тунлар, изланишлар, илҳом ва ҳаяжон ҳисобига дунёга келган. Ўзининг юзлаб қалбларни ларзага соладиган шеърлари, достонлари-ни эсланг. Яна машҳур ҳофизларимиз қуилаётган қў-шиқлари – буларни жамласа, қанча китоб бўларкан?

Миртемир ана шундай серҳмаҳсул ижодкор, қўли очиқ, тортинчоқ одам эди. Одамларнинг ҳар қандай илтимосини йўқ демасдан бажаарди. Домла энг зарур ишини ҳам йигиштириб қўйиб, шо-гирдларининг хом-хатала шеърларини тузатиб бе-рарди. Баъзан ҳеч эплаб бўлмайдиганларини қайта-дан ёзиб берар экан.

Эсимда бор, 1949 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи нишонланаётган эди. Домла "Москвич" машинаси сотиб олиш учун анчагина пул жамғариб қўйган экан. Ўша пулни Қозоғистон ва Қирғизистондан келган меҳмонларга сарфлаб юборган экан. Бастакор, ҳофизлар Миртемирни жуда яхши кўришарди. Чунки у бастакор айтгандек,

оҳангга тушадиган шеърлар ёзиб берарди. Шундай концертлар бўлардики, хонандалар фақат Миртемир шеъри билан айтиладиган қўшиқларни ижро қилишарди. Миртемир ўзбек билан қозок, қирғиз ва бошқа қардош халқлар адабий дўстлигига мустаҳкам кўприк қуриб кетди.

Мен қадрдоним, устозим, қўшним Миртемир домлани буюк ҳурмат билан эслайман. Ҳар эслаганимда кўз олдимда кийимлари ҳам, юриштуришлари ҳам, гап-сўзлари ҳам ҳаддан ташқари содда ва лекин олижаноб бир сиймо намоён бўлади.

– Сиз юқорида устозларнинг дўстга, оиласга ва юртга бўлган юксак садоқати ҳақида тўлқинлашиб гапирдингиз. Ушбу мавзуни яна бирор давом эттирангиз.

Сайд Аҳмад: – Инсоннинг тубанликка кетиши арзимасдек туюлган хиёнат қилган кунидан бошланади. Билибми-билмайми, барибир. Ўша куни сиз ёр-биродарлар олдида, наинки юрт олдида, ҳатто виждонингиз олдида тубсиз жарликка қараб тойиб кетган бўласиз. Шунинг учун ҳам, укажонларим, сингилларим, хиёнатдан сақланинг.

– Маълумки, “Уфқ” романни эълон қилингач, сиз Абдулла Қаҳҳордек зукко устознинг юксак баҳосига сазовор бўлдингиз. Роман ўқувчилар томонидан ҳам қизғин кутиб олинди. “Уфқ” гача ёзган насрый асарларингизга ўзингиз қандай қарайсиз?

Сайд Аҳмад: – “Уфқ” романини ёзиш нияти бирдан пайдо бўлмаган. Авваллари ҳикоялар, фельетон ва очерклар ёзиб юрадим. Беш-ўнта ҳикоялар китобим босилгач, йирик жанрларда ўзимнисина бўришниятида қиссалар ёзабошладим. Биринчи қиссам “Қадрдон далалар” босилиб чиққанда анча яхши гаплар бўлди. Аслини олганда, бу қисса ўзимга унча ёқмасди. Ё ўша пайтларда қисса камлигиданми, ё китобга дурустроқ назар ташлайдиган адабиётшуносларнинг камлигиданми,

ишқилиб қиссанинг камчиликларини ҳеч ким сезмади. Кейинчалик виждоним олдида ўзимни оқлаш ниятида дурусторқ қисса ёзишни аҳд қилиб қўйдим. Ниҳоят “Хукм” яратилди. Очиғини айтсам, қисса ўзимга бироз маъқул тушгандек бўлди. Жамоатчилик ҳам унга яхши баҳо берди. Негадир, роман ёзишга журъат қила олмасдим.

– Зеро, роман жуда кўп тақдирлар, замоннинг зарур бир бурилиш даври, одамлар кутиб турган қандайдир муҳим бир масалани ёритиши керак. Ниҳоят, биринчи романингиз “Уфқ” китобхонлар қўлига тегди. Уни ёзишга ундан омиллар ҳақида сўзлаб берсангиз...

Сайд Аҳмад: – Урушдан кейинги йилларда тақдир тақозоси билан чўлларни жуда кўп марталаб кезиш, у ерларни ўзлаштираётган кишилар тўғрисидаги очерклар ёзишга тўғри келди. Кейин Ёзёвон чўлларини ўзлаштираётган кишилар ҳаётини ўрганиш ниятида Марказий Фарғона чўлларини ўн-ўн беш марталаб кезиб чиқдим. “Чўл бургуги” туркумига кирган қатор ҳикоялар ёздим. Кейин “Чўл шамоллари” пайдо бўлди. Шундай қилиб, чўл ҳаёти ва одамларига меҳрим тушиб қолди. Аста-секин кўнглимда роман тутилаётганини ўзим ҳам билмай қолибман.

– Романинг бош қаҳрамони Икромжоннинг ҳаётда прототипи борми?

Сайд Аҳмад: – Ёзёвонни ўзлаштирган фаол шахслардан бири Ориф Каримов тўғрисида “Одамнинг изи” деган бир очерк ёзган эдим. Ана шу очерк мени романга бошлаган илк кўприқдир. Агар эсингизда бўлса, колхоз раиси Раимберди тоға билан Икромжоннинг чўлдан ер танлагани кетаётган пайти айнан ўша очеркнинг ўзи.Faқат Ориф Каримовни Икромжон деб ўзgartирдим, холос.

Ёзёвон чўли обод далалар ўртасида бир неча юз минг гектар тўқайлик, қум тепалар, ботқоқликлар эгаллаб ётган ташландик майдон. Шу жойларни

оҳанғга тушадиган шеърлар ёзиб берарди. Шундай концертлар бўлардики, хонандалар фақат Миртемир шеъри билан айтиладиган қўшиқларни ижро қилишарди. Миртемир ўзбек билан қозоқ, қирғиз ва бошқа қардош халқлар адабий дўстлигига мустаҳкам кўпприк қуриб кетди.

Мен қадрдоним, устозим, қўшним Миртемир домлани буюк ҳурмат билан эслайман. Ҳар эслаганимда кўз олдимда кийимлари ҳам, юриштуришлари ҳам, гап-сўзлари ҳам ҳаддан ташқари содда ва лекин олижаноб бир сиймо намоён бўлади.

– Сиз юқорида устозларнинг дўстга, оиласа ва юрга бўлган юксак садоқати ҳақида тўлқинлануб гапирдингиз. Ушбу мавзууни яна бироз давом эттирангиз.

Сайд Аҳмад: – Инсоннинг тубанликка кетиши арзимасдек туюлган хиёнат қилган кунидан бошланади. Билибми-бilmайми, барибир. Ўша куни сиз ёр-биродарлар олдида, наинки юрга олдида, ҳатто виждонингиз олдида тубсиз жарликка қараб тойиб кетган бўласиз. Шунинг учун ҳам, укажонларим, сингилларим, хиёнатдан сақланинг.

– Маълумки, “Уфқ” романи эълон қилингач, сиз Абдулла Қаҳҳордек зукко устознинг юксак баҳосига сазовор бўлдингиз. Роман ўқувчилар томонидан ҳам қизғин кутиб олинди. “Уфқ” гача ёзган насрий асарларингизга ўзингиз қандай қарайсиз?

Сайд Аҳмад: – “Уфқ” романини ёзиш нияти бирдан пайдо бўлмаган. Авваллари ҳикоялар, фельетон ва очерклар ёзиб юрадим. Беш-ўнта ҳикоялар китобим босилгач, йирик жанрларда ўзимнисинабўришниятидақиссаларёзабошладим. Биринчи қиссан “Қадрдон далалар” босилиб чиққанда анча яхши гаплар бўлди. Аслини олганда, бу қисса ўзимга унча ёқмасди. Ё ўша пайларда қисса камлигиданми, ё китобга дурустроқ назар ташлайдиган адабиётшуносарнинг камлигиданми,

ишқилиб қиссанинг камчиликларини ҳеч ким сезмади. Кейинчалик виждоним олдида ўзимни оқлаш ниятида дурустроқ қисса ёзишни аҳд қилиб кўйдим. Нихоят “Хукм” яратилди. Очифини айтсан, қисса ўзимга бироз маъқул тушгандек бўлди. Жамоатчилик ҳам унга яхши баҳо берди. Негадир, роман ёзишга журъат қила олмасдим.

– Зеро, роман жуда кўп тақдирлар, замоннинг зарур бир бурилиш даври, одамлар кутиб турган қандайдир муҳим бир масалани ёритиши керак. Нихоят, биринчи романнингиз “Уфқ” китобхонлар қўлига тегди. Уни ёзишга ундан омиллар ҳақида сўзлаб берсангиз...

Сайд Аҳмад: – Урушдан кейинги йилларда тақдир тақозоси билан чўлларни жуда кўп марталаб кезиш, у ерларни ўзлаштираётган кишилар тўғрисидаги очерклар ёзишга тўғри келди. Кейин Ёзёвон чўлларини ўзлаштираётган кишилар ҳаётини ўрганиш ниятида Марказий Фарғона чўлларини ўн-ўн беш марталаб кезиб чиқдим. “Чўл бургуги” туркумига кирган қатор ҳикоялар ёздим. Кейин “Чўл шамоллари” пайдо бўлди. Шундай қилиб, чўл ҳаёти ва одамларига меҳрим тушиб қолди. Аста-секин кўнглимда роман туғилаётганини ўзим ҳам билмай қолибман.

– Романнинг бош қаҳрамони Икромжоннинг ҳаётда прототипи борми?

Сайд Аҳмад: – Ёзёвонни ўзлаштирган фаол шахслардан бири Ориф Каримов тўғрисида “Одамнинг изи” деган бир очерк ёзган эдим. Ана шу очерк мени романга бошлаган илк кўприқдир. Агар эсингизда бўлса, колхоз раиси Раимберди тоға билан Икромжоннинг чўлдан ер танлагани кетаётган пайти айнан ўша очеркнинг ўзи. Фақат Ориф Каримовни Икромжон деб ўзгартирдим, холос.

Ёзёвон чўли обод далалар ўртасида бир неча юз минг гектар тўқайлик, кум тепалар, ботқоқликлар эгаллаб ётган ташландиқ майдон. Шу жойларни

кезганимда романбоп бирон воқеа яратолсам, албатта китобимнинг қаҳрамонлари мана шу чўлларда ҳаракат қилиши керак деб ўйлардим. Энг аввало, асосий қаҳрамоним ким бўлади, деган савол туғилди. У ким? Нима иш қиласи? Тақдири қандай бўлади? Унинг атрофида яна кимлар бўлади? Секин-аста Икромжоннинг аввал тахминий, кейин асл қиёфаси туғилиб келаверди.

- У нима иш қилиши керак?
- Чўл очади, дедим ўзимга.
- Тақдири қандай бўлади?
- Тақдири жуда оғир бўлади, дедим ўзимга.

Ана шундан кейин аввал Икромжоннинг ўзи, кейин ўғли Турсунбой, ундан кейин хотини Жаннат ая пайдо бўлди. Шундай қилиб, мен Икромжонни аямай оғир кулфатларга рўпара қилвордим. Умуман, адабиётда енгил курашда ғалаба қилган қаҳрамон ўқувчи ёдида сақланиб қолмайди. Тез унутилади. Агар асар қаҳрамони кескин тўқнашувлардан, оғир руҳий ҳолатлардан жанг жадал билан ўтолса, китобхон дилига ўрнашиб қолади.

– Албатта, роман фақат Икромжоннинг ўзи тўғрисида эмас. У ерда Низомжон бор. Низомжон ёш бўлишига қарамай, ҳали ҳаётнинг нашъу намосини тотмаган, ҳали ўз йўлини топмаган гўдак. Уруш касофати мана шу нораста боланинг ҳам бошига тогдек кулфатлар ташлайди. Ўз уйидан, қишилогидан бош олиб чиқиб кетади. Рӯёбга чиқмаган, алданган биринчи муҳаббатининг зарбасидан каловланиб қолади. Ўзини йўқотади. Боши берк кўчага кириб қолади. Сиз ҳали ёш, қалби армону ҳасратларга тўлган Низомжонни худди ўзидек оғир аламда ўртанаётган Икромжонга рўбарў қилгансиз?

Сайд Аҳмад: – Бу образларни ўзим тўқиган бўлсан ҳам, уруш йилларидағи юзлаб танишларим, уруш қора кийдирган мотамзода кишилар, ота меҳридан маҳрум бўлган гўдаклар, фарзандидан ай-

рилган оталар, юзларини бемаҳал ажин қоплаган оналар қиёфаси мана шу икки персонажимга кўчиб кирди. Бирининг қиёфаси, бирининг юрагидаги армони, бирининг бошига тушган кулфати...

Хулласи, бу икки киши ўзим таниган-билган бир неча одамлардан битталаб териб олинган характерлардир. Асрора, Зебихон, Дилдор. Буларга ўхшаган қизларнинг қанчасини уруш йиллари кўрганман. Атлас кўйлагу пошнали туфлиларини сандиқقا ташлаб, беш йил этик кийиб, далада кетмон чопган, юзларини дала шамоллари қорайтирган, нозу на зокатлари қўпollaшиб, эркакларга ўхшаб дағаллашиб кетган қизлар озмунча эдими?

Айниқса, Асрора образини ана шундай ажойиб қизларга қўйган ҳайкал бўлсин деб ният қилган эдим. Иноят оқсоқол жуда хасис, жуда ярамас одам. Мол-дунё учун жонини беради. Мол-дунё учун ўз фарзандларини аямайди. У бахтни пулда, молда кўради. Охири, у мана шу моллари ичида куйиб умрини тугатади.

Роман ёзилганига анча бўлган. Кўп нарсаларни унутдим. “Унудим” деган гапимга ажабланманг. Унутишим керак. Унутишга мажбурман. Агар унумасам, бирон янги асар ёзишимга халақит беради. Икромжон, Низомжон, Дилдору Асроралар кўз олдимда туриб олади. Бошқа янги образ яратса олмайман. Агар шуларни қанча тез унутсан, бошқа одамлар қиёфасини ёзишим шунча тезлашади.

Ўзбекистон ёзувчиларининг ижод боғида романни ёзаётган пайтларим эди. Икромжон ўғли Турсунбойни милтиқда отган бобини тугатиб ташқарига чиқдим. Ўзимча нима қилиб қўйдим, деб ўйладим. Тўғри қилдимми, дейман. Ўз ўғлини ўлдирган отани китобхон яхши қабул қиласдими? Ўшандай ҳар хил хаёллар билан липа тағида ўлтирган эдим, Абдулла Қаҳҳор ёнимга келганини билмай қолибман.

– Шоир, нималарни ўйляяпсиз, – деди домла.

Абдулла ака баъзан ҳазиллашиб менга шоир деб ҳам мурожаат қиласарди.

Мен у кишига қаҳрамоним боласини отиб ташлаганини айтдим.

– Қаҳрамонингиз яхши одаммиди ёки ёмон одаммиди, – деб сўради домла.

Мен у кишига: “Қаҳрамоним ижобий қаҳрамон”, дедим. Домла бош чайқади.

– Бўлмапти. Боласини ўлдирган одам яхши одам бўладими? Китобхон қаҳрамонингизни ҳам, сизни ҳам қарғайди.

Жуда мулзам бўлдим.

Ўша куни кечаси билан ухламай ўйладим. Ўйлаб-ўйлаб, фақат бир жумла қўшдим, холос. Икромжон боласини отади, аммо отган ўқи унга тегмайди. Шунда Икромжон хайрият, тегмади, дейди.

Эртасига домланинг олдига кириб ўша бобни ўқиб бердим. Домла ўйлаб туриб шундай деди:

– Энди яхши бўпти. Битта жумла билан бутунлай бошқача қилиб юборибсиз.

Турсунбойнинг ўлмай қолгани менга ташвиш бўлди. Ташвишликка ташвиш бўлди-я, кейинчалик роман сюжетининг қизиқарли бўлишига анча фойдаси тегди.

Роман битиб, “Шарқ юлдузи” журналида босилгандан кейин Абдулла Қаҳҳорга кўринмай юрдим. Домла албатта бирон жойидан камчилик топиб, мени хафа қилишини билардим.

Бир куни рўбару бўлиб қолганимда: “Қўрқманг, роман менга жуда ёқди”, дедилар. Жуда севиниб кетдим. “Лекин битта камчилиги бор. Китоб бўлиб чиқишида албатта уни тузатинг”, деб тайинладилар. Романнинг биринчи китоби Турсунбойнинг ўлими билан тугар эди. Домлага бу хотима ёқмабди.

– Турсунбойнинг ўлими романнинг асл мақсади эмас. Мақсад Икромжон тақдири. Албатта, Икромжоннинг ёрқин бир ҳолати билан китобга нуқта қўйишингиз керак эди, – дедилар.

Бу гап менга маъқул бўлди. Ўзим жуда тўлиб турган эканман. Ўша кечасиёқ ўтириб қўшимча боб ёздим. Бу бобда Икромжон Дилдорнинг ўғлини тўнига ўраб қўтариб ўтирган бўлади. Дилдор болани ундан олиб кетганда бағрида бола ҳиди қолади. Бу ҳиддан Икромжон эсанкирайди. Бу гўдак ҳиди янги олам, янги ниятлар, энтишилар, яшаш иштиёқини қўзғатади.

– Роман адабий жамоатчилик, кенг китобхонларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Шундай бўлгач, иккинчи китобни ёзиш шартмиди?

Сайд Аҳмад: – Иккинчи китобни ёзиш ёки ёзмасликни жуда кўп ўйладим. Биринчи китобчалик таъсирили чиқармикин? Романни ўқиганлар асар қаҳрамонлари ҳозир борми-йўқми, адресини берсангиз, хат ёзишардик, деб кўп илтимос қилишиди. Тўғрисини айтсам, бу хилдаги хатлар иккинчи қисмини ёзишга ундади...

Ҳар бир ёзувчининг бирдан-бир нияти ёзган асарига ўқувчини ишонтириш. Бу ёзувчи учун жуда катта баҳт. Лекин дейишимнинг сабаби шу хатни ёзган китобхоннинг адабиёт назариясидан яхши хабардор эмаслигидир. Ўрта мактабдаги адабиёт ўқитувчи сига бадиий асар ёзувчининг ижод маҳсули, асар қаҳрамонини бир одамдан эмас, бир неча одамдаги хусусиятларни жамлаб яратишини тушунтириб бериш қийин. Давоми ўқувчини ҳаяжонга солармикин, деган иккиланиш кўп бўлди. Кейинчалик қаҳрамонларимнинг тақдирлари равшанлаша боргани сабабли дадил ёза бошладим.

Аъзамжон, Иноят оқсоқол, Зебихон, Асрора, Холматжонлар тақдири ўзимни ҳам қизиқтириб қолди. Ўлашга кўп ўйладим-у, аммо ёзишга келганда жуда тез ёздим. Романинг жуда кўп боблари Ёзёвоннинг ўзида, Найман қишлоғида, баъзи боблари шу чўлдаги колхоз меҳмонхонасида ёзилди.

Биринчи китоб ҳам журнала, ҳам икки марта

930769

китоб ҳолида босилгани сабабли ёзёвонликларнинг кўпчилиги ўқиб бўлишган экан. Иккинчи китобини ёзаёттанимда улар олдимга келиб, чўлда бўлаётган ва бўлган воқеаларни романингизнинг бирон жойига яраб қолар деб айтиб берадиган бўлишди. Иккинчи китобга ўша ерда, Ёзёвоннинг қоқ ўртасидаги колхоз меҳмонхонасида нуқта қўйдим. Колхоз раиси чўлни ўзлаштиришнинг фаол иштирокчиси Холматжон Марозиқов билан икки кун ўтириб романни ўқидик. Холматжон aka китобнинг баъзи жойларига ўзгартишлар киритишимни сўради. Ўша ернинг ўзида тузатдик. Кейин Ёзувчилар уюшмасига муҳокамага қўйдим. Бироқ иккинчи китоб алоҳида босилиб чиқмади. Нашриётдагилар биринчи китоб билан бирлаштириб босиши маслаҳат бердилар.

Умуман, "Уфқ"нинг йўли ойдин бўлди. Рус, қозоқ, литва, қорақалпоқ тилларига таржима қилинди. Ўзбекистон телевидениеси икки марта телепостановка қилиб қўрсатди. Айниқса, рус тилидаги постановка икки кун давомида Москва телевидениеси орқали намойиш этилди.

– Маълумки, Катта Фаргона канали қурилиши ирригациямиз тарихида энг буюк воқеалардан бири. Кейин Фаргона чўлларини ўзлаштириш ҳам чинакамига бўлган воқеа. Бўлган воқеалар тўғрисида асар ёзганда албатта тарихий шахсларни четлаб ўтиб бўлмайди. Масалан, канал қурилишида катта ишларни амалга оширган Дўнан Дўстматов, давлат арбоблари Усмон Юспов, Йўлдош Охунбобоев, Бузрукхўжа Усмонхўжаев, адабиёт ва санъат намояндалари Ҳалима Носирова, Тамараҳоним,Faфур Гулом, Ҳамид Олимжонлар канал қурилишида фаол қатнашган эдилар. Энди "Кирқ беш кун" романининг ёзилиш тарихига ҳам қисқача тўхталсангиз...

Сайд Аҳмад: – Шундай қилиб, "Уфқ" қа нуқта қўйдим деб, энди хотиржам бўлганимда, менга

Катта Фаргона канали тұғрисида роман ёзишни маслаҳат беришди. Күп үйландым. Бу жуда қийин иш әди. Орадан қирқ йил үтиб, бу бенихоя катта ва аҳамияти жиҳатидан оламшумул бир воқеа бўлган канал тұғрисида шу пайтгача бирон ёзувчи келишишириб асар ёзолмаган.

Катта Фаргона каналининг Куйганёр тұғонига капа тикиб яшай бошладим. 270 километрлик канални Учқўргондан то Конибодомгача бир неча марталаб кезиб чиқдим. Каналда ишлаган кишилар билан кўп гаплашдим. Ҳужжатлар, ўша пайтда чиққан газета сонлари билан танишдим. Икки йил тайёргарлиқдан сўнг ёзишга киришдим.

– Сиз кейинги йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё пахтакорлари, чорвадорлари тұғрисида қатор очерклар ёздингиз. Авваллари Фаргона водийси ҳақида ёзардингиз? Ижод материаллари объектини ўзғартиришингизнинг боиси нимада?

Сайд Аҳмад: – Яхши англабсиз. Мен умрим бўйи Фаргона водийси манзараларини, одамларини, ўша ерларда бўлиб ўтган воқеаларни қаламга олганман. “Фаргона ҳикоялари”, “Чўл бургуги”, “Чўл шамоллари” деган ҳикоялар тўплами, “Қадрдон далалар”, “Хукм” қиссаларим Фаргона водийси одамларига багишлиланган. Дастреб туриб, бўлган яхши урф-одатларининг яхлит сақланиб қолгани мени ўзига жалб қилган әди.

Кейинги пайтларда юртимизнинг бошқа вилоятларини ҳам куриш, уларнинг урф-одатлари, ҳаёт тарзларини ўрганиш нияти туғилиб қолди. Одамлар билан сұхбатлар шуни құрсатадики, биз ижодкорлар бир жойни кўриб қолиб, ҳаммавақт ўша ер тасвири билан ўралашиб қолар эканмиз. Мен Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари адабиётимиз учун битмас-туганмас манба эканини билиб қолдим. Бу ерларда қадим тарихимиз яшириниб

ётибди. Халқ тили бой, образли. Бу ерларда жуда чиройли урф-одатлар, ажойиб халқ құшиқлари бор. Хулласи, бу воҳаларнинг тарихларини ўрганмай, ти-лидан баҳраманд бўлмай, ижодимизни анча ғариблаштириб қўйганимизни сезмаган эканман.

– “Келинлар қўзғолони” комедиянгиз Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри саҳнасида 500 мартадан кўпроқ ижро этилди. Бу асар саҳна юзини кўргач, танқидчилар ўртасида қизгин баҳс уйғотганди. Бу баҳс ҳозир ҳам тингани йўқ. Бу баҳсларга ўзингиз қандай баҳо берасиз?

Сайд Аҳмад: – Ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам танқидчиларнинг тортишувларига аралашмаганман. Мен учун асарнинг ўзи курашди. Мақтаганга ҳам, ёмонлаганга ҳам бирон муносабатимни билдирамадим. Танқидчиларнинг бир-бирлари билан тортишиб, бирон фикрга келгуналарига қадар бу комедиям Ўрта Осиё ва Қозогистон театрлари ўртасида талон-тарож бўлиб кетди. Бу комедияни Қозогистоннинг уч театри, Тожикистоннинг икки театри, Туркманистоннинг икки театри, Қиргизистон ҳамда Кавказ орти театрлари саҳналаштириди. Қандай ҳукм чиқариш ўзингизга ҳавола.

Менга Мухтор Авезов номидаги Қозогистон Давлат академик драма театри жамоаси Кентов шаҳрига гастролга келганда спектакль вақтида бир ҳомиладор келинчак кулавериб туғиб қўйганини айтишди.

Асар қаҳрамони Фармонбиби ролини ижро этаётган халқ артисти Собира Майконова болани саҳнага олиб чиқиб халққа кўрсатган ва Саидаҳмад деб исм қўйган. “Келинлар қўзғолони” баҳонасида қардош Қозогистон аҳолиси сафига яна битта фуқаро қўшилганидан жуда хурсандман.

– “Келинлар қўзғолони” нинг фильм вариантидан ўзингиз ҳам мамнунмисиз?

Сайд Аҳмад: – Мен киностудия билан яқин алоқада бўлиб, бир неча фильмларга киносценарийлар ёзганман. “Уфқ” романи асосида “Мұхаббат

можароси” номли фильм суратга олинган. Роман воқеалари ҳажми катталигидан бир серияли фильмга сиғмас эди. Режиссёрнинг таклифи билан роман воқеалари асосида бир серияли фильм яратдик. Бу фильм таниқли режиссёр Шухрат Аббосов томонидан экранлаштирилган. “Келинлар қўзғолони” нинг кино варианти ҳам ўз томошабинини топганидан мамнунман.

– Маълумки, ҳажв ёзишдан асосий мақсад ҳаётда онда-сонда учраб турадиган ёмон фазилатли кишиларни фош этиш орқали минглаб одамларни ўша иллатлардан фориғ қилишдир. Икки оғиз кичик ҳажмли ҳажвий асарларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

Сайд Аҳмад: – Мен жуда кўп ҳажвий асарлар, фельетонлар, пародия ва миниатюралар ёзганман. Айрим пайтларда фельетон қаҳрамонлари “Ўша пайтда тўғри ёзган “экансиз”, мана йўлимни топиб кетдим”, деб хурсанд бўлишади. Баъзан аксинча дашном эшитамиз. Мен шу кунларда ҳам ҳажв ёзиб турибман.

– Сизнинг миниатюраларингиз асосида кинофильмлар ҳам яратилганми?

Сайд Аҳмад: – Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари билан бундан бир неча йил муқаддам “Учрашув” номли фильм яратганмиз. “Телевизион миниатюралар театрни” студиясида берилаётган миниатюраларда порахўрлар, бюрократлар, олибсолтарлар аёвсиз фош қилинмоқда. Сизларга яхши маълумки, “Олик-солик” да тўй харажатларини ҳаддан ташқари ортириб юборувчи, жуда кўп исрофга йўл қўювчи айрим кишилар танқид қилинган эди. Ҳозир тўй ва аза маросимларида айрим кишилар хўжакўрсинга, ким ўзарга мусобақа ўйнагандек беҳад исрофга йўл қўйиш ҳолатлари юзага келмоқда. Ҳаётимизда юз бераётган бундай камчиликларни фош этиш биз адиларнинг бурчимииздир. Абдулла Қаҳҳор “кичик камчиликлар”ни микроскопда кўрингандек, бир

неча марта катта қилиб кўрсатишимиз керак. Токи, ўша салбий кишиларнинг башарасини кўпчилик кўриб қўйсин”, деган эди. Шу жихатдан “Олиқ-солик” миниатюраси бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмабди.

– “Кизлар бригадаси” миниатюрасининг ёзилиш тарихи қандай кечган?

Сайд Аҳмад: – Мен юртимиз далаларида кўп бўлганман. Қаерда бўлмай, аёлларимиз меҳнатини кўриб қувонар эдим. Одатда, далада фақат аёллар ишлашади. Эркаклар эса соя-салқинда, хирмон бошида, иккинчи даражали ишлар билан банд бўлишади. Кун қизигида оғир ишни аёллар бажарадилар. Ҳозир ҳам худди шундай манзара. Ўйлаб юриб “Кизлар бригадаси” номли ҳажвияни ёзган эдим.

– Сизда ижод жараёни қандай кечади? Ҳар куни ёзасизми ёки фақат илҳом келганда?

Сайд Аҳмад: – Ҳар куни ёзмайман, кўп ўйлайман. Ёзадиган асарим пишиб етилгач, ёзишга ўтираман. Баъзи кичик ҳикояларимни бир ўтиришда ҳам ёзив тутагатман. Айрим пайтларда эса кичик бир ҳажвияни ҳам ойлаб ёзишга, қайта-қайта кўчиришга тўғри келган.

“Уфқ”ни ёзив тутатгач, асар ҳеч қаерда босил масдан саёҳатга чиқдим. Сирдарё тўқайзорларида юриб, у жойларни кузатдим. Рухсат олиб тўқайнин ёндиридим. Жуда қизиқ бўларкан: аввал қамишнинг барглари, кейин танаси, сўнгра бошқаларига ҳам ўтиб алганга олди. Тутун ва олов авж олиб осмонга кўтарилди. Ёнаётган жойдан бўри, тулки ва бошқа хайвонлар қочиб чиқарди, қушлар чирқиллашарди... Тўқайда кечаси жуда кўрқинчли ҳолат бўлар экан. Ўша саёҳатдан сўнг романдаги Турсунбойнинг тўқайда бекиниб ётгани ҳақидаги тайёр саҳифаларни йиртиб, бутунлай бошқадан ёзганман...

1996 йил

ШЕЪР – ҚАЛБ ЭҲТИЁЖИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири
Абдулла Орипов билан сұхбат

– Халқимиз азалдан шеърият шайдоси. Айниқса, истиқолол шарофати билан учрашувлар, йигинлар, сайллар шеърсиз ўтмайдиган бўлди. Дарвоҷе, биз ойнаи жаҳон орқали, ижодий учрашувларда кўп шеър эшитамиз. Бироқ бу хил учрашувларда шеърнинг ёзилиш тарихи, шоир шахсияти, унинг ҳаётга қарашлари хусусида деярли жуда кам маълумот оламиз.

Абдулла ака, сиз илк ижодий фаолиятингиз биланоқ ҳалқимиз қалбида кечаётган туйғуларни шеърга солиб, ҳаёт ҳақиқатини дадил айтиб келаяпсиз. Қалбингизда шеъриятга меҳр уйғотган илк таъсирлар ҳақида сўзлаб берсангиз...

Абдулла Орипов: – Мен Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги “Некӯз” қишлоғида туғилганман. Болалиқда кўрган табиат манзаралари ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳамон эсласам орзиқиб кетаман. Шеъриятга илк муҳаббатни ана шу табиат гўзаликларининг таъсирида кечирганман. Сўнг, мактаб, ўқиш... Ҳаммаси қалбимни шу улуғ дунёга торта бошлаган.

– Ижодкорларимиз орасида уруш даврида туғилиб, урушдан кейинги машаққатли йилларда вояга етган авлод ҳам бор. Сиз шу авлодга мансубсиз. Урушнинг шахсий ҳаётингиз ва ижодингизга таъсири ҳақида гапириб берсангиз...

А.Орипов: – Урушнинг азобли таъсирлари ҳа-



мон дилимда. Бола эдим. Ўша даврда қишлоқдошларимнинг мاشақатли кунларини ҳайрат билан кузатганман. Қишлоғимизда Анзират момо деган аёл бор эди. Уларнинг оиласи нон ўринида ўт, исмалоқ еб юрарди. Менинг иккита амаким урушга кетиб қайтишмаган. “Аёл” деган шеъримни шу амакимнинг беваси – янгамга бағишилаганман. У аёл эри урушдан қайтмаса-да, дунёдан шундайига тоқ ўтиб кетди. У аёлда чинакам садоқатни қўрганман.

Урушдан кейинги тикланиш йиллари... Одамлар буғдой ўришарди. Ўрганини бир мисқол қолдирмай давлатга топширишарди. Улар қанча оч бўлсалар-да, уни ўғирлашмасди. Ерда қолган бошоқларни ҳам териб олишарди. Лекин, уни ҳам ўзларига олмай, давлатга топширишарди. Яна бир хотира: уйимизда иккита етим бола ва бир қизча юрарди. Бир кечада итлар қаттиқ ҳуриб қолди. Нима гап деб ташқарига чиқсан, итлар ғарам олдига тўпланишган, ҳуришиб турибди. Бордик. Ғарамдан икки оёқ чиқиб турарди. Ким экан деб тортиб чиқарсан, ўша уйимизда юрадиган қиз. Момосига яримта нон ўғирлаб чиқиб кетаётган экан. Итлар ҳурганидан қўрқкан қизча ғарамнинг орасига кириб кетган экан...

– Сизнинг 60-йилларда эълон қилинган “Совға”, “Юзма-юз”, “Ўйларим”, “Она тилим” каби ўнлаб шеърларингизда халқимизни мустақилликка ундовчи ёниқ сатрларга дуч келамиз. Мана, мустақилликка эришганимизга ҳам тўрт йил бўлди. Мустақиллик бизга нима берди? Унинг пойқадами юртимизда қандай кечмоқда. Истиқлол туфайли ватандошларимиз онгидагандай ўзгаришлар юз бермоқда?

А.Орипов: – Истиқлол бизга, аввало, мустақилликни берди. Дунёда шахс учун ҳам, халқ учун ҳам бундан ортиқ неъмат йўқ. Инсон боласи аслида мустақил яралади. У фақат Парвардигор, Яратгангагина тобедир, холос. Шу маънода бир гапни уқтири-

моқчиман. Айрим кишилар ёхуд халқ мустақилман деб анархияга, яъни бошбошдоқликка берилмаслиги керак. Уларни ёзилган ва ёзилмаган қонуналар бошқариб туради. Мустақиллик, аввало, сиёсий факт. Бироқ сиёсат ўз-ўзича моддий заминга эга бўла олмайди. Уни таъминлайдиган икки-учта аниқ суюнчиқлар бор. Биринчидан, мамлакатнинг моддий турмуш ҳаётидаги мустақиллик. Бунга дейлик ғалла, нефть, олтин ва ҳоказо бойликлари билан бошқалардан тили қисиқ бўлмаслик киради. Шукрлар айтаманки, Ўзбекистон бу жиҳатларни тўрт йилдаёқ уddyалай олди. Иккинчидан, маънавият. Бу оғир масалा. Товуқнинг катагини аллақандай дақиқаларда қайтадан қуриш мумкин. Лекин парранда тафаккурини янгилаш учун кўп йиллар керак бўлади. Шу маънода мустақилликнинг маънавий қадр-қиматини теран англаб етган одамларнинг саноғи, афсуски, катта эмас. Биз негадир собиқ тузумнинг маънавий қонун-қоидаларига қаттиқ кўнишиб қолган эканмиз. Айниқса, расмиятчилик оёғимизга кишан бўлиб турибди. Гоҳида ўйлаб қоламан. Истиқлол наҳотки фақат ҳурматли Президентимизга керак бўлса? Наҳотки, биттагина Президент элим деб, юртим деб ёнса-ю, бизлар ўз ўлан-тӯшагимизни ўйлаб, лаллайиб яшайверсак. Наҳотки, миллатимизнинг тарихий майдонида шу кунларда юртбошимиз ёлгиз бўлса? Наҳотки, Ватан озодлиги деб бонг урган биз каби неча-неча арбобу арбобчалар барча оғирликни йўлбошчига юклаб, масъулиятни ўзимиздан соқит қилиб, тайёр ошга баковул сингари ҳаёт қечирсак? Наҳотки Ватан деб, халқим деб айюҳаннос солсағ-у, зарур бўлганда ўша туйғулар учун бир сониялик уйқумиздан воз кечак олмасак?

Мен мустақил юртнинг бир шоири сифатида баралла айтаман: Ватан деб, халқим деб оҳ чекадиган ҳар бир фуқаро биринчи навбатда Президентимиздан ўrnak олсин. Ўзбекистон – кўхна рўзгор! Унинг

нураган деворлари-ю, занглаған михлари күп. Уларни янгилаш учун энди фақат үзимиз ҳаракат қилмоғимиз шарт. Бу масалада осмонга ёки ерга термулиб үтириш жоҳилликдир.

Дүнёда бир тушунча бор: у ҳам бұлса Ватан. Ватан – масъум гұдак, Ватан – муштипар аёл, Ватан – чорасиз мұйсафид отамиз. Құлида қуввати, белида кучи бор йигиту қыздар юқорида айтгандаримизни зору нолон қилиб, муҳтожлиқда қўйиши ор эмасми? Ватанга хизмат қилишни мен худди шу маънода тушунаман. Аслида Алпомишу Авазхонлар, Тұмарису Ойбарчинлар ҳам үз әлим, юртим деб майдонга чиққанларида үша туйғуларни қанот қилиб, муроду мақсад қилиб олмаганларми? Үрни келди, бироз гинахонлик қилай. Үзбегим деб дод-вой соглан баъзи йигит-қыздаримиз унинг дүпписини бунга, буникини унга кийгизиб, мансаб талашиб, нафси йұлида үзини у ёқдан бу ёққа уриб, миллат шаънига доғ туширмаяптиларми? Бу хилдаги лұттибозлар илгари турли идоралардан қўрқишаради. Хўш, улар ҳозир кимдан қўрқадилар?

Назаримда истиқол деб бақириб-чақириб юргандан кўра, оддийгина, лекин ҳаётимизни митадек емираётган иллатлар хусусида үйлашимиз ниҳоятда зарур. Мен үз ёшимни ифтихор билан яшаб келаётган оддий инсонман. Лекин солиқ қўмитасининг оддий навкари 3-4 қаватлик муҳташам иморат қуриб турганини кўрсам тавба дейман. Ахир у оддийгина киссавурлик йўли билан бу ишларни қиласапти-ку? Наҳотки талон-тарожлик, безбетлик, үғирилик ҳам шу муборак истиқол бўлса? Такрор айтаман, ёлғиз бир Президентнинг үзига бу муаммоларни ечишни топшириб қўйсак ва биз каби депутатлар келишув ва муроса йўлига тушиб олсак, бу кечирилмас хатолик бўлғай!

– Сизнингча, шеъриятнинг бош вазифаси нималардан иборат?

А.Орипов: – Ёвузликка қарши кураш, ҳамиша эзгуликни улуғлаш, ҳақиқат учун кураш – мана шу шеъриятнинг ўзгармас қонунлари ва айнан шу кундаги вазифалари деб ҳисоблайман.

– Шеъриятнинг бу муқаддас вазифаси ижодкор ёшлар томонидан қандай бажарилаяпти?

А.Орипов: – Ҳозирги ёшлар шеъриятида жиддий ютуқлар бор. Уларнинг изланишлари самара бериши керак. Шакл гўзаллигининг ичидаги шоирнинг ҳам қалби, дарди бўлсин. Дейлик, ҳар хил кийим-кечак сингари одамларда ҳар хил қалб, ҳар хил дард ҳам бўлади. Аслида тарихнинг бурилиш нуқталарида катта шоирлар юзага чиқсан. Алишер Навоий ҳам дастлаб Алишер деган бола бўлган. Пушкин ҳам дастлаб Саша деган бола бўлган. Уларга ўз адабиётларини бир томонга йўналтириш тарих томонидан юкланди ва улар бу ишни муваффақият билан амалга оширидилар. Демак, биз ҳозир сезмай юрган ёшгина бола эртага улуг шоир бўлиши мумкин. Шахсан Президентимиз ижодкор ёшларга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Буни фахр билан қайд этгим келади.

– Сиз Ойбек, Миртемир каби устозларнинг назарига тушгансиз. Миртемир ҳақидаги хотирадарингиздан сўзлаб берсангиз.

А.Орипов: – Ойбек, Миртемир домла каби устозларимиз ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Уларни кўриш, улар билан суҳбатлашиш баҳтига мусасар бўлганимдан мамнунман.

Миртемир ака ҳақида гапирсак, у киши мугомбирлик, ҳасадни билмайдиган, шеъриятнинг уста дехқони эди. Бироқ ўzlари мугомбирлик, ҳасаддан кўп озор чеккан эдилар.

Домланинг озгина соддалиги бор эди. У киши

ижодда ҳамиша мукаммалликка интилар эди. Мен нашриётда муҳаррир бўлиб ишлар эдим. Бир куни домла Ершовнинг “Букри тойчоқ” деган асарини таржима қилиб олиб келди ва менга буни яхшилаб ўқиб камчилигини кўрсатинг, аёвсиз чизиб, ўчираверинг, деди. Асарни ўқиб, чиққандан сўнг, домла яна келди. Бир-иккита сўзларни чизган эдим, кўриб чиқиб ҳафсаласи пир бўлди ва “яхши ўқимабсиз-да” деди.

Ана қаранг, қанчалар ўзига ва бошқаларга тала-бчан устоз...

– Абдулла ака, матбуотдаги хабарлардан маъ-лумки, сизнинг “Ҳаким ва ажал” достонингиз-нинг яратилишида шахсан Шароф Рашидовнинг муайян таъсири бўлган. Ана шу достоннинг ёзи-лиш тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.

А.Орипов: – 1978 йил эди. Шароф Рашидов на-фақат Ўзбекистон раҳбари, балки собиқ шуро импе-риясининг устунларидан бири, яъни Сиёсий бюро таркибиға кирган йиллар эди. Ўща чоғлардаги ме-нинг даражажо мартабамни тасаввур қилиб куринг. Мен юзлаб, балки минглаб ҳаваскор шоирларнинг бириман. Яъни, дангал айтганда, Рашидов қаёқда-ю, мен қаёқда. Орамизда чексиз даражада фарқ бўли-шига қарамасдан, мени қабулларига чақирдилар ва икки йилдан кейин буюк бобокалонимиз Ибн Сино-нинг 1000 йиллик тўйи бўлажагини айтиб, бундай дедилар: “Ука, бобомиз ҳақида бир достон ёзсангиз. Кеча туни билан ўйлай-ўйлай, шу асарни ёзиш сиз-нинг қўлингиздан келиши мумкин, деган хуносага келдим”.

Мен албаттa бу фавқулодда таклифдан бир оз довдираб қолдим. Бу иш қўлимдан келармикин, деган андишани айтгандай бўлдим. Хуллас, Шароф Рашидов ўша достонни ёзиш мажбуриятини ғоятда маданият ва лутф билан бўйнимга қўйдилар.

Сұхбат давомида у киши қүйідеги гапларни менга алоҳида уқтиридилар: "Абдуллажон, иложи борича Ибн Синонинг миллатига қизиқиб юрманг. У зот гарчанд туркий – ўзбек фарзанди бўлсалар ҳам, ба-рибир Ўрта Осиёдаги барча халқларнинг фахридири. Бироқ, дедилар Шароф ака, Ибн Синонинг ўзбекча ёзган шеърларини сизга топтириб бераман, дедилар. Шу пайтда соглиғим унчалик яхши эмаслигини Шароф ака билар экан шекилли, мени ўша заҳотиёқ (ўз ҳисобидан) Чехословакиянинг Карло Вари сана-торийсига жўнатиб юбордилар. У ердан достонни битказиб қайтдим. "Ҳаким ва ажал"ни Ёзувчилар уюшмасининг раиси Комил Яшин домла орқали Шароф Рашидовга етказдим. Яшин домланинг мен-га айтгандарига кўра, достонни қўлга олган Шароф Рашидович ҳайрат ва қувончдан юzlари ёришиб ке-тибди. Бир оз кулимсираб бундай дебдилар: "Мен бу болани даволанишга жўнатсан, у дарров ёзиб қайтибида-да, жасоратига, иқтидорига балли".

Орадан кўп ўтмай Шароф Рашидовичнинг маҳ-сус одамлари уйимга бир хат келтириб бердилар. Ажабки, ўша хат машинкада эмас, балки Шароф Ра-шидовнинг ўз қўллари билан оддий сиёҳда ёзилган экан. Бунинг ҳикматини ўзингиз ўйлаб топаверинг. Мана йиллар ўтди. Бир даражада улғайдик. Шароф Рашидович номини муомалага қўйишдан менда ҳеч қандай манфаат йўқ. Бироқ тарих варакларини атайлаб бекитиб юриш ҳам гуноҳ ҳисобланади.

– Мустақиллигимиз шарофати билан дини-миз, эътиқодимиз, миллий қадриятларимиз ўзи-мизга тўла қайтди. Ўзбек ижодкорлари ораси-да биринчи бўлиб Маккани зиёрат қилиб ҳожи бўлиб қайтдингиз. Айни пайтда дунёвий фикр-лайдиган инсонсиз. Қолаверса, диний мавзуда қалам тебратаетган ижодкорсиз. Энг муҳими, сиз ҳаққоният шоирисиз! Шундай экан, сизнинг

ҳар хил дунёқараашларга тез тушишингизга шахсан мен ишонмайман. Саволим қуидагича. Нанафакат ислом, балки умуман динга муносабатингизни очиқ-ойдин айта оласизми?

А.Орипов: – Алҳамдулилох, мусулмонман! Бу иймон менинг руҳимда, қонимдадир! Айни маҳалда, сизга қуидагиларни баён қиласан: Үзини билган одам учун дин аслида илмдир. Илмни талон-тарож этгувчилар ва этаётганлар қанчалик күп бўлса, динни ҳам шу ҳолга солганлар кўп бўлган. Афсуски, ҳозир ҳам бор. Дин атамаси эътиқоднинг сўнгги нуқтаси демакдир. Бирор разил кимса ҳақида, у қайси динга мансуб бўлмасин, ҳукм чиқариладиган бўлса, диндан қайтган, деб аталган. Бунинг мазмани шуки, яъни ўша зот эътиқоддангина эмас, балки тўғри йўлдан, адолатдан тонган деб ҳисобланган. Дин ҳаммага баробар тушунча. У гўёки тил, Ватан, ҳалқ сингари жаранглайди. Бироқ, ундан кимлар қай мақсадда фойдаланадилар, гап мана шу ҳақда. Бир мисол келтирай: мусулмон динининг асосчиси пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўчоқларида ҳар доим ҳам иссиқ овқат пиширилмаган. У зот ғоят факирона кун кечирганлар. Бунинг устига ҳовли супурганлар, сигир соғганлар. Ҳожи сифатида мен битта гапни айтишим лозим. Жаҳондаги пиру эшонлар, пайғамбаримизнинг, наинки у зотнинг, балки ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд, ҳазрати Ҳожа Аҳмад Яссавий Яссавий, ҳазрати Ҳаким Термизий каби авлиёларнинг турмуш тарзидан ибрат олаётирларми? Афсуски, йўқ. Дин ҳақидаги гапим бундок: уни илм сифатида ўрганиш, эътироф этиш бошқа-ю, диндан ўз манфати йўлида фойдаланиш бутунлай бошқа. Мана бунинг номини эса мутаассиблик дейдилар. Афсуски, ана шу иккинчи машъум жиҳат буюк иймон фалсафасининг муҳташам обрўси соясида кун кўраяпти. Мен бир шеъ-

римда айтганман: ҳар учраган эшону, ҳар саллалик пир эмас.

Истардимки, муҳиблар, пайғамбаримизнинг асл умматлари юқоридаги мулоҳазаларимизни тұғри тушунсалар. Яна бир гап. Яқында Ўзбекистонимизда яхши ниятда ташкил этилган Маънавият ва маърифат марказимизда бир гап айтишга тұғри келди. Яъники, етти юз мингдан иборат буюк ҳикматларни ўз ичига олган ҳадисларни, улардаги бебаҳо ҳикматларни наҳотки хурофот деб эълон қиласак?! Агар ўша ҳикматлардан бирортасини Демокрит ёки Гегель айтган десак, тарихий үгитларга мувофиқ келади-ю, агар уни ҳазрати Пайғамбаримиз айтди, десак, гүёки у фанатизм бўладими?! Биз шу қадар нохолис, ноилмий, шармандаларча аҳволга тушиб қолган эканмиз.

Даъвоим қуруқ бўлмаслиги учун бир-икки мисол келтирай. Ба бу мисол натижасида Мұхаммад алайҳиссалом – пайғамбаргина эмас, балки ўз асрининг буюк ҳакими эканлигига иймон келтирасиз. Кунлардан бир куни ҳазрати Пайғамбаримиз дараҳт соясида ҳордик чиқарибдилар. Саҳобалар у зотга: “Ё Расулуллоҳ, тақир ерда ётманг, ҳеч курса, тагингизга пўстак тўшаб берайлик”, дебдилар. Пайғамбаримиз шундай жавоб қилибдилар: “Бу дунё дараҳт соясидир. Мен бу соядан пиёда эмас, ҳаттоқи от чоптириб ўтиб кетаётирман, шундоқ экан, ҳашам нечун?”

Ёки икки дўзахий ҳақида бундай ривоят бор: Икки мусулмон жанжаллашиб, бир-бирини ўлдирибдилар. Расулуллоҳ алайҳиссаомдан сўрабдилар: “Аё, Пайғамбар, уларнинг қайси бири жаннатға тушадио қайси бири дўзахга тушади?”. Пайғамбаримиз алайҳиссалом жавоб қилибдилар: “Иккови ҳам дўзахга тушгайдир. “Нега?” – дейишибди. Пайғамбаримиз жавоб қилиб: “Иккаласи ҳам жанг майдонига тушганларида бир-бирига ўлим тиладилар.

Аллоҳ инъом этган шафқат ҳисси уларда йўқ эди", – дебдилар. Бундай мисолларни қўплаб келтириш мумкин. Айтинг-чи, динни биз фақат маййит ҳақига тиловат қилиш ёки меҳробдаги тоат-ибодатдан иборат деб қарашимиз керакми ёхуд уни адаб илмининг ўзига хос бебаҳо хазинаси деб қарашимиз керакми?

Мен шоир, арбоб, ҳожи сифатида бу икки хислатни жамлаш нуқтаи назарда собит қоламан. Мен она ҳалқимнинг ҳар доим муслим – мусулмон бўлиб қолиши тарафдориман. Бироқ у ҳалқ мустабид фанатикларнинг қули бўлмасин. Умидворман, ҳалқим – дини исломимизни Навоий, Бобур каби ҳаққоний ҳаёт дастури деб қабул қилгай!

– Шарқ классик шеъриятининг бугунги адабиётимизга, қолаверса, ўзингизнинг ижодингизга таъсири ҳақида гапириб берсангиз?

А.Орипов: – Бу ҳақда жуда қўп гапириш мумкин. Шарқ шеъриятининг ҳамма шоирларга ҳам таъсири кучлидир. Шарқона фикрлаш деган ибора бор. Бунинг асосида лутф, самимият ётади. Устоз шоирларимизнинг рубоийлари қандай гўзал. Шарқ шеъриятида кучли реализм бўлмаган дейдилар. "Калила ва Димна", "Бўстон" ва "Гулистан" афсоналари, ривоятларни олинг. Лекин ўша афсона, ривоятлар заминдан узилиб қолмаган. Бугунги кунни аниқ кўрсатиб бера оладиган киши сифатида ижод қилиш керак, деб ўйлайман.

– Ғазал ҳозирги воқеликни ёритишда ожизлик қиласи деган фикрларга қандай қарайсиз?

А.Орипов: – Ҳаёт барча тахминлардан баланд туради. Ҳеч ким ғазал жанрида ёзма деб айтмайди. Лекин фақат ғазал ёзиш керак деганлар ҳам, ғазал ёзиш керак эмас деганлар ҳам бир ёқлама фикрлайдилар деб ўйлайман. Бу шоирнинг руҳий эҳтиёжи билан боғлиқ. Энг муҳими, қай даражада ёза билишда. Арузни ўрганиш, тарғиб қилиш учун ҳара-

катни мактабдан бошлаш керак. Болаларга ғазал ёдлатиб ўргатилса, болалиқда ўргатилган нарса умрбод хотирада қолади.

– Сизнинг узоқ, ҳатто йиллаб тайёргарлиқдан сўнг ёзилган шеърларингиз ҳам борми?

А.Орипов: – Йиллаб тайёргарлиқдан сўнг ҳам шеърлар ёзганман. Масалан, “Ўзбекистон” руҳий жиҳатдан узоқ тайёргарлик натижасида ёзилган. Бироқ шеър кўпроқ оний хусусиятга эга.

– Мусиқа билан шеъриятдаги уйғунлик масаласига қандай қарайсиз?

А.Орипов: – Мусиқа билан шеърият албатта уйғун. Лекин тўғри келган шеърни қўшиқ қилиш яхши эмас. Мусиқани мўлжаллаб шеър ёзиш ҳам унчалик маъқул деб билмайман. Албатта мусиқа билан шеърият бир-бирига қариндош. Иккиси ҳам инсон руҳиятига хосдир.

– Сиз тез-тез мурожаат қилиб турадиган наср асарлари қайсилар?

А.Орипов: – Мен қадимги юнон, француз, итальян файласуфларининг асарларини кўп мутолаа қиласман. Шунингдек, Қодирий асарлари ва Ойбекнинг “Навоий” романини қайта-қайта ўқийман.

– Ҳўш, у ҳолда асарни ўзбек тилига таржима қилишнинг оддий ва ибтидоий эҳтиёжи нимада?

А.Орипов: – Гап шундаки, аввало, жаҳон адабиётининг энг буюк асари билан халқимизни таништириш иштиёқи бу андиша ва ҳадикларни ўз-ўзидан бартараф этади. Қолаверса, халқимизнинг бугунги савияси фақатгина шарқ адабиёти тарихи биланги на эмас, балки бутун жаҳон адабиёти, маданиятини билиш билан ҳам белгиланади. Замонамиз халқлар олдида катта уфқларни очиб берди. Бугунги кунда Фарб китобхони жавонида Навоий ва Саъдий асарлари турган экан, Шарқ китобхонлари ҳам Данте ва Гётени ўз тилларида ўқишлари зарурий, эҳтиёжга

мувофиқ ҳолдир. Бизнинг устозларимиз жаҳон адабиёти намуналарини таржима қилиш соҳасида катта ишлар қилдилар. Таржима жараёни ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, бу ниҳоятда оғир, ва айни пайтда, завқли ишдир. Буюк шоир ижодий оламидан бир умр таълим олиш мумкин.

– **Маълумки,** “Илоҳий комедия” рус тилида ўтган асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Унинг таржимасининг бир неча вариантлари бор. Сиз рус тилидаги вариантларнинг қайси бирига сунгансиз?

А.Орипов: – Мен барча вариантлари билан танишиб чиққанман. Лекин менга Михаил Лозинскийнинг ўн йиллик баҳодирона меҳнати туфайли юзага келган ҳозирги нусхаси ҳар томонлама маъқул келган. Натижада, таржима учун унинг вариантини олганман.

– **Бахши шоирлар ижодига қандай қарайсиз?**

А.Орипов: – Халқ оғзаки ижоди бизнинг асосий сарчашмамиз, бадиий ижоднинг онасидир. Ҳозирги бахшиларимизнинг ишлари жуда қувонарли. Улар қадимий оҳангларимизни, достонларимиз, қўшиқларимизни сақлаб келмоқдалар. Лекин уларнинг ижодида сатира кам. Ана шу жиҳатни кенгайтириш керак.

– **Ижодий режаларингиз?**

А.Орипов: – Модомики, деҳқоннинг қўлида кетмони бўлса, биз шоирларнинг қаламимиз ҳам қўлимида. Ҳаёт ижодкор шахсиятидан баланд ва кенг. Ҳаётни ижодкор ўзига бўйсундира олмайди. Кўп ёзгим, кўп ўқигим келади...

1995 йил

ХАЛҚ ДИЛИНИНГ ТАРЖИМОНИ

Ўзбекистон халқ шоири Уйғун билан сұхбат

– Домла, сұхбатимиз-ни анъанавий саволдан бошласак. Сизда бадиий ижодга бўлган ҳавас қа-чон бошланган?

Уйғун: – Бадиий ижодга бўлган ҳавас мени Жанубий Қозогистоннинг узок Мар-ки қишлоғидан Тошкентга етаклаб келди. Педагогика билим юртида ўқиб юрганимда менда шеъриятга бўлган қизиқиши пайдо бўлди. Сўнг Самарқанддаги Педакадемиянинг тил ва адабиёт факультетига ўқишига кирдим. У ерда ҳам шеър машқ қилишни давом эттирдим. Ниҳоят 1925 йили “Ер юзи” журналида биринчи шеърим чоп этилди. Бу воқеа менинг ҳаётимда чуқур из қолдирди. Маълумки, шоир бўлиш учун ҳаракат, қизиқиши, орзунинг ўзи кифоя қилмайди. Тинмай ўқиб-ўрганиш, мashaққатлардан қўркмай, сабот билан меҳнат қилиш керак бўлади. Тўғрироғи, доим халқ билан бирга бўлиш, унинг барча қувончу ташвишлари, қайғу ва аламларига, орзу ва умидларига шерик бўлиш, уни юракдан ҳис қилиш зарур...

– Сизнинг авлодингиз:Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар ўзидан кейинги ёшларни ниҳоятда меҳрибонлик билан адабиёт даргоҳига олиб киришган. Сизнингча, ана шу анъана бугунги кунда қандай давом эта-япти?



Уйғун: – Бизлар адабиётта кириб келган йиллар билан бугунни таққослаганда ёш авлодга чин дилдан ҳавасим келади. Чунки бизнинг давримизда ҳозиргиdek имкониятнинг ярми ҳам йўқ эди.

Ҳозирги ёшлар учун жаҳон адабиётининг барча калитлари очиқ. Ёшларнинг аксарияти рус тилини билишади, рус тили орқали жаҳон адабиётидаги янгиликлардан тұла хабардор. Бизнинг давримизда эса кўпчилигимиз рус тилини билмасдик. Ўзбек тилида эса бадий асарлар деярли йўқ эди.

Хуллас, бизнинг олдимизда шеърият, наср, драматургия яратищдан ташқари жуда кўп муаммолар турарди. Биз ўзимиз қийналиб адабиётта кириб келганимиз учун, биздан кейинги авлодга меҳрибонлик ҳисси кучли бўлган. Улар учун мураббийлик қилиш, устозлик анъанамиз шу кунларда бироз сустлашганидан ташвишдаман...

– Чинакам ёзувчи ҳалқ тилининг учидаган гапни айтиши керак. Сизнингча, ҳозирги адиларимиз бу вазифани қандай бажарайпти?

Уйғун: – Жуда тўғри савол. Ҳақиқатан ҳам, ҳалқ дилидагини ёзиш ижодкор учун, шубҳасиз, ҳақиқий, истеъдодли ижодкор учун қасамёд сингари мангудилда турадиган бурчдир. Ҳалқнинг тилидаги, дилидагини топиб айтиш учун, ёзувчи ҳалқ орасида кўп бўлиши, улар билан руҳан бирга яшаб, унинг қувончи, дардини ўз дарди деб билиб, у билан қўшилиб қувониши ёки азобланиши лозим. Дилдан чиққан нарса, дилдан мангудил жой олади. Шунга амал қилган ҳар бир ижодкор ҳеч қачон кам бўлмайди.

– Сиз ёрқин истеъдод эгаси Усмон Носир билан адабиётта баробар кириб келгансиз. Унинг шеърияти ўқувчилар дилидан чуқур жой олган бўлса-да, ҳозиргача кўпчилик унинг шахсияти ҳақида жуда кам нарсаларни билади. У ҳақидаги хотираларингиздан сўзлаб берсангиз?

Уйғун: – Усмон Носир ҳақиқий түфма истеъдод

Эгаси эди. У адабиётимизга яшиндай чақнаб, ярқираб кириб келганди. Мен у билан бир неча йил яқин бўлиб яшаганман. У истеъододли шоир бўлиш билан бирга, моҳир таржимон ҳам эди. Унинг Пушкин ва Лермонтовдан қилган таржималари ҳозир ҳам (таржима билан шуғулланувчи) ёшлиар учун маҳорат мактабидир. Мен Усмон Носир шеърияти ҳақидаги кузатишларимни унинг китобига ёзган сўзбошимда батафсил ёзганман. Қизиққанлар топиб ўқиши мумкин.

– Бебаҳо хазинамиз – ҳалқ ижоди ҳақидаги фикрингиз билан ўртоқлашсангиз?

Уйғун: – Ҳалқ ижоди чинакам мӯъжиза. Ўзбек ҳалқи азалдан ҳалқ бахшилари, қўшиқчи, созандаларга бой бўлган. Ҳалқимизни мардлик, ҳалоллик руҳида тарбиялашда, уларнинг адабиётга бўлган чанқоқлигини қондиришда ўтмишда ҳалқ бахшиларининг хизмати жуда кучли бўлган. Улар биратўла ҳозирги театр, ойнаи жаҳон вазифасини бажарган. Ўтган йили Хоразмда ўтган бахши шоирлар кўригига 100 дан ортиқ бахшининг иштирок этиши, уларнинг келажакда ҳам ҳалқимиз учун ардоқли бўлиб қолишидан далолат беради. Бой меросимизнинг бугунги давомчилари бўлган бахшиларни қўллаб-қувватлаш, уларга ижод учун зарур бўлган барча шаротларни яратиб бериш керак.

– Бундан ўн йил аввал ёзган бир шеърингизда сизни “Қариса ҳам севги ҳақида ёзади” деб айبلاغанларга қаратса: “Севги ҳақида ҳали қўп ёзавераман, ҳамон қўнглим ёш”, дегандингиз. Айтинг-чи, ҳозир ҳам шу фикрдамисиз?

Уйғун: – Аввало, севги-муҳаббат деганда биз энг аввал эл-юртга, ҳаётга, оиласга, дўстга, ота-онага бўлган меҳрни, садоқатни тушунамиз. Севги ҳаётилизнинг йўлдоши. Менимча, дунёда севгисиз, меҳрисиз нарсанинг ўзи йўқ. Инсон ҳаётни, меҳнатни, ўз касбини, фарзандларини севиши керак. Биз киши-

ларимизда севги-садоқатнинг олий фазилатларини – ватанни, давлатимизни, ўз халқимизни севиш, унга садоқатли бўлиш туйғуларини тарбиялашимиз лозим. Энди, бевосита, ишқ-муҳаббатга келсак, дилдан сева оладиган, садоқатли, вафодор бўлиш жамияти-миз учун энг ибратли фазилатлардан ҳисобланади. Соф севги кишида олижаноблик туйғусини тарбиялади. Олижаноб кишилар жамиятнинг илғор кишилари бўлиб етишадилар. Улар оиласда, турмушда, ишда катта муваффақиятларга эришадилар. Мен ўз шеърларимда доимо соф севгини, вафодорликни, ёрга садоқатни улуглаб келаман. Биз ёшларимиз қалбида чин муҳаббат ва садоқат, гўзаллик ва олижаноблик туйғуларини тарбиялашимиз керак.

– Кўпгина баҳс-мунозараларда шеърият, насрга қараганда драматургиямизда қолоқлик сезилмоқда, деган фикрлар тез-тез такрорланмоқда. Бу ҳақда сиз нима дейсиз?

Ўйғун: – Ана шу фикрда жон бор. Ҳақиқатан ҳам, драматургиямиз шеърият ва насрга қараганда анча орқада. Бунинг маълум сабаблари бор. Драматургия – адабиётнинг энг қийин жанрларидан биридир. У ижодкорни бироз чеклаб қўяди. Унинг қонун-қоидаларига амал қилмасанг бўлмайди. Шу сабабли бўлса керак, бизда яхши драмалар кам яратилиб, театрларимизда унга муҳтоҷлик сезилмоқда. Натижада, кўпроқ таржима асарларини саҳналаштиришга мажбур бўляпмиз.

Драматургия жанрида ижод қилаётган ёшларда бу жанрнинг ўзига хос томонларини яхши билмаслик ҳамда ҳаётий тажрибанинг камлиги яққол сезилаяпти. Шунингдек, уларнинг режиссёrlар билан ҳамкорликлари ҳам унчалик яхши эмас. Шу ўринда кўпроқ театр санъати билан шуғулланувчи мутахассислар, театр раҳбарлари фаоллик кўрсатишлари зарур. Бунинг учун театр раҳбарияти, режиссёр ва муаллиф ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашимиз

зарур. Тажрибадан шу нарса аниқки, барча бақувват драмалар режиссёр ва муаллифнинг ҳамкорлигига яратилган.

Драма халқ билан юзма-юз гаплашадиган санъат. Шунинг учун унинг киши қалбига, руҳига таъсири жуда кучлидир. Драманинг муваффақияти асосан режиссёрга боғлиқ. Афсуски, бизда истеъдодли, фидойи режиссёrlар бармоқ билан санаарли...

Кейинги йилларда драматургия ва режиссура соҳасига бир гуруҳ истеъдодли ёшлар кириб келди. Баҳодир Йўлдошев, Машраб Бобоев, Шароф Бошбеков, Анвар Обиджонлардан умидимиз катта. Эҳтимол, шу ёшлар драматургиямиздаги қолоқликка барҳам берар...

– Сиз қўшиқ жанрининг ривожига ҳам муносаб ҳисса қўшган шоирсиз. Кейинги пайтларда негадир, умри боқий, ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар ҳам яратиляпти.

Уйғун: – Халқимиз санъатни яхши кўради. Санъатлар ичида қўшиқ халққа энг яқини. Ашулани ёмон кўрадиган киши бўлмаса керак. Ҳар бир кишининг ўзича ашула айтгиси келади. Ҳеч бўлмаса ёлғиз қолганда беихтиёр хиргойи қилади. Зеро, қўшиқ инсон қалбининг садоси, нидоси. Қўшиқ доим инсонга ҳамроҳ. Тўйда ҳам, уйда ҳам, қўчада ҳам қўшиқ айтилади.

Ҳақиқатан ҳам, қўшиқчиликни ривожлантириш борасида ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Ёшлиримизни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбияловчи яхши қўшиқларимиз кам. Ҳамон бачкана, саёз қўшиқлар радио ва ойнаи жаҳонда камаймаяпти.

Қўшиқ санъатини янада ривожлантириш, халқимиз дилидан чуқур жой оладиган яхши қўшиқлар яратиш учун шоир ва бастакорларнинг ижодий ҳамкорлигини кучайтиришимиз зарур.

– Сиз сүнгги йилларда қатор тарихий драмалар яратдигиз. Тарихий драма ёзаётганда ассоций диққат-эътиборни нимага қаратиш керак?

Уйғун: – Тарихий драмалар асосида қўйилган спектаклларни томошабинлар қизиқиб кўрадилар. Тарихий драма ёзганда биринчи галда фактларнинг аниқ бўлишига эътибор бериш лозим. Ҳар бир асарда тарихимизнинг муҳим нуқталарини акс эттиришимиз керак. Бунинг учун энг, аввало, тарихни яхши билишимиз, воқеалар моҳиятини теран тушунишимиз лозим. Тарихимиздаги энг яхши, характерли фазилатларни танлаб олишимиз ҳамда уларни замонга хизмат қилдиришимиз керак. Ҳалқимиз ҳаётига оид ижобий фазилатлар, кишиларимизга хос умуминсоний хусусиятлар, илғор фикрлар, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик, садоқат, вафодорлик, эл-юрга мұхабbat каби фазилатларни танлаб олиб, тарихий асарлар тўқимасига сингдирив юбориш даркор. Шундагина тарихий асар бугунги кунга хизмат қилиб, ёш авлодни тарбиялашга хисса қўша олади.

– Сизда Зебуннисо ҳақида асар ёзиш нияти қачон пайдо бўлган?

Уйғун: – Тарихда ҳалқимизнинг буюк фарзандлари Нодира, Увайсий, Зебуннисо каби ажойиб шоираларимизнинг номлари ҳурмат билан тилга олинади. Улар фақатгина шоира бўлмасдан, балки адолат учун курашувчи фидойи аёллар бўлган. Шулардан бири Зебуннисодир. Зебуннисонинг ажойиб ғазалларини ҳалқимиз севиб ўқыйди. Унинг ҳар бир ғазалида адолатсизликдан зорланиш, ҳалқнинг оғир ахволига ҳамдардлик каби фазилатлар барқ уриб турди.

Жаҳолат ҳоким бўлган, адолатсизлик ҳукм сурган Зебуннисо замонида бундай шеърларни ёзишнинг ўзи ўша тузумга нисбатан исён эди. Ҳар гал Зебуннисо ғазалларини ўқиганимда у ҳақда бирор нарса

ёзиш иштиёқи барқ ураверади. Зебуннисо образини аниқ далилларга асосланиб тавсиф этганман. Ўзларида даврининг ҳукмрон синфи характерини ифодаловчи салбий қаҳрамонлар эса драматург фантазияси, хаёлот маҳсули деб билгаймиз.

– Энди “Беруний” драмасининг ёзилишига сабаб бўлган омиллар ҳақида сўзлаб берсангиз.

Уйгун: – “ЮНЕСКО”нинг қарори билан Берунийнинг 1000 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Мен унгача ҳам бобомиз Беруний ҳақида бир асар ёзишни ният қилиб юрардим. Юбилей баҳона бу эзгу ниятим амалга ошиди.

– Ёшлар халқимизнинг келажаги, орзу-умидлари. Ҳар бир халқ ўз келажагининг порлоқ бўлиши учун курашади. Демак, ёшларнинг истиқболи учун курашади. Устоз шоир, жонкуяр мураббий сифатида ёш ижодкорларга тилакларингиз?

Уйғун: – Истеъдод – бу халқнинг маънавий бойлиги. Халқнинг ўлмас анъаналари, урф-одатлари, таомили, дарди дунёси у бадиий тарзда полотноларга мангу муҳрланиб қолишга қодир. Шу маънода истеъдодли ёшларнинг ўз вақтида бошини силаш, уларнинг ўз йўлини топиб кетишига кўмаклашиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Уларнинг келажакда халқа манзур бўладиган, китобхон қалбидан чуқур жой оладиган ёрқин ва салмоқли асарлар яратишига шак-шубҳам йўқ. Ёшларга бу йўлда чидам, сабот ва гаштили илҳом тилайман.

1990 йил

БОШ МАНБА – ҲАЁТ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Одил Ёқубов билан сұхбат



– Сизнинг аксарият асарларингизда умуминсоний қадриялар қаламга олиниб, ўқувчи қалбини виждон, ҳалоллик, диёнат каби эзгу түйгүлар забт этади. Шу боис асарларингиз, яъни халқимизни ҳалолликка унdagани боис деярли барча асарларингиз ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олиниб, адабий жамоатчиликнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлган.

Яххиси, сұхбатимизда асарларингизнинг ютуқ ва нуқсонларини таҳлил қилишдан кўра, асосий эътиборни ижодий лабораториянгиз, асарларингизнинг ёзилиш тарихига қаратсак.

Одил Ёқубов: – Менга ҳам маъқул.

– Ҳар бир адаб ўзининг ижод йўли қачон бошланганини аниқ айта олмаса керак. Ёзувчининг ижодий йўли болалик йилларида ҳаётга, гуллаган bogларга, дарё бўйларидан униб чиқсан илк ялпизларга, кўқдан учиб ўтган биринчи турналарга мафтун бўлган пайтларидан бошланади. Эҳтимол, ижодкорнинг ўзи буни сезмас?

О.Ёқубов: – Мен “Тенгдошлар” номли биринчи қиссамни Узок Шарқда, солдат бўлиб юрган чоғларимда ёзганман. Бу қисса бир неча йиллик турли газета ва журналлардаги саргардонликдан сўнг 1951 йили «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилди. Демоқчиманки, расман менинг ижодим 40-йилларнинг охири, 50-йилларнинг бошига тўғри келса-да, асли-

ни олганда бу ижод болалик пайтларимда, ўша сиз эслатган чечакларга, гуллардан боғларга, бирга ўқиган ва ўша пайтдаги тасаввурларимга кўра оламда энг чиройли туюлган гўзалликларга шайдо бўлиб юрган пайтларимдан бошланган бўлса керак...

– Маълумки, “Муқаддас” қиссаси ижодингизда алоҳида босқич ҳисобланади. Шу асарингиз билан ёш китобхонларнинг севимли адиларидан бири бўлиб танилдингиз. “Муқаддас”гача ёзилган асарларингизга қандай қарайсиз?

О.Ёқубов: – Ҳар бир ижодкорнинг босиб ўтган йўлида муваффақиятлар ҳам, муваффақиятсизликлар ҳам бўлади. Шу маънода «Муқаддас»дан олдин ёзилган асарларим орасида яхши чиққанлари ҳам бор, ёмон чиққанлари ҳам. Бу ҳақда мени бир нарса дейишим одобдан бўлмас.

– Ҳар бир жиддий асарнинг ўз яратилиш тарихи бўлади ва бу тарих ҳеч қачон тақрорланмайди. Баъзан йиллаб материал тўплайсиз-у, асарни бошлай олмайсиз, унинг ичига кириб кетолмайсиз. Баъзан, аксинча, арзимаган бир туртки сабаб бўлиб йиллаб ёзилмаган ишингиз юришиб кетади. Демоқчиманки, адабий асарнинг туғилиши ва яратилиши жуда кўп омилларга боғлиқ ниҳоятда мураккаб жараён. Сизнинг ижодингизда айнан ҳаётдан олиниб бадиий тўқимасиз яратилган асарлар ҳам борми?

О.Ёқубов: – Адабиётда баъзан шундай зўр истеъдодлар бўладиким, улар учрашган ҳар бир одам, ҳар бир воқеанинг туб моҳиятини кўра олиб, чинакам типик характер, баркамол образ ярата олишади. Улар учун “қизик” бўлмаган майда одам, жўн воқеа бўлмайди. Менимча, сўнгги йилларда мана шундай зўр қобилиятга эга бўлган катта санъаткор сифатида Чингиз Айтматов ва Василий Шукшинни айтса бўлади.

Демоқчиманки, ҳар бир асарнинг туғилиши ва яратилишига минг бир нарса сабаб бўлади. Ўйлайманки, ҳеч бир ёзувчи бир воқеа ва ҳодисанинг қандай ривожланиб, қандай тугашини тўла тасаввур этолмайди. Ҳархолда, мен бундай қилолмайман. Асарни ёзиш давомида бошда чизилган режалар кўп жиҳатдан ўзгариб кетади, баъзан батамом тескари бўлиб кетади. “Муқаддас” қиссасининг ёзилишига бир қизнинг ҳикояси, унинг бошидан ўтган воқеалар сабаб бўлган. Мен бу ҳикояда баъзи хурофий тушунчалар, шу бугун ҳам кўпларни инсоний баҳтдан маҳрум қилиб қўяётганини тасдиқловчи шафқатсиз бир хужжатга дуч келдим. Шу фикрни айтиш имконини бергувчи тайёр бир асар эди!..

– Ҳозир матбуотда идеал қаҳрамон муаммосига оид ҳар хил баҳолар бўляяпти. Сизнингча, ҳар бир шахсада озми-кўпми камчиликлар бўлган муайян шароитда идеал қаҳрамон қандай намоён бўлиши мумкин?

О.Ёқубов: – Идеал қаҳрамон масаласига ижобий қарайман. Афсуски, бекорчи ва юзаки баҳслар туфайли бу муҳим масала кейинги пайтда бироз сийқалашиб кетди. Ҳолбуки, ижобий қаҳрамон ҳақида Навоий ва Толстойдек одамлар бош қотиришган. Лекин Навоий, Толстой каби улуғ алломаларимиз идеал қаҳрамон масаласига биз ўйлаган тарзда оддий ёндашган эмас. Навоий, Толстой, Достоевский, Тургенев яратган идеал қаҳрамонлар ўша буюк адилларнинг буюк ўйлари, исёнкор туйғулари, орзу-умидлари, адолатсизликка қарши кураш лозимлиги ҳақидаги энг ўткир фикр-мулоҳазалари, истаклари ва хоҳишларини мужассам этганлар. Шунинг учун ҳам, улар яратган идеал қаҳрамонлар бизлар ярататёйтгандек жўн эмас. Шунинг учун улуғ боболаримизнинг асарлари, уларнинг ўлмас қаҳрамонлари Фарҳод, Ширин, Мажнун бизни ҳануз ҳаёт ҳақида теран ўйлашга, адолат учун курашга, турмушда фаол бўлишга ундовчи маёқ вазифасини ўтаб келмоқда.

– Шеъриятга муносабатингиз қандай? Ҳозирги ёшлар шеъриятининг парвози сизни қониқтирадими? Сизнингча, уларнинг изланишларида қандай фазилатлар кўзга яққол ташланмоқда?

О.Ёқубов: – Ўзим насрда қалам тебратсам-да, шеърни яхши кўраман. Кўп ўқийман, яхши шеър яхши кўйга ўхшайди, у киши руҳини, маънавий оламини ниҳоятда бойитади. Гўзалликни тушунишга ўргатади.

Менинг фикримча, 50-йиллардаги шеъриятилизмнинг энг катта камчилиги дидактика, баландпарвозлик, дабдабозлик бўлди. Айниқса, ёшларнинг изланишлари диққатга сазовор. Ҳозирги ёшлар шеъриятидаги мени қувонтирадиган ибратли жиҳати самимият, туйғулар мусаффолиги. Мен бугунги ёшлар шеъриятини мана шу фазилатлари учун яхши кўраман ва севиб ўқийман. Албатта, ёш шоирларимизда бизнинг улкан адиларимиз Faфур Fuлом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шайхзода шеъриятига хос бўлган айrim хислатлар, жўшқинлик, улкан фуқаролик пафоси, туйғулар эҳтироси етишмагандек туюлади. Бу сифатлар тажрибага боғлиқ нарсалар. Бугунги жиддий ўзгаришлар – поклик учун бораётган шафқатсиз кураш ёш шоирларимиз учун ҳам катта сабоқ бўлади, деган умиддаман.

– Маълумки, Абдулла Қодирий романлари пайдо бўлиши билан адабиётда “Ўзбек романчилиги мактаби”та асос солинган. Ҳозирги пайтда “Лотин Америкаси романчилик мактаби” ибораси кенг қўлланилмоқда. Бу хил тушунчаларга қандай қарайсиз?

О.Ёқубов: – Албатта, фақат улкан истеъоддларгина мактаб яратишга қодирлар. Шу маънода мен ҳар қандай “мактаб”га ҳурмат билан қарайман. Айниқса, сўнгги йилларда кўпчилик диққатини ўзига жалб этган “Лотин Америкаси мактаби” ҳаётга ёндашиши, образлар тизимининг янгилиги билан кўп-

чилик эътиборини жалб этмоқда. Бас, шундай экан, бу мактаб сабоқларини ўрганиш фойдадан холи эмас. Бизда ҳам айрим ёш ёзувчиларнинг изланишларида ана шу мактабнинг таъсири йўқ эмас.

Бизда том маънодаги новаторона асарлар кам. Бизнинг адабиётимиз ўта маънавий адабиёт. Шу жиҳатдан умумжаҳон адабиётида бўлаётган изланишларни кўпроқ ўргансак ёмон бўлмас эди.

– Ҳозирда жаҳон тараққийпарвар адабиётида миф ва афсоналар бадиий асар организмига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Бу жараён ўзбек адабиётида қандай кечмоқда?

О.Ёқубов: – Афсона ва ривоятларнинг адабиётга чуқур кириб боришини табиий бир ҳол деб биламан. Чунки унда ҳалқнинг бой ва ҳаётий тажрибалари ўз инъикосини топган.

Қардош ва жаҳон ёзувчилари томонидан кўп кўлланилаётган ривоят ва мифлар негадир бизнинг адабиётимизга унчалик чуқур кириб бораётгани йўқ. Фикримча, ёзувчи ўз асарига бундай ҳикоят ва ривоятларни шундагина киритиши керакки, улар ҳалқ ҳаётининг ниҳоятда теран томонини акс эттиришга хизмат қиласин. Яъни, жуда юксак ижтимоий муаммолар ечимиға хизмат қила олсин. Маркес, Булгаков, Айтматов каби истеъдодли ёзувчилар миф ва афсоналардан ана шу мақсадда фойдаланмоқдалар. Бизда эса миф, афсона ва ривоятлар гоҳо юқоридаги замонавий ёзувчилардан орқада қолмаслик учунгина киритилаётгандек туюлади. Бу эса адигба ҳеч қачон ижодий зафар келтирмайди. Шунинг учун биз бу янгиликдан чўчимасдан, балки ҳалқимизда, унинг эртак ва достонларида мавжуд бўлган ва теран мазмунга эга бўлган ҳикоят ва ривоятлардан унумли фойдаланиш йўлларини қидирмоғимиз лозим. Шахсан мен “Кўхна дунё” романида ҳалқимизнинг ривоят ва ҳикоятларидан баҳоли қудрат

фойдаландим. Бу усулнинг нечоғли муваффақиятли чиққан-чиқмаганлиги қўпроқ ўқувчиларга ҳавола.

– Бадиий асарнинг таъсир кучи ҳақида қандай фикрдасиз? Адабиёт инсоннинг рұхий оламини, характерини яхши томонга ўзгартириб юборишига ишонасизми?

О.Ёқубов: – Албатта, бадиий асарнинг таъсири дарҳол, китобни ўқиган заҳоти намоён бўла олмайди. Бу нарса китобхоннинг маданий савиясига ҳам боғлиқ. Лекин бадиий асар инсон қалбида меҳршафқат, эзгулик, ёмонликка нафрат уйғотишга қодирким, шунинг ўзи унинг тарбиявий аҳамияти катта эканидан далолат беради.

– Сиз ўзингизнинг ижодий тажрибангизда тенгдош адиблардан ҳам таъсиrlанганмисиз?

О.Ёқубов: – Менинг тасаввуримда ижодкор ўзига тенгдош адиблардан таъсиrlаниши жуда қийин нарса. Албатта тенгдошлар орасида ҳам бир давр, бир замонда яшаб ижод қилган улкан адиблар, масалан, Чингиз Айтматовдек катта ижодкорлар бўлиши мумкин. Лекин бу камдан-кам бўладиган ҳодиса. Ҳар бир салоҳиятли ижодкор, аввало, ҳаётдан таъсиrlаниши керак. Ижодкорнинг бош манбаи ҳаёт, тирик одамлар ва бу одамларнинг дарду ҳасратлари, қувончлари, қўрган-кечирганлари бўлмоғи керак. Шундагина ёзувчи жиддий асар яратиши мумкин.

– Ижоддан чарчаган пайтингиздаги севимли машғулотингиз?

О.Ёқубов: – Ижоддан чарчаган пайтимдаги севимли машғулотим ўқиши. Афсуски, нафақат китобхонлар, балки кўплаб адиблар сўнгти пайтда китобни кам ўқийдиган бўлиб қолиши. Улар кўпроқ “телефизор” деган “жонон”га мафтун бўлиб қолишган. Мен шуни ифтихор билан айтишим мумкинки, ҳозирча у “жонон” мени бутунлай ўзига мафтун қила олгани йўқ. Чунки ёзувчи учун биринчи навбатда классикларимизнинг санъат асари – бу теран, ҳа-

ётий, маънавий озуқа олиш манбаи бўлмоғи лозим. Ана шу маънавий озуқани ҳамма санъатлар ичида фақат бадиий адабиётгина бера олади.

– Шу кунларда “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” романи ҳақида адабий жамоатчилик қизғин баҳс юритмоқда. Романинг ёзилиш тарихига қисқача тўхталсангиз?

О.Ёқубов: – Роман ҳақида қизғин баҳс бўлаётганидан хурсандман. Зотан, бадиий асар ҳақида ҳар хил фикрлар айтилиши табиий бир ҳол. Асар ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса демаса бу ёмон.

Албатта, ҳар бир асарнинг туғилишига сабаб бўладиган нарса биринчи навбатда ҳаёт ва унда со-дир бўлаётган жиддий ўзгаришлардир. Бу деган сўз мен асарга мана шу жиддий муаммони шундайлигича, оппа-осон олиб кирдим дегани эмас. Агар менинг кўп йиллик ҳаётий тажрибаларим, ўйларим, кўрган яхши-ёмон кишиларим, турмушда йўл қўйган хатоларим ва бу хатолардан ўзим учун чиқарган жиддий сабоқларим – бир сўз билан айтганда, бошимдан кечирган – яна тақрорлайман, катта ҳаётий тажрибам бўлмаганда бу асар ҳам дунёга келмас эди. Мен романга болалиқда бирга ошиқ ўйнаб катта бўлишган, уруш йиллари ёш бўлишига қарамасдан фронт учун этик билан сув кечиб жанг қилган уч дўстни асосий қаҳрамон қилиб олғанман. Уларнинг учаласи ҳам болалиқда ҳалол, покиза, диёнатли бўлишган. Лекин романда тасвирланганидек, йиллар ўтиши билан уларнинг ҳаётга қарашларида ҳар хиллик пайдо бўлади. Қишлоқда яшаган оддий дехқон Шораҳим шоввозда болалиқдаги диёнат, инсоф, по-клик бир умрлик ҳамроҳ бўлиб қолади. Музaffer Фармонов эса юксак лавозим, турли хил унвонлар сабаб ўз дўсти Шораҳимни, унинг ҳақ-хуқукини поймол қилишгача борган шахсга айланади. Учинчи дўст профессор Расул Нуридинов эса Шораҳимдек оддий, камтарона fazilatni ўзида бутунлай асраб

қололмаган бўлса-да,adolat йўлига хайриҳоҳ бир олим сифатида кўз ўнгимизда гавдаланди. Мен бу хилдаги ўзим ҳаётда кўрган, билган қаҳрамонларим тимсолида турмушимида бугун кечәётган кескин курашлар,adolat, ҳақиқат учун бўлаётган шиддатли жангларни акс эттиришга ҳаракат қилдим.

– Одатда, янги асарни қандай бошлайсиз? Бошлаганда унинг нима билан тугаши сизга аввалдан маълум бўладими?

Кўплаб ёзувчилар асар давомида қаҳрамонлар унинг хоҳишига бўйсунмай қўйиши ҳақида қизиқ фактларни ёзишган.

Шундай пайтларда қаҳрамонларингиз сизнинг ихтиёрингиз ва хоҳишингизга бўйсунмай қўйганини ҳис қилганмисиз? Бундай ҳолда энг тўғри ечимни қандай топгансиз?

О.Ёқубов: – Асарнинг туғилиши мураккаб жараён. Менимча, ҳеч бир ёзувчи асарни қандай бошлаб нима билан тугашини аниқ билмаса керак. Фақат ўз олдиларига тирик одамлар, жонли, ҳаётий воқеаларни акс эттиришни қўймаган, балки китоб ёзишга ўрганиб қолган айрим ёзувчиларгина қандай бошланиб, қандай тугашини олдиндан биладилар. Баъзан катта асарнинг туғилишига оддий ҳаётий ҳодиса туртки бўлиши мумкин. Бу туртки ўртача ёзувчи қалами остида ўртамиёна ҳикоя ёки қиссага айланиши ҳам мумкин. Буюк ёзувчининг истеъодиди эса бу оддий воқеа сабаб улуг асарнинг яратилишига туртки бўлиши мумкин. Мисол тариқасида Лев Толстойнинг “Тирилиш” романини олайлик. Асар сюжетини унга бир таниш адвокат гапириб берган. Бу воқеа, яъни оддий бир деҳқон қизининг оқсуяк офицер томонидан йўлдан урилиб, фоҳишахонага тушиб қолиши воқеаси Толстой истеъодининг қудрати билан буюк ижтимоий асарга айланган. Бундай фактларни ҳар бир жиддий ижодкорнинг

тажрибасидан күплаб келтириш мумкин. Шахсан мендә ҳам шу хилдаги күплаб воқеалар кечган.

– Кейинги йилларда қатор тарихий шахслар образини яратдингиз. Бунинг боиси нимада?

О.Ёқубов: – Үтмиш ҳақида реалистик асарлар халқимизнинг тарихини ҳаққоний тасвирлаш асосида ватанпарварлик, инсонпарварлик, дўстлик, ҳалоллик каби ҳаётбахш ғояларни илгари суради. Зоро, үтмишни қанчалик яхши билсак, ҳозирги замонда яратилаётган ишларнинг буюк аҳамиятини шунчалик тез, чукур тушунамиз.

Мен мана шу фикрлардан келиб чиқкан ҳолда үтмиш ҳақида күпроқ ёзсан дейман. Бинобарин, үтмиш ҳақида ёзиш қанчалик қийин бўлса-да, бу иш менга руҳий завқ беради.

– Илм ва маърифат соҳасида Галилей, Коперник, Жордано Бруно каби ўлмас сиймолар қаторидан жой олган Мирзо Улугбек инсоният тарихида ўчмас из қолдирган энг мураккаб шахслардан биридир. Атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг ибораси билан айтганда, “у ўз замонасидан беш юз йил илгарилаб кетган буюк ва фожиавий сиймодир”.

Бу улуғ инсоннинг зиддиятларга тўла ҳаёти ҳақида асар ёзиш нияти қачон пайдо бўлган?

О.Ёқубов: – “Улугбек хазинаси” романини ёзishimga “Правда Востока” газетасининг 70-йилларнинг бошида эълон қилинган оддий бир хабар сабаб бўлган. Бу хабарда Улугбек кутубхонаси йўқолганми ёки борми деган муаммо ўртага ташланган эди. Мен аввал шу хабари асосида бир саргузашт қисса ёзишга аҳд қилдим. Лекин кейинчалик Улугбек тарихи, унинг фожиаси ҳақида ёзилган Мирхонд, Хондамир, Бартольд каби олимларнинг асарларини ўқиганимдан кейин бу масаланинг нақадар теранлигини, газетадаги хабар баҳонасида давр драмасини акс этти-

ришга қодир жиiddий, психологик асар ёзиш имко-
нияти борлигини ҳис этдим.

Маълумки, Улуғбек бой илмий мерос яратган зукко олим, шу билан бирга ўнлаб истеъоддли шогирдлар етиштирган, ўз даври учун ноёб кутубхона йиққан, жаҳонда энг катта расадхона қурган мута-
факкир инсондир.

Хўш, ўз ўғли Абдулатиф томонидан қатл этил-
гандан кейин у яратган бой илмий мерос, йиққан но-
дир кутубхона, қурдирган расадхонасининг тақдири
нима бўлди? Улуғбек таълим берган ўнлаб шогирд-
лари у яратган бой илмий меросни асраб қолиш
учун нима ишлар қилдилар?

Мен Мирзо Улуғбек ва унинг шогирдларига оид
тариҳий материалларни ўрганар эканман, бу ерда
ёзувчи учун жуда катта имкониятлар борлигини сез-
дим. Соддароқ қилиб айтганда, зиддиятларга тўла
Улуғбек ва унинг шогирдлари ҳаётини тасвирилаш
орқали бугун учун ҳам муҳим бўлган гапларни ай-
тиш имконияти борлигини ҳис этдим.

– Дарҳақиқат, Мирзо Улуғбек ўлимидан кей-
ин унинг бой илмий мероси ва ноёб кутубхона-
сини асраб қолиш учун умрларининг охиригача
курашган, яъни улуғ устоз ғояларига содик қол-
ган Али Қушчи ва Мирам Чалабий каби вафо-
дор шогирдлари олиб борган қаҳрамонона ку-
рашларнинг биз учун ибратли томонлари кўп.
Ва аксинча, Улуғбек ҳаёт вақтида ундан кўп ях-
шиликлар кўриб, Улуғбек қатл қилиниши билан
ундан юз ўғирган, яъни устоз ғояларига хиёнат
қилган ва пировардида ақлдан озиб ўлган Мав-
лоно Муҳиддиннинг аянчли тақдири ҳам сабоқ
бўлишга арзигулиkdir?

О.Ёқубов: – “Улуғбек хазинаси”даги Мавлоно
Муҳиддин ҳаётий тажрибам, тариҳий ва турмушни
мушоҳада қилишим оқибатида туғилган бир образ-
дир.

Мен ўз умримда яхшиликка, покликка, эзгулика, улуғ гояларга хиёнат қилиб барака топган бирор-бир одамни күрмадим. Аксинча, яхшиликка, эзгулика, улуғ гояларга содиқ бўлган кишилар, гарчи шу содиқлик эвазига баъзан кўп азият чексалар ҳам, охир-оқибат яхши ном олишининг гувоҳи бўлдим. Узоқ ўтмишда ҳам, яқин кечмишда ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай. Ўз устозига, устозининг улуғ гуманистик гояларига содиқ қолган, бошига қилич келганда ҳам танлаган йўлидан қайтмаган, улуғ олимга хиёнат қилмаган Али Қушчининг тарих саҳифаларида юзи ёруғ қолиши ва бошига дастлабки қийинчиликлар тушиши биланоқ субутсизлик қилиб, хиёнат йўлига ўтган Мавлоно Мухиддиннинг аянчли тақдир – бу фикримнинг исботидир.

Бундай воқеалар, Мавлоно Мухиддинга ўхшаган бекарор ва субутсиз шахслар, афсуски, шу бугун ҳам ҳётда учраб туради. Шунинг учун ҳам, бу икки тақдир бугунги китобхонларга ҳам ибрат бўлади деб ўйлайман.

– “Улугбек хазинаси” романингиз нашр этилиши муносабати билан машҳур қирғиз адаби Чингиз Айтматовнинг сизга ёзган мактубини зиёли халқимиз яхши билишади. Чингиз Айтматовнинг мактуби ижодкорнинг ижодкорга нисбатан шунчаки ҳурматимиди?

О.Ёқубов: – Менимча, бу саволга Айтматовнинг ўзи жавоб бергани маъқул. Чингиз Айтматовнинг “Улугбек хазинаси” ҳақидаги фикри аввал “Литературная газета”да эълон қилинди. Кейин ёзувчи уни ўзининг адабий ўйларидан ташкил бўлган мақолалар китобига киритган. Демак ўйлайманки, у бу фикрни шунчаки ҳурмат маъносида ёзмаган бўлса керак.

– “Диёнат”ни ёзишга сизни нима мажбур қилди? Отакўзига ўхшаган раисларнинг халқقا,

хукуматга етказаётган заарими ёки профессорга үхшаган диёнатли одамларнинг тақдирими?

О.Ёқубов: – “Диёнат” романини ёзишга ҳаётнинг ўзи мажбур этди. Ёзувчи нима ҳақида ёзмасин, у ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб ёзди. У ҳаётдаги яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги курашни кўрсатиб беради. Яхшиликдан қувонади, ёмонликдан нафратланади. Бу яхшилик ва ёмонликлар мурайян тирик одамлар тимсолида намоён бўлади, албатта. Ва ёзувчи шу одамларни кўрсатишга ҳаракат қиласди.

– Адабий танқидга муносабатингиз қандай? Танқидчилик ижодий ўсишингизга ёрдам берганми?

О.Ёқубов: – Дунёга келган ҳар бир янги асарнинг танқидчилик томонидан тўғри, ҳаққоний баҳоланиши нафақат шу асарни яратган ёзувчи, балки бутун адабиёт учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Афсуски, амалда баъзан ўртачагина ва ҳатто ундан ҳам паст савиядаги асарларга ошириб баҳо бериш, асарнинг чинакам бадиий ва ғоявий салмоғига нисбатан кўпроқ мақтаб юбориш ҳоллари тез-тез учраб туради. Айрим танқидчиларимизнинг дидсизлиги, эстетик қолоқлиги, баъзан эса бошқа мулоҳазалар билан берилаётган бу нообъектив баҳолар фақат ёзувчигамас, балки бутун адабий жараёнга салбий таъсир кўрсатади. Ҳарҳолда мен асарнинг чинакам бадиий қийматига нисбатан берилган ортиқча мақтov бирорта ёзувчига фойда келтирганини билмайман. Аксинча, ўз меҳнати ва истеъодидига нисбатан турли сабаблар билан ортиқча мақтov эшитиб юрган ва бунга ўрганиб қолган адилларнинг асардан асарга орқага кетиш ҳолларини ҳам кўп кузатганман. Бундай бўлиши табиий ҳам. Чунки ортиқча мақтov ёзувчининг ўзига нисбатан талабчалигини сусайтириб қўяди, уни... нима десам экан, хотиржамликка солиб қўяди. Ёзувчи эса ҳеч қачон

хотиржам, бамайлихотир бўлмаслиги, яратган асаридан ўзича мамнун бўлмаслиги лозим. Бу деган сўз, танқид ҳамиша шафқатсиз бўлиши, ёзувчи ўсиши учун,adolatsiz бўлса ҳам, танқидга учраб турмоғи керак деган сўз эмас, албаттa. Бу билан мен ноҳақ танқид ҳам, ортиқча мақтовлар ҳам адаб учун, санъат учун баб-баробар зарарли деган ҳақиқатни яна бир эсга солмоқчиман, холос. Энди танқиднинг шахсан менинг ижодимга кўрсатган таъсирига келсак... Мен бу масалада машҳур рус адаби Николай Погодиннинг бир гапига амал қиламан.

Николай Погодин танқидчилик ҳақидаги бир гапида шундай деган эди: "...Мен умримда жуда кўп танқидга учраганман. Ноҳақ танқид еган пайтларим ҳам жуда кўп бўлган. Лекин мен бу танқидлардан ортиқча изтироб чекиб, танқидчилар билан олишиб ўтиришга фурсатим бўлган эмас. Чунки бир асарни, шу жумладан, танқидга учраган асарни тугатар-тутгатмасданоқ, бутун фикру хаёлим янги асар билан банд бўларди. Бутун вужудим билан ана шу янги асарга шўнғиб кетардим". Бу билан Николай Погодин ёзувчи умуман танқидга эътибор бермаслиги керак, демоқчи эмас албаттa. Ёзувчи ҳам тирик жон, ноҳақ гапдан изтироб чекмайдиган одам бўлмайди. У фақат ёзувчи ва санъаткор майда-чуйда гапларга кўп ўралашиб қолмаслиги, доимо катта ғоя, улкан фикрлар билан банд бўлмоғи, у доим ёниб турмоғи керак демоқчики, улкан адабнинг бу гапига мен ҳам тўлиқ қўшиламан.

– Кундалик дафтар тутганмисиз?

О.Ёқубов: – Ҳа, тутганман. Лекин кузатишларимни муттасил ёзиб борган эмасман. Чамамда, бу шарт ҳам эмас. Мисол учун Чеховни олайлик. У ҳам кундалик тутган. Лекин ўз таассуротларини муттасил ёзиб борган эмас. Баъзан эътиборга лойиқ кузатишлар, халқ ибораларини кундалигига ёзиб қўйган, холос. Мен ҳам шунга амал қиламан.

– Бугунги қишлоқ ҳаётида жуда кўплаб маънавий-ахлоқий муаммолар бор. Сиз шулардан қайси бирини адабиётга олиб кириш керак деб ўйлайсиз?

О.Ёқубов: – Менимча, адабиёт айтиши керак бўлган жиддий гаплар ҳақида ўйлаганда шаҳар ёки қишлоққа ажратиш шарт эмас. Адабиёт биринчи навбатда инсон ҳақида, унинг олий мақсадлари, орзу-умидлари, кўрган-кечиргандлари, хуллас, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги ўй ва ташвишлар тўғрисида бўлмоғи лозим. Бу нарсаларниг ҳаммаси инсонга, у қаерда яшашидан қатъий назар баб-баровар тааллуқли нарсалардир. Шунинг учун мен қишлоқда туғилиб ўсган бир адаб сифатида шаҳардаги ишчи тўғрисида яхши асар ўқисам, гўё ўзим ёзгандек қувонаман. Мен аминманки, шаҳарда яшаб, заводда ишлаётган киши ҳам биродари оддий деҳқон ҳақида ёзилган яхши асарни ўқиса шундай севинади. Лекин бир ҳақиқатни айтишни лозим деб ҳисоблайман. Сўнгти пайтда биз адиллар билиб-бilmай деҳқонни қадрламай қўйдик. Сўзда қадрлаймиз-у, амалда йўқ. Бу жуда муҳим масала.

– **Маълумки, бадиий адабиётда “миллий рух”, “миллийлик” тушунчалари бор. Ўзбек насрий асарларида ҳалқимиз руҳи тўла акс этаяпти деб ҳисоблайсизми?**

О.Ёқубов: – Миллий рух муамmosи бугун ниҳоятда мураккаб тушунча. Адабиёт ҳар бир ҳалқ ҳарактерининг ўзига хос томонларини акс эттириши лозим.

Мен миллий рух деганда ҳаётий ҳақиқатни тушунаман. Зоро, ҳаётий характер бўлган жойдагина катта ҳаётий ҳақиқатлар бўлади. Шу маънода чинакам ҳаётий асарда ҳақиқий миллий характер ҳам яратилади. Бу тушунчалар бир-бирига узвий боғлиқ тушунчалардир. Фақат сохта ва уйдирма асарлар-

дагина ҳақиқий миллий характерлар яққол күзга ташланмайды. Дархақиқат, чинакам миллий характер бўлмаган жойда миллий ҳаёт картинасини яратиш мумкинми? Ва аксинча, чинакам миллий ҳаётий картинани том маънодаги миллий характерсиз тасаввур этиш қийин. Чинакам адабиёт ва санъат асарларидан бунга кўплаб мисол келтириш мумкин. Ўзбекойим, Кумуш, Жамила, Гулнор каби ўлмас образларни рус ёки француз ҳаёти акс этган асарларда тасаввур этиш мумкинми? Албатта йўқ. Улар фақат ўзбек ҳаётидагина яратилиши мумкин бўлган қаҳрамонлардир. Мен ҳам “Оқ қушлар”даги Ойсулов, “Адолат манзили”даги Барчиной образини яратища миллий руҳни сақлашга баҳоли қудрат амал қилганман.

– Сўнгги йилларда адабиётимизга ўнлаб ёш насройлар кириб келди. Сизнингча, улар ўз ижодида нималарга жиддий эътибор беришлари лозим?

О.Ёқубов: – Менимча, ёшлардаги услубий излашишлар диққатга сазовор. Бу яхши, албатта. Лекин фақат шаклий ўзгаришлар билан улкан адабиёт яратиб бўлмайди. Улкан адабиёт улкан фикрлар айтилган тақдирдагина яратилади.

– Адабиётда новаторлик масаласига қандай қарайсиз? Ҳозирги ўзбек адабиётидаги қайси асарларни чинакамига новаторона битилган асарлар дея оласиз?

О.Ёқубов: – Бизда том маънода новаторлик асарлар кам. Бизнинг адабиётимиз ўта анъанавий адабиёт. Шу жиҳатдан жаҳон адабиётида бўлаётган излашишларни кўпроқ ўргансак ёмон бўлмас эди.

– “Адолат манзили” романингиз чоп этилиши билан оқ адабий жамоатчилик эътиборига тушди.. У ҳақда ҳар хил фикрлар билдирилмоқда?

О.Ёқубов: – Роман ҳақида ҳар хил фикр айти-

лаётганидан фақат хурсандман. Зотан, бадий асар ҳақида турли хил фикрлар айтилишига табиий бир ҳол деб қарамоқ керак. Асар чоп этилгач жимжитлик ёмон. Мен бу асаримда анъанавий йўлдан бормай, анча янгича услугуб ва шакл қўллашга уриниб кўрдим. Бу изланишларим қанчалик самара берди, буни баҳолаш зукко ўқувчилар ҳукмига ҳавола.

– Ҳадемай XXI асрга қадам қўямиз. Бўлажак аср қаҳрамонлари бўлмиш ёшларга тилагингиз.

О.Ёқубов: – Сизлар ҳеч қачон яратувчилик ишидан хиёл бўлса-да четда қолманг. Ҳар бир дақиқангиз ҳисобли бўлсин. Бекор кетган вақтга ачиниш туйғуси қалбингизда доим ҳукмрон бўлсин!

1990 йил

ҲАР БИР Дақиқа - мангулик элчиси

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Асқад Мухтор билан сұхбат



- Адабиёт халқ ҳаётининг муҳим қисми. Унинг орзу ва ташвишларининг ифодачиси бўлиб келган. Лекин ҳозирги замон адабиётининг миллий бурчларидан ташқари, жаҳоний вазифалари ҳам йўқ эмас?

Асқад Мухтор: - Ўилаб кўринг: бир замонлар бирор мамлакатда ёки қитъада тинчлик ҳукм суриши мумкин эди. Ҳозир ундай эмас.

Атом уруши кичкина бир жойда бошланса ҳам, бутун жаҳонга "татииди". Яъни тинчлик ягона. Шундай бўлгач, инсон тақдири ҳам ягона. Одамларнинг бир-бирини тушунишларида адабиёт ҳамиша воситачи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолажак. Ҳозир унинг вазифаси янайм ошди. Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкентда ўтказилган бир анжуманида Нозим Ҳикмат шундай деган эди: "XX аср олимлари икки мўъжизани кашф этдилар: атом, космос. Биз учинчи мўъжизани очишимиш керак, бу инсоният иродасининг бирлигидир".

- Шу боисдан ҳозир адабиётда фуқаролик руҳи кучаймоқда экан-да?

А.Мухтор: - Адабиёт жаҳоний вазифаси ортган сайин унинг фуқаролик нафаси ҳам ортаберади. Некрасов айтганидек: шеър аввало фуқаро. У жаҳон халқлари тақдирига, жаҳондаги дарду ташвишларга лоқайд бўлолмайди. Албатта шеърда бу бегона дардлар шоирнинг ўз дардига айланиши керак.

Шеъриятда гражданлик нафаси интим ҳисларнинг катта ижтимоий кучга, ижтимоий масалаларнинг шахсий туйғуга айланиши пайтида юзага келади.

“Марсельеза” – саркардадир”. Биласизми, буни ким айтган? Наполеон! Қўшиқнинг буюк ижтимоий кучини ҳатто Наполеон ҳам тан олган.

– Мақолаларингизнинг бирида, – шеър одамнинг яшаши учун қурашиши зарур. У шоирлар томонидан ўйлаб чиқарилган нарса эмас. Ҳар бир ҳалол қалбнинг тубида ҳиссий бойлик бор. Шоир ана шу ҳислар түғёнини уйғотади, холос. Қалб ғафлатда қолса, одам шеъриятдан маҳрум бўлса – бу даҳшат. Ҳаётда шеърият нақадар мўл бўлса, унда фойдасиз бўшлиқ шунча кам бўлади, – деб ёзган эдингиз? Бу ўйлар ҳамон сизга йўлдошми?

А.Мухтор: – Мен қарийб 50 йил давомида шеър ҳақида ўйлайман. Унинг ифода шакллари, руҳи ҳақидаги фикрларим кўп ўзгарди.

Шеърият! Поэзия!

Дарвоқе, бу сўзларнинг қайси бири тўғри? Поэзия, менимча, кенгроқ маънода ишлатилади. Масалан, “Меҳнат шеърияти” деб бўлмайди, “Меҳнат поэзияси” деймиз.

Демак, “шеърият”ни ҳам, “поэзия”ни ҳам ҳар қайсисини ўз ўрнида ишлатаверсак тўғри бўлади.

Шеърият кишилик руҳини қамраган туганмас бир мўъжиза.

Расул Ҳамзатов поэзия ҳақидаги сұхбатларидан бирида шеъриятни муҳаббатга ўхшатади. Ҳақиқатан ҳам, у муҳаббат каби олижаноб муҳаббат каби сирли, абадий ва ҳамиша навқирон. Чунки уни ҳар бир қалб ўзича талқин қилиб, ўзича янгилайди.

Лекин шеърият мавхум, самовий нарса эмас, у ердаги ҳаётимизнинг бир бўлаги, керак вақтда бизни қаноатлантиради, керак вақтда ўйлатади, сафарбар этади. У тупроқдан азиз, шунингдек, нондек зарур ва содда.

Илгари шоир ким эди? Пайғамбар, илоҳий инъом, эзгу аланга, илҳом...

Шунинг учун Расул Ҳамзатов поэзияни юксак юлдузларга ўхшатганида чиройли бўлса ҳам, менга унча маъқул бўлмаган эди. Ўшанда “поэзия” номли шеъримни ёзганман.

– Шеъриятда эҳтирос кўп бўлиши керакми ёки фикр?

А.Мухтор: – Одам деган тушунча фикр деган тушунчага боғлиқ. Қўлсиз, оёқсиз одамни кўз олдимизга келтира оламиз, аммо фикрсиз...

Одамнинг буюклиги – унинг фикрида. Шеър, албатта эҳтирослардан пайдо бўлади. Аммо, Паскаль айтганки, юракнинг ҳам ақли бўлиши керак. Яъни, шеърдаги эҳтирослар шунчаки эмас, балки инсоний эҳтирослар бўлиши шарт.

– Шахсан ўзингиз қандай шеърни яхши кўрасиз?

А.Мухтор: – Шеърлар бўладики, ўқиб чиққанингиздан кейин қойил қолиб ўйлайсиз: О, қандай теран! Қандай нафосат...

Баъзи шеърларни ўқиганингизда эса, ҳаёт ҳақида ўйлайсиз, ундаги зиддиятлар, яхши-ёмон жиҳатлар...

Мен мана шу кейинги хилини яхши кўраман.

– Асқад ака! Кечирасиз, шоирлар орасида бир-бирига ҳасад қилиш бўладими?

А.Мухтор: – Ҳасад хунук сўз. Буни янги, яхши асар пайдо бўлганда шоирларнинг унга муносаба-

ти ҳақидаги гапга айлантирайлик. Шунга ҳасад ҳам, ҳавас ҳам, ижодий мусобақа ҳам кириб кетади. Энг яххиси, мусобақа, албатта. Бу аслида араб сўзи, “сабоқ” деган илдиздан олинган. Яъни бир-биридан ўрганиш, бир-биридан сабоқ олиш деган маънода.

Лекин гап янги яхши асарга кимнинг қандай муносабати бўлишида. Бу одамга боғлиқ. Агар яхши асарга яхши, истеъдодли шоир ҳавас қилса бу – фойдали, бундан янги яхши асар туғилиши мумкин. Борди-ю, истеъдодсиз шоир ҳавас қилса, буни сиз айтгандай, ҳасад ҳам дейиш мумкин, бундан зиёндан бошқа нарса чиқмайди. Истеъдодсиз ҳасадчи яхши асар яратолмайди, оёқдан чалиши, халақит бериши мумкин, холос...

– Сиз нафақат истеъдодли шоир, балки таниқли адисиз. Ўнлаб роман ва қиссаларингиз ўқувчилар томонидан севиб ўқилмоқда. Ҳар бир йирик асарингизнинг ёзилишига қанча вақт сарфлайсиз?

А.Мухтор: – Мен айтишим мумкинки, одам ҳар бир фарзандига қанча вақт сарф қилса, ёзувчи ҳам ҳар бир китобига шунча вақт, яъни бутун умрини сарф қиласди. Ҳар бир китоб ёзувчидан унинг бутун умрини талаб қиласди – бу муболага эмас.

Ёзиладиган китобга ёзувчининг бутун ҳаёт тажрибаси кириб кетади. Китобни ёзиш олдидан бир неча йил давомида уни пишитиш, материал тўплаш керак. Блокнотлар тўлиб кетади, ҳар бир ҳодиса, ҳар бир факт сизнинг бўлғуси китобингизга алоқадор бўлиб кўринади.

Катта китоб бўлса столда ёзишнинг ўзига 3-4 йил керак. Ёзib бўлганингиздан кейин энг катта ташвиш бошланади – муҳокама, қайта ишлаш, таҳрир, корректура...

Китоб чиққандан кейин ҳам сизни қўйиб юбормайди. Ҳаяжонлар энди бошланади: у ҳақда ёзадилар, хатлар келади, инсценировка...

Китоб яхши бўлса у сизни йиллар давомида банд қиласверади. Қайта нашр қилинади – кўриб бериш керак. Таржима қилинади – кўриб бериш керак. Чет элларга чиқади – кўриб бериш керак. У ерда рецензия қилинади – кўриб бериш керак. Китобхон кўпайган сари фикр, хат, таклиф, иш ҳам кўпаяди.

Хуллас, нечта яхши китоб ёзсангиз шунча умр керак.

– “Чинор” романида оиласини ташлаб кетган аёл тақдири ҳақида ёзгансиз. Буни ҳаётда шундай ҳоллар учраб тургани учунгина тасвиrlаганмисиз ёки бирор бошқа мақсадингиз борми?

А.Мухтор: – Ёзувчи бир воқеани ҳеч қачон фақат ҳаётда шундай ҳоллар учрагани учунгина тасвиrlагандайди.

Аввал айтиш керакки, адабиётда сиз айтган ҳолатнинг (оиласини ташлаб кетиш вазиятининг) кўпгина вариантлари бор. Ҳар бир ёзувчи ўз мақсади йўлида, яъни бир муҳим фикрни айтиш ниятида шу вазиятнинг маълум бир вариантини таҳлил қилиб кўради.

Мен баъзиларини эсингизга солай: “Евгений Онегин”да Татьяна ўзи ўсиб-улгайган оиласини ташлаб кетади. “Анна Каренина” романида Анна оиласини ташлаб кетади. Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қисссасида ҳам шу ҳолатнинг бошқа бир шаклини кўрамиз. Татьяна оиласи ҳаётда умр йўлдошига, оиласи ахлоқ қоидаларига содик қолади.

Анна илгариги эри билан ҳам қолмайди, янги оиласига ҳам бормайди, у иккаласидан ҳам, ўз ҳаётидан ҳам воз кечади.

Жамила эса янги севгилиси билан кетади.

Бундай ҳолатларнинг ҳар бирига катта ахлоқий эстетик мақсад бор. Ҳар бир адебнинг китобхонга айтадиган ўз фикри бор.

Татьяна Дон Кихотга ўхшайди. Буларнинг иккаласининг ҳам юксак идеали бор: Бириники шамол тегирмони, иккинчисиники такаббур, ҳаёти маъносиз киши.

Пушкиннинг Татьянаси – ўз шахсий эҳтиросларини тизгинлай олган аёллар ҳурматига абадий ёдгорлик. Татьяна софлик рамзи.

Энди мен тасвирлаган вариантда Камола бундай софликка зидми? Мен ўз вариантимни таҳдил килярканман, қандай мақсад кўзлаганман? Оила ёлғон асосига қурилмаслиги керак. Мұҳаббатсиз оила – ёлғон, носамимийдир. Оиланинг инсонлик муносабатларини мұҳаббат бошқариши керак. Йўқ севгини гўё бор деб, ёлғондан ўзини овутиб, бир-бирини алдаш, ўзини ҳам алдаб яшаш самимий, соф қалб учун муносиб эмас.

Бу фикрлар романнинг ўша эпизодларидан билинади, деб ўйлайман. Бу мавзуда кўп гапириш мумкин. Бу савол жуда қизиқ экан.

Албатта Камоланинг қилган иши осон иш эмас. Бу унинг ўзига ҳам, оиласа ҳам оғир. Лекин, биласиз, хато – одамга ҳамма вақт қимматга тушади. Айниқса бундай ҳаётини хато.

– “Чинор” романингизда асар персонажларидан бири Адбулаҳат қорининг Лев Толстой билан учрашуви эпизоди бор. Бу тарихий ҳақиқатими ёки...?

А.Мухтор: – Толстой уй-музейининг директори Наталья Азарова “Литературная газета”да ёзган мақоласида “Чинор”даги ўша тасвир ҳаёт ҳақиқати-

га хилоф эмаслигини таъкидлаб, буни Лев Толстойнинг 1910 йил 24 сентябрдаги кундалиқда қайд этган “Мулла Абдул Вахид Кари” деган бир жумласи орқали исбот этади. Бу ҳикоятда ўша Толстой кундалигига қайд этган бир жумладан бошқа реал факт йўқ. Шундан келиб чиқиб, мен Мулла Абдулвоҳид таржимаи ҳолини ўргандим. Асарда Абдулаҳад кори деб берилган. Унинг Тошкентда қариндошлири ҳам бор. Думага аъзо бўлган, подшога ёзган эҳтиёtsиз мактуби учун Тула губерниясига сургун қилинган. Унинг ҳужжатларини, дунёқараши, даврни, Толстойни, унинг ижоди ва ўйларини, Ясная Полянани, тарихий воқеаларни билишим менга бадиий тасаввур йўлидан боришга ёрдам берган.

– Асардаги бошқа образлар, чунончи Очил бобо тасвирида қандай йўл тутгансиз? Очил бобонинг ҳаётий замини қаерда, асл прототипи борми?

А.Мухтор: – Адабиётшуносликда “прототип” деган сўз жуда шартли тушунча. Биттагина соғ прототип ҳеч қачон бўлмайди. Яъни ўз қаҳрамонининг ички дунёси, таниш қиёфаси, ҳаёти ва барча саргузаштларини ҳеч қачон ҳаётдаги битта шахсдан кўчириб олмайди. Шундай экан, Очил бобо ҳам қўплаб Очил боболарнинг ийғмаси.

– Заргаров образини яратишга сизга нималар туртки берган?

А.Мухтор: – Мен болалигимни эслайман. Фарғонанинг “Янги сой” маҳалласида турардик. Қирқлардан ошган бир тоғам бор эди. Маҳаллада обрўли, серулфат одам эди. Биз нариги маҳалланинг болалари билан уришишда шу тогамнинг оғзига қаарардик, ур деса урадик, тўхта деса тўхтардик.

Киши кунлари тоғам гап-гаштак билан банд бў-

либ йўқолиб кетарди. Ҳали унда халфана, ҳали мунда улфатчилик, бир-бирларидан ошириб зиёфат беришар, кечаларни-кечаларга улаб гап ейишар эди.

Мен буни нима учун гапиряпман? Маҳаллачилик, даҳапарастилик, гап-гаштак – мана шу кап-катта, обрули одамнинг бутун бир дунёси эди-да! Унинг ўйлари, манфаатлари, ички руҳий дунёси шу билан чегараланган эди.

Бизнинг давримиз – катта кураш, катта ижтимоий мақсадлар даври – замондошларимиз қиёфасини жуда ўзгартириб юборди. Замондошларимизнинг ички дунёси – уларнинг орзу ва интилишлари, фолияти ва манфаатлари бениҳоя кенг, бутун халқ, мамлакат манфаатлари билан боғлиқ.

Мен “Бўронларда бордек ҳаловат” да шундай бир замондошимнинг образини яратишга уриндим. Заргаров саҳрода катта обьект қурилишининг бошлиғи. Қўлида ўнлаб жамоа, миллионлаб пуллар, унинг ўз самолёти, ўз темир йўллари, трестлари, заvodлари бор. Зиммасида катта масъулият, оғир вазифа, шунга яраша хуқуқ ва имкониятлар...

Ҳозир бундай одамлар кўп. Уларнинг шахсий манфаатлари халқ манфаатлари билан қоришиб кетган. Уларнинг ҳаёти шиддатли, беҳаловат, лекин улар ўзгача яшай олмайдилар. Мана шу ҳаловатсизлик уларга оддий ҳаёт.

Мана шундай, шахснинг миқёслари ўзгариб кетган. Уларни энди менинг “Янги сой” дағи тоғам билан солишириб бўлмайди. Давр замондошларимизга ажойиб юксак фазилатлар ато этмоқда.

– Йирик асарни қандай бошлайсиз? Қисса ёки роман ёзишдан аввал аниқ режа тузиб оласизми?

А.Мухтор: – Баъзиларнинг назарида ижод фақат илҳом билан бўлади. Ўйлаш ҳам керак эмас,

мөхнат ҳам, режа ҳам керак эмас! Лекин бу унчалик түгри эмас. Илхом мөхнат иштиёки деган сүз. Ҳар қандай мөхнатдагидай ижодий мөхнатда ҳам катта қийинчиликлар ҳам, режалаштириш ҳам бор. Лекин ижодий ишда режа қозозга туширилган оддий режа эмас, мураккаброқ, батофисироқ, ақлгагина эмас, қўнгилга ҳам сингишиб ўрнашган чигал бир дунёниг тобора тиниқлашувидан иборат бўлади. Асарнинг қандай бошланиши ҳақида бир оғиз гап билан жавоб бериш қийин. Одатда, бир воқеа, лавҳа, эпизод туртки бўлиб, бош фикр тугилади. Сўнгра бу бош фикр, эт ура бошлайди. Бундай фикрлардан 4-5 таси баравар “илашиб” юради. Бунинг қай бири китоб бўлади – ҳали номаълум. Охири бориб бири шу даражада пишади ва қайнай бошлайди, уни ёзмасликнинг иложи бўлмай қолади.

– Вактингизни қандай сарфлайсиз?

А.Мухтор: – Гёте айтган: “Ҳар бир дақиқа бенихоя қиммат, чунки у мангуликнинг элчисидир”

Мана шунга риоя қилишга уринаман.

– Ёш ижодкорларга тилагингиз?

А.Мухтор: – Адабиёт мұхим тарихий масалаларни кўтара олсагина ҳукмрон таъсирга эга бўлади. Адабиёт катта йўлдан чиқиб қолмаслиги керак. Бунинг жавобгарлиги ҳозир ёшлилар зиммасида. Ёшлилар ижодида, айниқса, насрда қалам тебратадиган дўстларимда катта, салмоқли нарсалар камроқ кўринаяпти. Фикрни бўлавермасдан, бирорта катта мұхим асарга бутун диққатни жамлай билиш керак. Бундай нарса атрофида майдада-чуйда алаф ўсмайди. Ўзинг ҳам икир-чикирдан четроқ чиқиб, тетик тортасан...

1989 йил

ШЕЪРИЯТ – ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА

Ўзбекистон халқ шоири
Жўлмирза Оймирзаев билан сұҳбат

– Жўлмирза ога, сиз ҳассос шоиргина эмас, балки машҳур насрий, етук драматургсиз. Ҳар учала жанрда баравар қалам тебратишиңгизнинг боиси нимада?

Жўлмирза Оймирзаев: – Бир сўз билан айтсан, бу қалб түфёни, давр талабидир. Маълумки, асrimiz бошигача қорақалпоқ адабиётида асосан шеърият жанрида ижод қилинарди. Лекин давр биз тенги ижодкорлардан бошқа жанрларни ҳам йўлга қўйиш ва ривожлантиришни талаб этарди. Қалб түфёни бизни шеър ёзишга ундаган бўлса, давр талаби наср ва драматургия жанрида ҳам қалам тебратишга, бу жанрларни ҳам адабиётимизга олиб киришга мажбур этди. Шу боис мен ҳам шеър, ҳам наср, ҳам драма ёздим. Чунки, янги қорақалпоқ адабиётига асос солмоқ даркор эди. Биз бу соҳада, аввало, ўзбек оғаларимизнинг ижодий тажрибасини ўзлаштиридик. Натижада бугунги кунга келиб ўнлаб бақувват қалам соҳибларига эга бўлган қорақалпоқ адабиёти қардош халқлар каби нуфузли адабиётга айланди.

– Қорақалпоқ драматургиясининг намуналарини ёзиш баҳти кимларга насиб этди?

Ж.Оймирзаев: – Бу жуда ўринли савол. Боя айтганимдек, асrimiz бошида бизда драматик асарлар деярли йўқ эди. Лекин бу жанрга чанқоқлик ҳар дақиқада сезиларли. 20-йилларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Хўжайли туманига бориб у ерда мактаб-интернат очади. Унинг тарбиячилари ҳамда аълочи



үқувчиларидан иборат драмтруппа ташкил этиб, уларга мос пъесалар ёзиб, уни үзи саҳнага қўяди. Бу биз учун чинакам янгилик эди.

Шунинг учун ҳам, Қорақалпоғистоннинг илк драматурглари бўлмиш К.Аvezov ва С.Мажидовларнинг ижодида Ҳамза таъсири яққол сезилади.

– Қорақалпоғистондаги илк театрга кимлар асос солган?

Ж.Оймирзаев: – Театримиз тарихи ҳам бевосита Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номи билан боғлиқ. Унинг үзи очган интернет қошида ташкил этган драмтруппа театримизнинг ҳам илк пойдевори бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик бу труппа “Тонг нури” қорақалпоқ гурӯҳига айланди. Ўша гурӯҳ асосида ҳозирги Бердақ номидаги Қорақалпоқ музикали драма театри юзага келди.

– “Бердақ” музикали драмангиз учун сиз Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлгансиз. Шу асарингизнинг ёзилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз?

Ж.Оймирзаев: – Бу асарни ёзиш нияти менга узоқ йиллар тинчлик бермаган. Асарни ёзиш нияти дилимда қайнарди-ю, лекин сюжет масаласида бир қарорга келолмасдим. Қаҳрамон бор эди-ю, лекин қолип йўқ эди. Ҳалқимнинг фахри Бердақ үзининг оташнафас шеърлари билан қулогим тагида ҳар куни шивирлаб турарди. Ана шундай кезларда (буни ижод дарди деб талқин этамиз) ӯзбек оғаларимизнида меҳмон бўлишга тўғри келди. Комил Яшин ва Уйғун домла билан бу ҳақда қизғин ижодий сухбатлашдим. Суҳбат давомида улар менга ҳақли бир эътиroz билдириб қолишли. Улар нега қорақалпоқ адабиётида Ҳамзага үхшаш ижодкор сиймоси яратилмаяпти, деб қолишли. Ана шу гап сабабчи бўлди-ю, Бердақ юрагимда баралла куйлай бошлади.

– Сўнгги йилларда кўпроқ қайси жанрларда ижод қилаяпсиз?

Ж.Оймирзаев: – Наср жанрида. Негаки наср адабиёттинг бош, етакчи жанри. Шеърият қанчалик юксак ва теран бўлмасин, унда кўп нарсаларни ифодалаб бўлмайди. Чунки шеърият – нозик жанр. У ҳамма нарсани ўзига қабул қиласермайди. Унинг меъёри ва оҳангига футур етиши мумкин. Шунинг учун ҳам, кейинги йилларда наср жанрида кўпроқ ижод қиласерман. Драматургия ҳам эътиборимдан четда қолгани йўқ. Яқинда тарихий мавзуда “Манзиллар” трагедияси ҳамда замонавий мавзуда “Қокбошлар” қиссасини ёзиб тутатдим.

Мен боя шеъриятни нозик жанр деб таърифладим. Бунга “тўзал” деган сўзни қўшган ҳолда шуни айтмоқчиманки, мен хоҳ насрда, хоҳ драматургияда ижод этмайин, шеъриятысиз туролмайман. Қанчалик банд бўлмайин, шеърий сатрлар ўз-ўзидан мијамга қўйилиб келаверади. Қисқа фурсат ичida “Умр ўғитлари”, “Гулбарчин”, “Қўшҳассали Қўшимбет” каби шеърий тўпламларим босилди. Эндиликда мен сўнгги йиллар ичida қайси жанрларда кўпроқ ижод этганим ҳақида ўзингиз бир холосага келинг. Наср жанрида деб жавоб берган бўлсам-да, ўзим сезмаган ҳолда шеъриятда ҳам чакки ижод қиласерман.

– Ўзбек шеъриятининг бугунги намояндалари ижоди ҳақида қандай фикрдасиз?

Ж.Оймирзаев: – Ўзбек шеърияти – улуғ мўъжида! У орқали мен халқингизнинг дилини, қўнглини англайман! Шеърият бор жойда муҳаббат бор, муҳаббат бор жойда шеърият бор! Бу иккиси бир-биридан ажralmas оламдир. Қалбида муҳаббати борнинг дилида шеърият яшайди! Шеърият яшайдими, демак, эзгулик яшайди! Ўзбек шеъриятини ҳар гал варақлаганимда дарёдош оғаларнинг дилини англайман!

Ўзбек адабиёти сўнгги йиллар ичida Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матчон, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф каби забардаст истеъод соҳиблари билан бойидики, бундан чин қалбдан

фаҳрланаман. Мен уларни кўп ўқийман, керак бўлса ёд оламан. Айниқса, Абдулланинг ҳар бир янги китоб ва туркум шеърларини зўр чанқоқлик билан кутаман. Унинг шеърларини ўқиган сайин ҳар гал ундан янгича маъно, янгича фикр топаман. Қайтарили мас тароват, ўзгача гўзалликни ҳис қиласман. Шу боис қўлимни қўксимга қўйиб унинг истеъодига тан бераман. Чунки Абдулла ва унинг тенгдошлари адабиётга янгича шеъриятни олиб кирди.

– **Халқ ижодиётининг гултожи бўлмиш баҳшилар ижодига қандай қарайсиз?**

Ж.Оймирзаев: – Халқ оғзаки ижоди намояндаларига меҳрим, муҳаббатим ғоятда юксак! Халқ сайлларида мен уларни мудом тинглайман. Уларни севмоқ, эъзозламоқ керак. Юксак истеъодод эгаларини чўққилар деб тасаввур этсак, заминидаги тоғларни баҳшилар, яъни халқ оғзаки ижодининг вакиллари деб тушунмоқ лозим. Негаки, тоғ бўлмаса чўққи бўлмайди...

– **Эшитишимча, қорақалпоқ шоирларининг аксарияти ўз шеърларини қўшиқ қилиб ҳам куйлар экан. Айниқса, халқ сайлларида. Бу анъанани сиз ҳам давом эттирганмисиз?**

Ж.Оймирзаев: – Тўғри. Қорақалпоқ шоирларининг кекса авлоди ўз шеърларини қўшиққа солиб, халқ сайлларини гуллатишган. Бу ўзига хос бир анъана. Бу ҳол менга ҳам бегона эмас. Мен ҳам аксарият шеърларимни бемалол қўшиқ қилиб айтиа оламан.

– **Муҳаббат ҳақида ҳамон ёзаяпсизми?**

Ж.Оймирзаев: – Муҳаббат ҳақида ёзмай бўладими? Чунки шеъриятнинг ўзи муҳаббат-ку. Ахир шоир Абдулла Орипов шеъриятни бекорга “қалб туйғуси” деб атамаган. Қалбида туйғуси бўлган ҳар бир инсоннинг юрагида муҳаббат абадий яшайди...

БОЛАЛИГИМИЗНИНГ ҚАНОТЛИ ҚУШЛАРИ...

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матчон
билин сұхбат

- Омон Матчон ижодида 1979 йили босилиб чиққан “Хаққуш құшиғи” тұплами алоҳида ажралып туради. Шоир ўзига ўзи шундай савол беради. Нега табиат аввалига инсонларға фақат қирқ үйлігина умр берган? Ойдаги доғчи? У қаердан пайдо бўлган? Алла гўдак ухлаши учунгина айтиладими? Рашк қандай туйгу? Нега севги ёшида йигит ёки қызы қалби гоҳи гурур, гоҳи иккила нишлар таъсирида бўлади? Лойик бир ёр танлаш нега шунчалик қийин? Афсоналар туфайли ҳаётимиз, келажагимиз янада теран маъно, сеҳрли нур касб этади. Омон Матчоннинг ушбу китобига кирган “Ёр танлаш”, “Табиатнинг иккинчи сири”, “Энг сўнгги хазина”, “Хаққуш қичқириғи” каби қирқта афсона кишига умри давомида албатта дуч келадиган қирқ ҳолат, қирқ саволга жавоб беради.

Омон ака, “Хаққуш қичқириғи”дан ўрин олған афсоналарнинг ҳар бири шакли ва мазмунни жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Китобнинг ёзилиш тарихи ҳақида тұхталсангиз.

Омон Матжон: – “Хаққуш қичқириғи” га қирқта афсонани тұпладим. Хүш, нега қирқ? “Қирқ” деган сұзда ноаниқ, мавхум бир ҳикматни англаёт-гандирсиз?! Ҳа, эсингизда: “Қирқ қулоқли қозон”, “Қирқ кеча-кундуз йўл юрди”, “Қирқ газ чуқур қудук”, “Қирқ кечаю кундуз тўй берди...”. Мақоллар,



иборалар-чи? “Қирққа кириб қуюлмаган”, “Бир хотиннинг макри – қирқ эшакка юк...”

Зеро, афсоналар болалигимизнинг оқ қанотли қушлари. Улар бугун ҳам, яна яқингинамида – нурли кўзлари билан кузатиб турганга ўхшайди бизни!

Бу – ҳаммага таниш туйғу. Лекин юртнинг – туғилган масканнинг афсоналари қаердан бошланади? Ким тўқиган уларни?!

Ватан, замон ва баҳт каби тушунчаларни ҳар бир авлод янгилайди, ўз афсоналари билан бойитади. Афсоналари мўл юрт – энг бой юрт, энг умрбоқий юрт. Афсоналар – энг узун умр кўрадиган, яъни энг кўп маънавий хизмат қиласидиган фахрий ватандoshларимиз!

Академик Faфур Fулом “Хоразмнинг ҳар фиштида боболарнинг ижоди бор, у бутун-бутун ҳалқларнинг тарихига киради”, деб ёзган эди. Ҳар фиштида шунча ҳикмат яширинганди иморатни ким бунёд этган, қачон, қандай қилиб?!

– Ҳозир қалби уйғоқ ҳар ижодкор она табиатимиз тозалиги, унинг соғлиги учун қайғурмоқда. Сиз ҳам ана шу мавзуда бир қанча шеърлар эълон қилгансиз.

О.Матжон: – Шу кунларда айрим қишлоқларимизда бир қарич ҳам ўзлаштирилмаган ер қолмади. У ерда на кўллар, на боғлар, на яйловлар қолди. Менда бир ижодкор сифатида қишлоқларимизнинг қиёфаси бир хил бўлиб қолмасмикин деган хавотир бор. Қишлоқ болалари эмин-эркин, ёйилиб ўйнайдиган майдонлар, табиатнинг “ёввойи бурчаги” ҳозирнинг ўзида камёб бўлиб қолаётгани қалбимни бироз безовта қиласи.

*Қайси иил кўкламда Жайхун бўйида,
Идрок этиб турсам атроф оламни.
Оқ булат ичидан чиқди вазминлаб,
Бир түп ҳоргин турна кўзлаб воҳамни.*

Навбахорнинг содик бу элчилари,
Ойдин умид рамзи, күтлуг бир түгён
Келарлар мүқаддас бузилмас сафда,
Үзгарган бўлса ҳам не даври даврон.

Балки аввал жаҳон олис замондан
Улар кўкка учган қувончли хабар.
Балки бултургилар, балки бошқаси
Хуллас, настладилар... жой излаб магар!

Лекин Хоразмда бугун ер танқис,
Йигирманчи аср, темир барона —
Яшил тўқайларнинг очган илдизин
Жайхундан ҳам қолган фақат афсона.

Олимлар айтарки, бир гулни узсанг
Бошқалари эслаб қоларлар аниқ.
Лекин фоши этолмас қотилни улар,
Тилсиз тўлганарлар газабдан ёниб.

Эмиш бир огочни кесссанг ўринсиз,
Бир кўлни қуритсанг, кўмсанг бир жарни.
Тилийўқ бир нима демас ер-осмон,
Лекин эслаб қолар барча хабарни.

Олимлар айтарки, табиат ўзи
Наботат, маҳлукот дунёсин гоят
Эркин бир меъёрда бору йўқ этар,
Четдан зугум этмак сўзсиз жиноят.

Бугун арра, карбид, аэро билан,
Не ишлар қилмаймиз, ерга озорлик?
Биз-ку оғринмаймиз, ер ҳам воҳ демас,
Лекин зил сукутда қолади борлиқ.

Оҳ, ёмон сукут бу?
Ҳазир бўл одам!
Дилни алланенинг босар воҳмаси.
Химоятсиз кўриб хўрланганларнинг
Тилга кирмасайди бир кун ҳаммаси.

– Яқинда “Гаплашадиган вақтлар” достонингиз анча баҳс-мунозаралардан сўнг ниҳоят ўқувчилик қўлига тегди. Шу кунларда адабий жамоатчилик қизгин баҳслашмоқда. Ана шу асарингизниң ёзилиш тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз?

О.Матжон: – Мен табиатнинг бир саховатига ҳайрон қоламан. Ўзбекистон ер шарида кафтдек нуқта. Лекин бунда яна бир неча Менделеев жадвали тўладиган бойликлар, гўзал табиат, саҳий ер, дарёлар мавжуд.

Бу кафтдек ернинг ташналигини қондириш учун шунча катта дарёлар минг-минг йилдан бери тинмай ҳайқириб ётибди. Лекин биз шу ерни, дарёларни қадрлаётирмизми? У берган бир қултум сувни меҳрга, нурга, фахрга, ғууруга айлантира олдикми? Мен шунга ўхшаш кўнглимда кечган туйгуларимни “Гаплашадиган вақтлар” достоним руҳига сингдиришга ҳаракат қилганман.

– 60-йилларда ўзбек шеъриятига ёрқин юлдуз бўлиб бир неча ёшлар кириб келган эди. Сиз ҳам ана шу авлод вакилисиз. Ана шу ёшлар билан буғунги авлод орасида фарқ борми?

О.Матжон: – 60-йиллар шеъриятига кириб келган ёшларнинг болалик даври адабиётда конфликтлизик ғоялари ҳукм сурган даврга тўғри келди. Бизнинг онгимизга дунёда яхши одам бор, ёмон одам бор, бошқа ҳеч нима йўқ. Олға юришимизга фақат шу халал беради деб сингдирилган эди. Шахста сифинишининг танқид қилиниши эътиқодларнинг ҳам нисбий синишига олиб келди. Ҳамма нарса муваққат, нисбий, ўзгарувчан экани жуда оддий миссолларда куриниб қолди.

Шунинг учун, айниқса, ёшлар ижодида абадий, мангу мезон ва ўлчовлар излашга мойиллик пайдо бўлди. Булар энди аллақандай умумий ватан, уму-

мий севги әмас – конкрет яхшилик, конкрет Ватан, конкрет севгини куйлашга киришди. Илк бор ада-биётда комил инсон образи пайдо бўлди. Ҳозирги ёшлар шеърни яна ҳам нозиклаштириди, изланишлар тармоғини яна ҳам кенгайтиришди, дейиш мумкин. Фанлар ҳам жуда кўп тармоқларга бўлиниб кетганидек, инсон туйғуларини поэтик ўлчовларга солиш ҳам тобора кўп қирра касб этмоқда. Шаклнинг, аввалги ўлчовларнинг синиши ҳам шу сабабдан...

– Янглишмасам, шу пайтгача рус тилида китобингиз нашр қилинмаган. Бунинг сабаби нимада? Умуман, ҳозир рус тилига ўгирилган сизга тенгдош шоирлар шеъриятининг савияси қандай?

О.Матжон: – Биласизми, қайси бир учрашуви-мизда машҳур рус шоири Евгений Евтушенко менга шундай деган эди: “Нимага ўзбек шеъриятида янги номлар кам қуринаяпти? Тўғри, бизда ҳам улар бармоқ билан санаарли” деб уч-тўрттагина исмни санади. Булар ўз авлодига мансуб Роберт Рождествинский, Соколов ва Белла Ахмадуллиналар эди. Мен айтдимки, сизларга ўхшаш энг кучли таржимонлар Грузиядан бери келмаса, биз нима қилайлик? Ўзбекистонга келаётган “таржимонлар” нинг савияси ўрта даражадан ҳам паст дедим. У “грузинларга ўхшаб сизлар ҳам энг зўр таржимонларни жалб этишини ўрганинглар-да”, деди. Бу ҳазил аралаш гапда жон бор.

– Шу кунларда юз берадиган ўзгаришлар ижодингизга қандай таъсир этаяпти?

О.Матжон: – Бевосита! Бугун ижодкорлар, умуман, ҳар бир фуқаро дунёning у ёки бу ерида бўлаётган воқеалардан хабардоргина әмас, унга ўз муносабатини билдириши шарт. Бу ирқи ва миллатидан қатъий назар, бутун дунё одамлари ўртасида

яқинлик түйғулари пайдо бұлғанини билдиради. Мана, Чарли Чаплиннинг ўлими! Сұнг жасадининг бирдан йўқолиб қолиши. Бу менга қаттиқ таъсир қилди. Мен уни болалиқдан яхши кўрардим. Катта мулқорлар, пулдорлар давлатида кичкинагина бир одам ўз ҳаққи учун, ўзининг меҳр улуши учун тинмай курашди, уларни масхара қилди ва кўпинча ғолиб чиқди. У ўлмас образлар яратди. Оқибати эса...

– Шоирлар ижодида мавзу торлиги сезилиб қолаяпти. Ҳатто бир ёзувчи бир муаммони қўтариб янгилик қилиб чиқса, кетма-кет ўнлаб шундай ӯхшаш, эгиз асарлар дунёга келаётир, сиз бунинг боисини қандай изоҳлайсиз?

О.Матжон: – Бу ҳолатни нафақат шеъриятда, балки бошқа жанрларда ҳам кўриш мумкин. Мисол учун адабий танқидни олайлик. Бир яхши асар пайдо бўлса, баъзан танқидчилик йиллаб индамайди, бошқа бирорнинг ўртамиёна ижод намунаси эълон қилинса, ўнлаб тақризлар чиқади. Маълум бир гурӯҳ адабиётшунослар фақат маълум бир одамлар ҳақидагина ёзишга одатланган. Мавзу торайғанлиги сабабига бир мисол келтирмоқчиман. Мен ҳар куни ишга катта бир элеватор олдидан ўтаман. Элеватор дарвозасининг пинжида исқирт, ялқов қушларни кўраман. Улар элеватордан навбатдаги ғалла ортган машина чиқишини пойлаб туриб, машина кўрингач, унга ёпириладилар. Уларнинг бутун умри шу ерда ўтиб кетаяпти. Биз ўлкамизнинг олис-олис бурчакларига, кенг далаларига сафар қилишимиз, ризқимизни ўша кенгликлардан излашимиз керак. Катта дарёларимиздан сув ичишимиз керак. Ана шунда парвозимиз баланд бўлади.

– Сизнинг ўнлаб шеър ва ғазалларингиз таниқли хонандалар томонидан куйланмоқда, бугунги миллий қўшиқчилигимизнинг аҳволига муносабатингиз?

О.Матジョン: – Биз минг йиллик музика анъана-
ларига эга санъатсевар халқмиз. Хоразмда кички-
нагина уй сұхбатлари ҳам ҳофизсиз үтмайды. Мен
яхши күрадиган бир-иккита ўта замонавий ансамбл-
лар бор. “Ялла” нинг тажрибалари ёмон эмас. Халқ
құшиқларига мурожаат қилиш ҳозирги шеърия-
тимизда ҳам сезилаётир. Хоразм мақомлари жону
дилим. Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов,
Отажон Худойшукуров – уларнинг ҳар бири үқи-
маган китоб. Юз йилларда бир туғиладиган ноёб ис-
теъдод эгалари. Фаттоҳон ака, Очилхон акаларнинг
ижодини ҳам жуда қадрлайман. Булар ўз мактабини
яратса олган буюк санъаткорлардир. Лекин миллий
мусиқамизнинг бугунги ақволидан бироз хафаман.

– **Рашк ижобий туйғуми ёки салбийми?**

О.Матジョン: – Ижобий! Уни шубҳа, гумон тушун-
чалари билан аралаштирмаслик керак! Рашк – сев-
гинги авайлаш туйғуси, уни асраб-авайлаш туйғу-
си.

Мана бир шеър:

*Күп кезма дараҳтзор, боғлар ичинда
Дараҳтлар дил дўстинг бўлолмас сенинг.
Чорласанг келолмас, ёниб қучолмас,
Сен фақат менинг бўл,*
меники, менинг!

*Күп қолма жаранг сув, булоқ бўйинда,
Булоқ ҳам дил дўстинг бўлолмас сенинг.
Қайнаши чашмадан теран жойдадир
Сен фақат менинг бўл,*
меники, менинг!

*Күп титма мұхаббат китобларини,
Китоблар дил дўстинг бўлолмас сенинг.
Бу ишқнинг тарихи менинг қалбимда,
Сен фақат менинг бўл,*
меники, менинг!

– Шеърда қайси вазни афзал кўрасиз? – Арузми, сарбастми ёки бармоқ?

О.Матжон: – Мен шеърда у ёки бу шаклнинг афзаллиги ҳақида ҳеч мунозара қилмайман. Гап шаклда эмас, балки фикрда. Мана, ўтган аср шоини Мирийнинг аруздаги шеъридан бир-икки парча. Шаклнинг ўйноқилиги мазмунга, эҳтиросга, дардга, тушунишга ҳам енгил эканига эътибор қилинг!

Ўзбекнинг ҳулқи – ҳулқим-табиати – табиатим, Шунинг ўзи менга баски, катта давлатим, – деб хитоб қиласан шоирнинг ижоди кенгрок тадқиқотга лойик. Парчани ўқийман:

*Соқий пиёла тутки, қилаи рафъи дарди доз,
Очилмади фалак ситамидан манга думог,
Етдим деган замоним чарх айлади иирог,
Ул дилнавоз бир кунким қилди сайри бог.
Мен зори нотовонни қилмоқ учун сурог,
Заҳробаи фироқ ила тутгач фалак аёғ
Мен мунда доз бўлдим-у, ул анда қолди доз.*

– Нега кейинги пайтда аруз вазнида кам ёзаяпсиз?

О.Матжон: – Арузнинг мусиқаси, сўзларни чертиб ишлатгани учун яхши кўраман. Лекин ўзим бу жанрда жуда кам ёзганман. Тан олишим керак, аруз қоидаларини яхши билмайман. Арузни ҳозир кўпчилик ёшлиар ҳам билмайди. Арузни яхши эгаллаш учун, менимча, эски ўзбек тили, ёзувини ҳам яхши билиш керак. Салкам минг ярим йиллик тарихимиз ёзилган алифбони бугун биз билмаслигимиз умуман уят, балки жиноятдир. Менимча, ҳамма мактабларга эски ўзбек тили дарсини киритиш керак.

– Омон ака, кейинги пайтларда қадим юрт Хоразм ҳақида кўп ёзаяпсиз. Шеърда ҳам, драматургияда ҳам, публицистикада ҳам Хоразм мав-

зуи. Эҳтимол, ёш бир жойга боргач, одам түғилган юрт ҳақида кўп ўйлай бошлайдими?

О.Матжон: – Устозим Зулфия опанинг “Агар севги бўлмаса, одамзод уни баҳт кашф қилгандай кашф этар”, деган сўзлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Агар Хоразм бўлмагандан ҳам уни ўзим учун кашф этган бўлар эдим...

1990 йил

АДАБИЁТИМИЗ ИЛДИЗИ

Ўзбекистон халқ шоири
Ҳалима Худойбердиева билан сұхбат



– Биринчи шеърингизни қағон, қандай сабаб билан ёзгансиз?

Ҳалима Худойбердиева:

– Юрагимда барглар шивири. Демак, яратилажак безавол боғларимнинг илк ниҳоллари күртак ёзаяпти. Болалигим ёдга тушганда ҳануз отамнинг учқур, ранги түк күк, пенсонасида оппоқ қашқаси бор саман

отини йүрттириб юрганлари күз олдимдан ўтиб туради. Менинг биринчи шеърим шу "Күк Саман" ҳақида эди. Бугун отам ҳам, күк саман ҳам йўқ. Мен ҳануз отамнинг қайтарилмас умри, онамга кўрасан, бу қизинг бобосини изидан кетадиган қўринади, деб суюниб туришларини күз олдимдан кеткиза олмайман.

– Сиз асосан бармоқ вазнида ижод қиласиз. Бироқ сизнинг ижодингизда миллий мерос ва халқ ижодиётининг таъсири яққол сезилади. Бунинг боиси нимада?

Ҳ.Худойбердиева: – Халқ ижоди, классик мерос, – бугунги улкан адабиётимиз дарахтининг жон озиғи – теран илдизидир. Биз умуминсоний дардлар билан оғриган, инсон маънавиятини бекиёс юксакликларга кўтарган Навоий, Оғаҳий, Паҳлавон Маҳмуд, Эргаш Жуманбулбул, Ислом шоир, Абдулла шоир каби зотларнинг ворисимиз. Паҳлавон Маҳмудда шундай сатрлар бор:

Ёмон билан улфат бўлма, юр йироқ,
Йўлингга дои сочиб қўяди тузоқ.
Ёйни эгри кўриб, түргилигидан –
Үқундан қанчалик қочганига боқ.

Бу сатрларни ўқимаган, уларнинг ижод мактабида саводи чиқмаган, уларнинг табарруқ нафасларидан баҳраманд бўлмаган одамнинг бутун адабиёт майдонида нафас олиши қийин.

– Бугунги шеъриятда қайси шоирлар халқона тасвир усуллари, фольклор меросимиздан унумли фойдаланаяпти?

Ҳ.Худойбердиева: – Мен бу ерда ёшлардан Усмон Азимов, Эшқобил Шукур, Сирожиддин Саид, Зулфия Мўминова, Йўлдош Эшбекларни алоҳида тилга олмоқчиман. Бу рўйхатни яна давом эттирса бўлади. Ёшлар катта, шижоатли тўлқин билан кириб келяпти адабиётга. Улардан умидимиз катта. Менинг назаримда кенжা авлод ўзининг айрим вакиллари ижоди билан бизни халқа яқинлаштираётгандай туюлади. Шеърият ҳар вақт маънавият байроби бўлиб келганини бу ёш дўстларимиз чуқур ҳис этадилар. Турли авлодларимизнинг шавкатли шеърияти байроби уларнинг бақувват қўлларида тағин ҳам юксалмоғига гумоним йўқ.

– Омад – бу йўқ нарса. Мехнат эса бор ҳақиқат. Жон чекиб қилинган меҳнат бугун бўлмаса, эртага ўз натижасини беради. Шунинг учун ҳам, ўзини “омадли” санаб юрадиганлар ўз омадига кўпроқ ишониб қўймасликлари керак. Омад, галаба деган сўзлар ҳақидағи фикрингиз?

Ҳ. Худойбердиева: – Муҳими ғалаба эмас. Мен ундан олдинроққа ҳаракат сўзини қўйишни истардим. Узлуксиз, муҳим ҳаракат. Айтайлик, биз бир улуғ мақсад йўлида ўнинчи марта ҳаракат қилиб, ғалабага эришолмадик. Ҳеч қийналмасдан, руҳан

тушмасдан ўн биринчи юришни бошлайверишимиз керак, деб ўйлайман. Бизда мана шундай буюк ҳаракат муҳим экан, ғалаба биздан қочиб қутуломайди. Ҳалқимизнинг Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Зулфия каби истеъоддли фарзандлари ўзларининг ўткир тафаккурлари билан ўз ҳалқини бир погона юксакка кутариб кетдилар.

– Улуғ сафнинг давомчилари, шогирдларидан бири сифатида устоз Ойбек ҳақидаги қисқа бўлса ҳам фикрингизни билишни истардик...

Ҳ. Ҳудойбердиева: – Қисқа деб тўғри айтдингиз, чунки Ойбек ижоди поёнсиздир. Унинг турли жанрларнинг ҳар бирида яратган кўплаб асарларининг ҳар бири устида соатлаб гапириш, таҳлил қилиш, сабоқ олиш мумкин. Даҳо фарзандлари ўзининг нимасинидир ҳалқа юқтириб кетади. Ҳалқимиздаги донишмандлик, раҳнамолик, оқилликни қайси-дир маънода мен Ойбекнинг Навоийсидан, ундаги соддалик, ўтлик, исёнкорликни унинг Йўлчисидан, душманга қаҳр, қасоскорликни унинг Бектемиридан, қизлардаги хаё, гўзаллик, сафарбарликни унинг Гулнори, Комилларидан деб биламан. Ўз ёрқин тафаккур чироқлари билан ҳалқининг йўлини ёритиб анча жойга олиб бориб қўядилар. Мана шу порлок тафаккурдан онги ёришган ҳалқнинг бир зарраси сифатида миннатдорлик туйфуси билан мен устоз Ойбекка “Итижо” сарлавҳали шеър бағишлаганман.

– Одамлар бир-бирларини чуқур тушунса, бир-бирининг юкига беминнат елка тутса, иш осон кечади, дейишади. Оилада ўзаро бир-бирини тушуниш, аҳиллик бўлмаган жойда ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шундай эмасми?

Ҳ. Ҳудойбердиева: – Аёл тафаккурининг тожи Индира Ганди аёлнинг мавқеи ҳақида шундай деган эди: “Мавқе учун кураш – эркак билан аёл ўртасидаги рақобатга айланмаслиги керак”. Биз бу йўлда ҳам энг аввало гўдакларимизнинг оталари – эркаклари-

мизнинг метин иродалари, кучли қўлларига сужнамиз. Халқда доимо синиқиб, ранги чиқмай юрадиган аёлларни қўрганда “рўзгори бехаловат бўлса керак” ёки аксинча очилиб-сочилиб юрадиган аёл ҳақида “чертсанг юзидан қон томади. Эри жонининг хузури, шекилли” деган гап бекорга айтилмайди.

Оилани меҳр-муҳаббат устуни кўтариб тургандай, аёлнинг сужнадиган устуни, қўрғони, қалъаси ҳам шу. Бу мустаҳкам қўрғонни, қалъани яратиб олиш эса аёлнинг ўзига, дилига, тилига боғлиқ...

– Ҳозир адабиётимизга кириб келаётган ёшларнинг аксарияти шеър ёзади. Бироқ публицистика, наср, драматургия жанрида машқ қилаётганлар бармоқ билан санаарли. Ёш шоирларнинг шу қадар кўпайиб кетаётгани қувонарли ҳолми?

Х. Худойбердиева: – Жуда ўринли савол. Яқинда “Ёшлик” журналининг бир-икки йиллик сонлаарини ўқиб чиқдим. Унда юзга яқин ёш қаламкаш ижодидан намуналар берилган экан. Гапнинг очиги шулардан ўзимга нари борса ўндан ортиқ муаллифнинг ёзганлари ёқди. Лекин биламанки, шу журнал ходимлари ана шу юзга яқин қаламкашни беш юз, балки ундан ҳам кўпроқ қаламкаш ичидан танлаб олганлар. Ўзини ижод майдонида синааб кўришни истаганлар чиндан ҳам жуда кўп. Негаки, адабиёт майдони кенг. Жой ҳаммага ҳам топилади. Фақат шоир бўлиш истагини шоирман деган даъвога айлантирасалар бўлгани. Уларнинг шоир эканини ўзлари эмас, бошқалар тан олгани маъқул. Гапнинг очиги, гоҳида кимнингдир “Мен шоирман”, дейишлари негадир менга “Мен яхши одамман” деяётгандай туюлади. Шоирлик касб эмас, балки тақдирдир.

– Мен ҳам ёшлар ижодини диққат билан кузатиб бораман. “Янги номлар”, “Нишона” нинг кўпчилигига қизлар. Бу қувонарли. Аксарияти кетма-кет “Оқ йўл” ҳам олишаяпти. Лекин ик-

ки-учта туркум, нари борса биринчи түпламдан сўнг уларни адабиётимиз чаманида деярли учратмаймиз. Сиз эҳтимол бунга оилавий ташвишлар сабабчи дерсиз?

Ҳ.Худойбердиева: – Ҳақли савол. Бир пайтлар Дилбар Ҳамзахўжаева, Баҳор Ҳолбекова, Насиба Қулбекова шеъриятга ёниб кириб келган эди. Рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Улардан умидимиз катта эди. Лекин аксариятлари ижодда лов этиб ёнди-ю, деярли ўчди. Одатда, уларга кетма-кет оқ йўллар тиланди. Лекин шоира қандайдир сабабларга кўра бир-икки китобдан сўнг “тугайди-қолади”. Шу боис адабиётимизда аёллар овози бармоқ билан санарли. Шеърият ўткинчиликни хуш кўрмайди. У фидойиликни, қатъиятни севади. Лекин яна шуниси ҳам борки, аёл ким булишидан қатъий назар, у ҳам рўзғор бекаси, ҳам она. Рўзғор ишларини-ку вақтинча кимнингдир зиммасига ўtkазиш мумкин бўлар, аммо оналик вазифаси заҳматини... Фақат она бўлган одамнинг ўзигина ўташи керак. Шундай пайтлар, табиийки, ижодкор она истаса-истамаса, лоп этиб келган қанча-қанча фикр-мавзуларнинг баридан тутолмай, қанча-қанча шеърларни қоғозга туширолмай қолади...

– Сиз ижодкордаги қайси фазилатларни кўпроқ қадрлайсиз?

Ҳ.Худойбердиева: – Ижодкордаги истеъдодни, ҳалолликни қадрлайман. Ўзим ҳам ҳар гал шеърхонлар билан учрашганимда, мен – шеърман, яратувчан меҳнатим билан фақат ўзимники бўлган севгим билан, фақат ўзимники бўлган орзу-интилишларим, дарду қувончларим билан шеърман. Ҳали ёзилмаган шеърман. Уддасидан чиқсанг сен шуни ёз! Ўзими-ўзимга кўрсат, ўзимни-ўзимга англат, деган бир нидони ўқийман. Сўнг қўлимга қалам оламан.

1992 йил

ҚҰШИҚ – ҲАЁТИМИЗ ДАСТХАТИ

Ўзбекистон халқ шоири
Нормурод Нарзуллаев билан сұхбат

– Ҳозиргача 25 га яқин шеърий тұплам чоп эттирдингиз. Бу тұпламларда мұхаббат мавзуси етакчилик қиласы. Кейинги йилларда ёзған шеърларингизда фалсафий оқанғ етакчилик қылмоқда. Бунинг боиси нимада?

Нормурод Нарзуллаев: – Ижодидеги үзгаришларни яхши англаңбасыз. Лекин бунда ҳеч қандай сир ийүк. Зоро, шу құнларда шеъриятимиздаги ижтимоий ва фалсафий рух, нафақат мен, балки ёшлар шеъриятида ҳам етакчи ўрин әгаллаб турғани бежиз әмас. Албатта лирика – ижоднинг гултоғи. Бироқ айрим ижтимоий гапларни интим лирикаға сияқтырып бир оз мушкул. Фалсафий шеърларда катта ижтимоий муаммоларни ўртага қўйиб, китобхон билан бемалол мулоқотда бўлиш қийин. Шу бойисдан ҳам дунё ташвишу ўйлари, замон ва келажак хақида фикр мулоҳазаларни образли ифода этишда фалсафий лирика менга ҳам қўл келдики, шеърларимда буни қанчалик уddyлай олганман, бу кўпроқ ўқувчиларимга яхши маълум.

– Сизни халқимиз қўшиқчи шоир сифатида яхши билади. Ойнаи жаҳон ва радио тұлқинларыда деярли ҳар куни бир-икки қўшиғингиз жаранглаб туради. Қўшиқчилигимизнинг бугунги аҳволидан мамнунмисиз?

Н.Нарзуллаев: – Қўшиқ бизнинг таржимаи ҳолимиз. У умримиз, ҳаётимиз дастхатларидир. Ҳар



бир яхши қўшиқ эзгулик жарчиси, ошиқ кўнгиллар-нинг хабарчиси бўлмоғи лозим.

Қўшиқларимизда жанговорлик ва замонавийликни таъминлаган ҳолда уларда ҳалқ донишмандлиги, самимийлик ҳамда мазмунан теранликни сақлаб қолсак, савоб ва хайрли иш қилган бўлар эдик. Бизда давра қўшиқлари нима учундир одатга айланмаяпти. Буни, айниқса, республикамиздан четта чиққанда, сафарда бўлганда ҳаммамиз яхши ҳис этамиз. Қанотсиз, мазмунсиз қўшиқлар, пала-партиш куйларга қарши кескин кураш олиб бормагимиз лозим.

Қўшиқларим тилга тушган бўлса, бу бастакор, хонанда дўстларим билан ҳамкорликда олиб борилган ишларим самарасидир.

– Сиз кўп йиллардан буён шеърий таржима билан шугулланасиз. Бу ижодингизга қандай таъсир қиласи?

Н.Нарзуллаев: – Таржима – тиллар ва диллар ўртасидаги олтин кўприқдир. Шунинг учун Эркин Воҳидов, Арипов Орипов, Муҳаммад Али каби шоир дўстларимнинг бу соҳадаги фаолиятини юксак қадрлайман. Таржима билан жиддий шуғулланиш у ёки бу адабиётдаги янгиликлар билан таништиришдан ташқари, ижодкорнинг ўз маҳоратини оширишида, услугуб ва жанрлар ранг-баранглигини ўзлаштиришида улкан восита ҳамдир.

– Негадир ёш шоирларимиздан Муҳаммад Юсуфни ҳисобга олмаганда бошқалар қўшиқ жанрига кам эътибор бераяпти. Сиз бунинг сабабини қандай изоҳлайсиз?

Н.Нарзуллаев: – Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда ёш қўшиқчи шоирлар фаолияти деярли сезилмаяпти. Мен бунинг сабабини фақат бепарвонлик, лоқайдлик ва эътиборсизликдан қидираман. Ҳозир эл назарига тушган истеъдодли ёш шоир-

ларимиз кўп. Уларнинг ҳар йили китоблари нашр этилиб турибди. Фақат улар билан бастакорларнинг ижодий ҳамкорлиги йўқ. Уларни бир-бирига яқинлаштиришда уюшмалар бош-қош бўлиши даркор. Яна бир мулоҳаза, атоқли бастакорлар шоир оғалари ва укаларидан дастхат битилган китобларини кутиб ўтиришмай, китоб дўконларига ҳам тоҳ-тоҳ қадам ранжида қилиб туришса яхши бўларди. Мен бу ижодий ҳамкорликка омад тилайман.

**– Сиз ҳаётда самимий, бағрикенг инсонсиз.
Ўзингиз қайси одатларни ёқтирумайсиз?**

Н.Нарзуллаев: – Мен айрим одамларда учрайдиган нопоклик, худбинлик, икки юзламачиликни кўрганда қоним қайнайди. Виждоним исён қутаради, қалбим наъра тортади...

**– Спортга муносабатингиз қандай? Ҳусусан
“Пахтакор” футбол командасинага бўлган мухлис-
лигиниз ҳали сўнмаганми?**

Н. Нарзуллаев: – Спорт менинг жону дилим. Миллий кураш, футбол, хоккейни завқ-шавқ билан томоша қиласман. Спортчиларимизнинг қўлга киритган ҳар қандай ютуқлари билан бир юртдош сифатида юракдан фахрланаман. 1994 йилги Японияда бўлиб ўтган Осиё ўйинларини ким ҳам мароқ билан томоша қилмади дейсиз? Айниқса, футболчиларимизнинг улкан ютуғи бошимни кўкка етказди.

“Пахтакор” командасинага келганда шуни алоҳида таъкидлашим керакки, у бир пайлар чет эллардаги “ман-ман” деган командалар билан беллаша оларди. Унинг ўз анъаналари, шухрати бор эди. Команда бошига тушган фожиадан ҳамон қалбим изтиробда, ларзада. Ўринбосарлар ўсар, мардона қадам босар дейдилар. “Пахтакор” нинг яқин йиллар ичида ўз қаддини ростлаб олишига, ишқибозларнинг ишончини оқлашига ишонаман. Яқинда мен кўпчилик футбол ишқибозларининг илтимосларига кўра

“Пахтакор” чилар құшиғи” номли шеъримни ёзиб, бастакор дүстимга тутқаздим. У бир ҳафтада мусиқа басталади. Құшиқдан сатрлар:

Стадион – мардлар майдони,
Халолликни ёқтирап футбол.
Мекнам билан шұхрати, шони,
Тонгдаи кулар галаба, иқбол.

Она Ватан фарзандисан,
“Пахтакор-Пахтакор”.
Узбекистон дилбандисан,
“Пахтакор-Пахтакор”

Дунё бүйлаб довруқ сол,
“Пахтакор-Пахтакор”
Ұз номингга содиқ қол”
“Пахтакор-Пахтакор”

– Йил фаслларининг қайси бирини хуш күра-
сиз?

Н.Нарзуллаев: – Кимга қайси фасл хуш келади, билмадим-у, лекин мен йил фаслларини бир-биридан ажратишни ёқтирмайман. Булар эт билан тирноққа үхшайды. Буларни ажратиб бўладими? Бағрида фасллар яшовчи йилимиз, хосиятли, серфайз келишини жуда-жуда орзу қиласман.

– Айрим ёш шоирлар ва хонандаларимиз ўзларининг шеър, құшиқларида севгини баралла куйлаб, йигитлар ҳам айта олмаган сўзларни ҳам bemalol тилга олмоқда. Шахсан сиз қиз боланинг биринчи бўлиб севги изҳор қилишига қандай қарaisiz?

Н.Нарзуллаев: – Ҳар ҳолда асрий анъаналаримиз, қон-қонимизга сингиб кетган урф-одатларимиз бузилмагани дуруст деб ўйлайман. Қадим-қадимдан қизлар гўзаллик тимсоли, одоб, ҳаё, иффат-бо-

киралик тимсоли. Йигитлар эса мардлик, жасорат эталари дея эътироф этилган. Мұҳаббат изҳоридаги жасорат, ташаббус ҳам менимча йигитларда қолғани дуруст. Қизлар севимли бұлаверсингүй, йигитлар мұҳаббат изҳор қиласверсингүй...

– Сизда ижод жараёни қандай кечади? Аввал мияда пишитиб, сұнғ бир үтиришда ёзіб ташлайсизми ёки бир неча кунда ёзасизми?

Н. Нарзуллаев: – Насрийлар учун вақтни олдиндан чүтга солиши, шунга қараб ижодий режаларни амалға ошириш мүмкіндір. Ҳар ҳолда наср, менинг назаримда, узоққа учадиган қүшга үхшаса, шеърият баландға учадиган қүш мисолидір. Агар таъбир жоиз бўлса, наср майдалаб, эзиб ёғадиган ёмғирга үхшаса, шеърият тез келиб, тез ёғиб үтадиган ёмғирга үхшайди. Шу қисқа муддат ичіда уни тутибми, кузатибми қолсангиз-қолдингиз, бўлмаса үтади-кетади. Мен қўпчилик шеърларимни бир үтиришда ёзіб тугатаман. Икки-уч кундан кейин қайта ишлап шим мумкин.

– Илҳом деганлари шу бўлса керак-да?

Н. Нарзуллаев: – Зоро, сиз сокин оқаётган сувдай осойишта эдингиз. Кутимаганда қалбингизга безовталиқ кириб келади. Энди сиз аввалги сиз эмассиз. Ҳислар қўксингизда түғён уради, ўзи учиб, сизни ҳам учиради, кулиб кулдиради, йиғлаб йиғлатади. Ана шу жараённи илҳом десалар керак.

1994 йил

ИНСОНИЯТ БЕШИГИ

Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева
 билан сұхбат



Навоий вилоятининг Кизилтепа туманида Бўстон деган қишлоқ бор. “Бўстон” нинг баҳорда хушбўй гуллайдиган жийдазорлари, хаёлчан толлари, беланчакларга дур меваларини тўкувчи тутлари, энг муҳими, меҳри ардоқли, саховатли халқи бор. 60-йилларда шу гўшадан патила сочли

бир қиз тупроқ йўллардан йўл юриб, йўл юрса-да, мўл юриб Тошкентдай азим шаҳарга етиб келди. Шеъриятга бўлган ҳавас бошлиган эди уни бу йўлларга. Юраги Бўстон гулларидай покиза орзуларга тўла бу қиз Ойдин Ҳожиева эди. Тошкент Давлат университетида таҳсил олиб, дастлабки шеърий машқларини эълон қилди. Гоҳи содда, гоҳи ўйноқи, гоҳи оташин сатрлари билан шеърсевар кўнгилларга ҳамроҳ бўлди, элга танилди. “Шабнам”, “Тароват”, “Мен севган қўшиқ”, “Мушфиқ онажон”, “Ишонч юлдузлари”, “Тамал тоши” каби ўnlаб китоблари муҳлислар қўлига тегди. Ана халқ шоири билан сұхбатимизни бошлаймиз.

— Ойдин опа, сизнинг ижодингиздаги энг ширин, энг ҳароратли сатрлар Онага бағищланган. Зеро, Она инсониятнинг ҳамма дунёлардан аввал таниған энг гўзал дунёсиdir. Она — меҳр-муҳаббат, одамларга ишончнинг қайнар булогидир. Ҳақиқатан ҳам, ижодингиздаги энг сара шеърлар оналар ҳақида. Ҳатто бир китобингиз “Мушфиқ

онажон” деб номланади. Онангиз ҳақида қисқа-ча сўзлаб берсангиз.

Ойдин Ҳожиева: – Онамнинг исмлари Тошибиби бўлган. Онам “Бўстон” қишлоғида элим, уйим-жойим, болам деб яшаб ўтди. Жойлари жаннатдан бўлсин, илоҳо. У ҳамма қишлоқ аёлларига ўхшаш оддийгина, камтар зот эди. Биз ота-онадан ўн олти фарзанд эканмиз. Ўн нафар акам гўдак ёшида чечак, қизамиқ, терлатма, безгак касалидан нобуд бўлган. Оғир замонлар фожиаси бу. Акам Неъмат эса урушга кетиб, қайтмаган. Онамнинг, қишлоғимиз аёллари Сарвар хола, Робия хола, Шарофат холаларнинг оғир уруш йилларида ҳар қандай шароитда ҳам иймон чегараларидан ўтмасдан ҳалол, пок яшаб ўтганларига гувоҳман. Ўшаларнинг дарду ҳасрат тўла қўшик, лапарлари мени шоир қилган.

Ҳозирги кунда ўз боласидан бемалол воз кечаётган баъзи оналарни учратаяпмиз. Улар гүёки бошқа бир юртда, меҳрисизлар юртида туғилиб ўстандек гўё. Айтадиларки, ҳар бир ишнинг жавоби бўлади. Үндай оналар албатта Яратганинг жазосини олади. Аммо яраланган қуш – гўдак бола бир умр маъюс ўсади. Етимнинг еган нонига кўз ёши томади, дейдилар.

– **Ойдин опа, мустақиллик йилларида шеър, қасида, достонлар қатори публицистик мақолаларингизда давримизнинг долзарб муаммоларини кўтариб чиқаяпмиз. Бу мақолалар ўзингиз бошқараётган “Саодат” журналида, “Оила ва жамият”, “Миллий тикланиш” газеталарида чоп этилди, чоп этилаяпти. Шахсан менга тил ҳақидаги “Рұхимизга ёнгин тушмасин” мақолангиз жуда маъқул бўлган эди. Ҳозирги вақтда публицистик руҳ барқ уриб турган шеърларингиз, замон талабига қуюнчаклик билан “лаббай”, деб жавоб берадиган сатрларингиз ўқувчилар ёдига**

муҳрланиб қолмоқда. Бундай сатрларнинг қуийи-либ келишига нималар асос бўлмоқда?

О. Ҳожиева: – Биз бир ярим аср зулмат, қизил империя исканжасида яшадик. Тилимиз чиққандан сочимиз оқаргунча тўтиқушдек сайрашни, бир хил гапни такрорлашни билдиқ, холос. Бу бизни ўзлиги-миздан анча узоқлаштириди. Биз сув ичар булоқлари-мизнинг қўзини ёпди. Аёлларимизнинг қўли косов, сочи супурги бўлди. Гўдаклар турли касалликлар билан шифохоналарда нажот кутиб чинқиради. Биз гўё тилсимланган мамлакатга айландик. Мана, мустақиллик шабадалари тилимизни “ешиб” юборди. “Дард” номли шеърлар туркумим дунёга келди. Унда “41-чи эшик” деган шеърим бор.

Афсоналарда, эртакларда қирқ бир эшик бўла-ди. Баҳодирларга доим шу охирги эшик сирли-си-ноатли кўринади. Ўша қирқ биринчи эшиқда ё гўзал қиз, ё олтин қилич бўлади... Ўша 41-хонада “Озодлик” деган хур қиз бор эди. Шуни изладик. Мен марди майдон, ҳалол, жасур, пок укаларимиз билан фахрланиб юраман. Афғон саҳроларида беҳу-да қурбон бўлган шаҳидларни эсласам дилим андух-га тўлади...

– Доимо ёшлар шеъриятига юқори баҳо бе-риб, уларни авайлаб-асраб юрасиз. Шеърият боғида очилган гулдан беҳад қувонасиз. Умуман, улар ижодидаги қайси жиҳатлар сизни қувонти-ради?

О. Ҳожиева: – Ёш шоираларга ҳавасим келади. Биз ижодимизни қофияни ўрганишдан, адабиётшу-нослик терминларини титкилашдан бошлаганмиз. Улар эса тайёр ҳолда, шиддат билан адабиётга ки-риб келди. Уларда фуқаролик туйғуси кучли. Улар-нинг нозик қалбида катта исёнлар куртак отаётгани-дан хурсандман.

Тил муаммоси борми, Орол муаммоси борми,

Фаргона, Ўш, Ўзган фожиалари борми, ҳаммасида эркак адиллар қатори ёш шоир, шоираларимиз собит турдилар ва курашларда уларнинг ўз ўрни, ўз овози янграб турди. Келажакда элимга, тилимга, ўзлигимизга хурматим, ишончим каби уларни қадрлайман!

– Бебаҳо фольклор меросимиздан баҳра олмаган ижодкор бўлмаса керак. Чунки ҳалқ ижоди туганмас ҳазина. Кимдир ҳалқ йўлларида ижод қиласи. Кимдир ҳалқ қаҳрамонларига мурожаат қилиб, улар орқали ўз мақсадини айтишга интилади. Кимдир ҳалқ оғзаки ижодидаги сюжетлар асосида янги асар ёзади. Умуман, бу таъсирнинг турлари қўп. Бу таъсир сизнинг ижодингизда қандай кечган?

О. Ҳожиева: – Мени қўпроқ ҳалқ эртаклари, ҳикмат ва маталларидаги донолик ҳайратга солади. Болалигимдан эшишиб юрган мақол-маталларим, ажойиб эртаклар зеҳнимни чархлаган, улар иждимга зийнат бағишилаган. Тилдан-тилга, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ҳалқ оғзаки ижоди – туганмас чашма. Ёзган сатрингдан ақалли биронтаси ҳикматга айланаб кетдими? Такрорлаб юришадими? Шуни ўйлайман.

– Шеърда ҳис-туйғу етакчими ёки фикрми?

О.Ҳожиева: – Гоҳида бир сатр устида соатлаб ўйлайсиз. Фикр ва туйғулар қалбингизни остин-устун қиласи. Қалбингиздан қоғозга тушган туйғулар кўпчиликникига айланади. Шеър танҳоликда ёзилади. Лекин чоп этилгач, ўқувчининг мулкига айланади. Дардингиз мухлисни изтиробга солади, қувончингиз шодлантиради. Ҳаёт тажрибаси, лирик қаҳрамон кечинмалари шеърни юракка яқин қиласи. Фикр бўлмаган шеър – шеър эмас. Ҳис-туйғу ва фикр – шеърнинг икки қаноти.

– Илҳом онларини қандай тасаввур этасиз?

О. Ҳожиева: – Илҳом келиши – ноёб ҳодиса. У ўт-олов, тошқин сойга ўхшайди. Жонингизга чақмоқ тушади. Тошқин сой қўйиб берсангиз ҳамма ёқни вайрон қиласман, дейди. Агар уни яхши ўзанга солсангиз, далангизга, хирмонингизга қут-барака бўлади. Илҳом тулпори сизни осмону фалакка олиб учади. Илоҳий туйғулар баҳш этади. Шеъриятни шу олов, тошқинлик, шу беоромлик ҳеч қачон тарк этмасин. Расул Ҳамзатов айтганидек, болалар дардсиз-у шеър дард билан туғилсин.

– Айрим ижодкорлар танқидга салбий муносабатда бўлишади. Шахсан сиз адабий танқидга қандай қарайсиз?

О.Ҳожиева: – Бадиий асарга, ижодкор шахсига, ўз вазифасига ҳурмат билан қаровчи мунаққидларга ҳурмат билан қарайман. Тўғри сўз,adolатли, ҳалол олимлар кўпчиликни ташкил этади. Лекин саёз асарларга мақтов сўзлар ёзаётганлар ҳам йўқ эмас...

– Инсоният пайдо бўлгандан буён баҳт ҳақидаги тушунча мавжуд. Баҳт ҳақида, айниқса, ёшлар қизғин баҳслашади. Бу тушунчани сиз қандай изоҳлайсиз?

О. Ҳожиева: – Баҳт – бошқаларга кераклигинда. Сен шундай бўлгинки, бир кун ишга келмасанг, ўрнинг билинсин. Бир кун касал бўлсанг, яқинларинг ўзини қаерга қўйишни билмай қолишин. Дўстларинг даврасида бир кун бўлмасанг, излаб, соғинишсин. Шундай яшайдиган инсон ўзини баҳти ҳисобласа арзиди.

– Зулфия опа билан илк бор қачон, қаерда танишғансиз? У кишининг ижодкор ва инсон сифатида ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

О. Ҳожиева: – 1963 йил эди. “Саодат” журнали ходимлари ойнаи жаҳонда чиқадиган бўлишди. Ёш шоири сифатида мени ҳам чақиришди. Шеър ўқидим. Шунда Зулфияхонимнинг меҳрлари тушиб,

учрашувларга таклиф этадиган бўлиши. Ўкта, зебо, шахдам, ғоят дилбар аёл эди. Қараашларидан нур ёғарди. Ёшларга меҳрибон. Талабчан. Тўғрисуз. Бениҳоя заҳматкаш муҳаррир эди Зулфияхоним. 1976 йилдан 1983 йилгача “Саодат” да бўлим мудири бўлиб ишлаган йилларимда ижодкор ва инсон сифатида чиниқдим, журналистика сирларини ўргандим. Ҳар бир шеъримни диққат билан ўқиб фикр айтарди. Мақтарди. Бўш шеърларимни ўқиб, бундай шеърларни эълон қилманг, дерди. “Болалик” достонимни ўқиб, соатлаб телефонда фикр айтган. Мушоираларда қандай шеър ўқиш, қандай кийиниш, саҳна маданияти, сухбат одоби... Ҳаммасида азиз устозимнинг маслаҳатларига қулоқ тутардим.

Шон-шуҳрат чўққисида, олий мартабаларда ҳам камтар, самимий, онадай қуюнчак эди. Ҳамид Олимжон ҳақида сўзлаганда навқирон ёшликка қайтар, муҳаббат фаслидаги Зулфияга айланарди. Қийин-қаттиқ кунларда устоз ҳузурига мадад сўраб борардим, улар куч-куват, ирова, сабот-матонат каби фазилатларни бағрида олиб яшаётган қояга ўхшарди.

– Сиз илк китобингиз (“Шабнам”) биланоқ адабиётимизга ўзига хос шоира кириб келганини намоён этгансиз. Мана, орадан қирқ йил ўтди. Ҳамон яхши шоиралар сафида тилга олинасиз. Бироқ мана бу асари адабиётимиз учун воқеа бўлди, деган шов-шув кўзга яққол ташланмади. Танқид тигига ҳам дуч келмадингиз. Бунга ўзингиз қандай қарайсиз? Ёки адабий танқидчилик ўзига хос услубингизни яхши англаб етмаяптими?

О. Ҳожиева: – Нега? “Келинчак” достоним шовшув бўлиб кетган. Ойбек, Миртемир, Ҳамид Ғулом, Асқад акалар мақташган. Баҳслар бўлган. Мен ойдин туйғулар, табиатнинг ўзидаи мусаффо, майин,

ёрқин манзаралар күйчиси эдим. 1988-89 йилларда ўткир муаммоларни кўтариб чиқсан мақолаларим ўша йиллари радио орқали такрор-такрор берилади. Тил ҳақидаги мақолам чиқсанда вилоятлардан гуррос-гуррос одамлар келиб, уюшмамизга ўз фикрини айтган. “Миллатнинг қайғуси нима?”, “Мени изтиробга солар бу ўйлар”, “Руҳимизга ёнгин тушмасин”, “Оналар халқнинг ҳусну жамолидир” номли мақолаларим бунга мисол. Ўша пайтлар гўдаклар ўлими Ўзбекистонда юқори эди. Туғруқхоналарда янги туғилган чақалоқлар онасига берилмай, уч кунгача ҳар хил сут билан боқиларди. Телевидение ўша йиллари менга жуда катта минбар берган.

Она сути ҳақидаги сұхбатим “Гулхан” журналида ҳам чоп этилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан расмий жавобим эълон қилинган. Гўдаклар туғилиши билан ўғиз сути эмишининг фойдаси тиббиётчилар томонидан маъқулланди ва ўша йиллари ҳар бир гўдак ўз онаси сути билан парваришлана бошлади. Танқид ўз ўрнида, фойдали бўлса яхши. Гўзал бир ёш шоирани бир мунаққид аёвсиз танқид қилиб, руҳини синдириб қўйди, ўша ижодкор ўз йўлини йўқотди. Мен шеърни гўдакдай бегубор хилқат деб биламан, унади, ўсади, тили чиқади, мукаммалашади. Шеърият ҳам шундай, тирноқ остидан кир излаб, ундай ёз, бундай ёз, деганларни хушламайман.

– Нега сизга тенгдош шоиралар шеър, баллада, қасида, достон жанрида ижод қилиш билан чекланиб қолаяпти? Сизларга драма, қисса, роман ёзишга нима халақит бераяпти? Ҳаётий тажриба етишмаяптими ёки қобилият? Афсуски, бу “анъана” сизлардан кейинги авлод шоираларида ҳам давом этаяпти.

О. Ҳожиева: – Драма, қисса, роман ёзаётган яхшигина ижодкорларимиз бор, шукр. Шаҳодат Иса-

хонова, Саломат Бафо, Мехринисо Қурбонова, Зулфия Куролбой қизи бугун насрмизнинг бир қанотини кўтариб турибди. Фарида Усмонова деган кекса адабамиз 80 ёшдан ўтиб роман ёзди. Зулхумор Солиева Увайсий ҳақида драма ёзди, ёмон эмас!

– Ҳассос шоира Саида Зуннунова билан ижодий ва шахсий муносабатингиз қандай эди?

О. Ҳожиева: – Саида Зуннуновадай дилкаш инсон, назокатли шоира, жасоратли инсон билан сұхбатларим доим ёдимда. “Шарқ юлдузи” журналида ишлаган йилларим жуда қадрдон бўлиб кетганмиз. Уюшманинг мажлислариға келса, албатта, хонамга киради. Шеърларим чиқса, дарҳол қўнғироқ қилиб, табрикларди. Ҳассос шоиранинг 50 йиллик юбилейини ўтказиш комиссияси раиси ўринбосари эдим. Самарқанд, Бухоро сафарларида у кишининг қанотларида юрганман. Афсуски, бу инжа қалбли шоира, адiba, драматургнинг қутлуғ ёши совуққина ўтказилган, амалдор раҳбарлар эътибор беришмаган.

Шеърларимни хилватда, танҳоликда, бедорликда ўқиб, кимдир таскин-ҳаловат топса, бўлди, дерди Саидахоним. 1977 йили айни баҳорда барчамизни йиғлатиб кетди нозик хаёл шоирам. Зулфия опа ҳам эзилиб йиғлаган ўшанда. Унутилмас шоира, матонатли адабанинг 60, 70, 75, 80 йилликлари Тошкентда, Андижон, Фарғона, Наманганда катта байрам сифатида нишонланди. Унинг умр йўлдоши Ўзбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмад Саидахоним ёдини бир лаҳза унутмади. Шоиранинг барча юбилей саналарида бош бўлиб хизмат қилганим менга таскин-тасалли беради. Бир пайтлар муниса Саидахоним “Ойдин бўлиб тунлар тўкарман илҳом” деб ёзган эди; у киши ҳақида қатор мақолалар ёздим, бир неча шеър бағишлидим. Саидахоним ҳам, Зулфияхоним ҳам тушларимга кириб турадилар. Қабр-

ларига ҳар йили баҳорда, ҳайитларда гул элтаман “Саодат” даги қизларим билан. Улар икки дунёни тўлдириб юрадиган инсонлар эди.

– Қайта-қайта ўқиб турадиган (наср, шеърият, мемуар жанрдаги) китобларингиз?

О.Хожиева: – Навоийни соғиниб ўқийман. Лутфий, Атойидан ёд ўқиб юраман. Эркин Воҳидов, ИброҳимFaфуров китобларига кўп мурожаат қиласман. Аҳмад Яссавий, Шайх Саъдий, ҳадиси шарифлар, ҳикматларни ўқиб турмасам, юрагим бўмбўш бўлиб қолади.

– Ўзингизга тенгдош ёки кейинги авлод вакиллари ижодидан ҳам таъсиранганимисиз?

О.Хожиева: – Албатта! Гулчехралар, Эътиборхон, Ҳалимахоннинг кўп сатрларини яхши кўриб ёдлаганман. Шарифахон, Қутлибека, Фарида Афрӯз, Ҳалима Аҳмад, Гуландом Тогаева, Ҳосият Рустамовалар ижодини севиб ўқийман. Энг янги ёш шоира-нинг яхши сатрларини дарров ёдлаб оламан, давраларда айтиб, уларни алқаш менга ёқади.

– Ўнлаб шеърларингиз асосида қўшиқлар яратилган. Қўшиқчилигимизнинг бугунги аҳволидан мамнунмисиз?

О.Хожиева: – Қўшиқ бўлган шеърларим кам. Оз бўлса ҳам, уларни тинглаб, яйраб кетаман. Муножотхоним, Муяссархоним, Насиба Сатторовалар ашулаларини сел бўлиб тинглайман. Ҳосила Раҳимованинг қўшиқларини маза қилиб тинглайман. Улардаги миллий рух, халқ қўшиқларига хос жозиба, декорация, либос... Бу Сурхон қизларининг шўхчан рақслари – ҳаммаси чиройли, ўзига хос. Қанча меҳнат, изланиш, фидокорлик бор уларда.

Иккинчи боб

Сиймолар тавсифи...



КҮНГИЛЛАРГА КИРГАН “КАНГУЛ”

Шоир Икром Отамуродовнинг “Тағаззул”
тўплами мутолаасидан сўнг

Ватан ҳақида гапирмоқ учун
Унга жонни тикмогинг керак.
Садқа бўлиб, ўзингдан кечиб —
Фидоликка айлансан юрак.

Шоир Ватан ҳақида шунчаки гапириш ўрнига
куйиниб ёзмоқда. Зоро, у ҳақда ёзиш нечоғлик ма-
сьулиятли:

Ҳансираф офтоб тигида
chanqagan maysaga tomchi sув бўлиб
chanqofin bosmasang, bexuda,
bexuda, Vatan deganining tўlib.
Соя-салқин нелигини билмай
тер таёқдай қотирган белга —
ярамасанг худди малҳамдай,
учар қуруқ гапларинг елга.
Ёки оқар дарё мисоли
singimasanq қадам-бақадам.
Ёлгон ўзинг минг тусга солиб,
севаман деб ҳайқирганинг ҳам...

Афсуски, ижод оламида “қўшиқчи шоир” нико-
бида қалам тебратувчи айрим гуруҳ пайдо бўлди.
Улар китоб ўқимайдиган хонандалар учун Ватан
ҳақида буюртма асосида маҳсус қўшиқлар ёзиб бер-
моқда. Оқибатда Ватан, деб аталмиш муқаддас туй-
ғу ва мавзунинг баҳоси бироз тушиб кетмоқда. Бу
хилдаги қўшиқларни тинглагандан улар хаёлинггда
ота-онаси тириклигида етимхонага ташлаб кетган
боланинг она меҳри ҳақидаги сўзларидек “сунъий”
жаранглайди.

Сўнгги йилларда ўз ҳисобидан чиқарилаётган шеърий китобларни варақласангиз, уларнинг аксариятини бағишлиов шеърлар ташкил этаётганинг гувоҳи бўласиз. Баъзан бор-йўғи 20 та шеърдан иборат мўъжазгина тўпламни кўздан кечирсангиз, уларнинг teng ярми бағишлиовдан иборат. Икромжоннинг янги тўпламида бор-йўғи иккита бағишлиов шеър бор. Бири баҳшилар сардори Қодир Раҳим ўғли, иккинчиси дунёга машҳур Ўлжас Сулаймонов ҳақида.

Қодир баҳши ҳар гал Тошкентга қадам ранжида қиласа, тўғри уйимга келарди. Шубҳасиз, ҳар гал тонготар гурунглар Икромжонсиз ўтмасди. Баҳшининг “Дунёсан” туркум термалари, айниқса, “Алпомиш” достонининг ўзига хос, ҳеч кимникига ўхшамаган талқинини қайта-қайта эшитардик. Алпомишнинг етти йиллик зиндандан чиқиб, Ултонтознинг Барчинга уйланиш тўйига етиб бориши, ўзини билдириласлик учун Қултой чол қиёфасида Барчиннинг ўзига садоқатини синаб кўрадиган эпизодларини ўн мартараб қайта эшитардик. Ўша онларда тинглаган ўлмас қўйма сатрлар ҳамон ёдимда:

Култой:

– Ултонсиз ҳам яхши ул, тиягайгин Барчиной,
Ўнг тузанга ўғил олиб
Суягайгин Барчиной...

Ўзбекнинг кайвониси, вафодор аёл Барчиннинг жавоби кутилмаган даражада қисқа, лўнда ва образли:

“Бургут қўнган тўшимга қаргани қўндирамайман...”

Жавобни таҳлил қилишга қалам ожиз.

Ёки: Алпомиши ётган зинданга дўсти Қоражон келиб тепадан мўралайди. Унинг соясини сезган Алпомиши мени излаб келгап ким бўлди, деб бирин-кетин яқинларини ёдга олади:

“Отаммисан-онаммисан, элиммисан-тилиммисан, муштипар синглиммисан, ёриммисан ёки Худосини ўртага қўйиб тутинган дўстим Қоражонмисан?!”.

Бу сўзларни эшитган дўсти Қоражон юраги эзилиб кетиб, шундай деди:

Элингни айтдинг-а, хўб айтдинг,
Тилингни айтдинг-а, хўб айтдинг,
Отангни айтдинг-а, хўб айтдинг,
Онангни айтдинг-а, хўб айтдинг,

Ёрингдан мени сунг айтдинг,
Энди қандай дўст бўламиз?..

Бу сатрларни шунчаки эшитиб бўладими?

Орадан бир ой ҳам ўтмай, Деҳқонободдан шум хабар етиб келди...

Қодир баҳши автомобил ҳалокатига учраб вафот этибди. Икромжон шу куннинг ўзида “Қодир баҳшини ёдлаб” деган бағишлов шеърини битди:

Барчиннинг соchlари тўзгиб, ёйилиб,
Бойчибор ииқилди мункиб, тойилиб,
Алпомиши зинданда қолди лойилиб,
Водариг, дунё гам, водариг, дунё гам!

Туманлар қоплайди қирларнинг бошин,
Каргалар талошар Бойчибор лошин,
Тиш қайраб гажийди тилдош тилдошин,
Водариг, дунё гам, водариг, дунё гам!

Үлжас Сулаймонов хақидаги шеърнинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Икромжоннинг ижодхонасида 20 йилдан буёнбигитта портрет осиглиғтуради. 1987 йили Икромжон Олма ота шахрига бориб, кўп йиллик орзусига эришди. Журнал айирбошлиш баҳонасида буюк шоир билан бир умрлик оға-ини, устоз-шоғирд тутинди. Портретдаги сиймо – Икромжонни гўё ҳар куни нималар ёзяпсан, деб ижодига баҳо берётгандек туюлади.

Икромжон Үлжас Сулаймонов ижодига талабалик йиллариданоқ ихлос қўйган эди. Гоҳида пахта баракдаги мушоираларда шоир шеърларини ўз таржимасидан ўқиб ҳам қоларди. Үлжаснинг “АЗИЯ”си босилиб чиққанда, у худди ўнил фарзанд кўргандек қувониб юрган онларига шахсан ўзим гувоҳман.

Кўпдан буён орзу қиласман: қанийди ҳар бир шоир (ҳеч бўлмас) янги китоб чиқазганда шеъриятимизга икки-учта оҳори тўкилмаган халқона сўз ва иборалар олиб кирса...

Икромжон дастлабки китоблари биланоқ шеъриятимизга қўзигули, чучмома, найсон, ёбон, саксо-вулларни олиб кирган эди. Шу кунларда “кангул” – кўнгилга сингишиб, “довуш” қулоққа ёқимли эши-тиладиган бўлиб қолди.

“Тағazzул” ни ўқиш жараёнида шеъриятимиз учун янги, бироқ қашқадарёликлар ўзаро муомалада кенг қўллайдиган дуркун, мункаяр, чуркаб, чўкиртак каби ўнлаб оҳори тўкилмаган сўз ва ибораларга дуч келдим. Китоб баҳонасида яна бир воқеа эсимга тушди. 80-90 йилларда телевидениеда битта сермаҳсул журналист фаолият кўрсатарди. У халқ орасида анча таниқли, “машхур” эди. Чунки, у деярли ҳар куни “Ахборот” да ўз шарҳи билан қатнашарди. Унинг бисотида бор-йўғи икки юзга яқин сўз бор эди. У ўз устида ишлашга вақт топа олмас, эрталаб шифохонадан лавҳа тайёрласа, пешиндан

кейин молхонадан лавҳа ёзиб келарди. У қишлоқ ҳаёти, чорвага оид ибораларни яхши билмагани боис, совлиқни она қўй, товукни она товуқ, отарни бошқарувчи, бўйнига қўнгироқ тақилган серкани она эчки, деб айтишдан уялмасди.

Сўз масъулияти ҳақида ўйлаганимда беихтиёр ўзбек адабиётида ҳикоя жанрига асос солғанлардан бири, марҳум Шукур Холмирзаев ёдимга туша-веради. У бир умр ҳалқ орасида юриб, янги сўз ва характер излади. Уларни асарларида ўзига хос лаҳжада гапиртиришга эришди. Шукур ака билан сухбатимиз қизиганда беихтиёр уч-тўртта шева сўзлар, факат чироқчиликларга хос образли, қанотли иборалар оғзимдан чиқиб кетса, Шукур ака ёш боладай қувониб: “Вой тилингдан айланай, яна бир қайтар”, деб юборарди.

Шу ўринда Чироқчи элида ҳангомага айланиб кетган бир воқеани келтиришни лозим топдим. 70-йилларда туман ички ишлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган майор Норқўзиев чекка “Шўрқудук” қишлоғида туғилиб ўстган. У меҳнат таътилини Ялтада ўтказиб, ота-она, қариндош-уруғларини кўргани қишлоғига борибди. Унинг келганини эшитиб бир нечта девор-дармиён қўшнилари йиғилишибди. Улар орасида “қишлоқ афандиси” номини олган Қулон бобо ҳам бор экан. У ҳамма билан қуюқ сўрашгач, Норқўзиевнинг юзига ҳайрат билан узоқ тикилиб қолибди. Бошлиқ Норқўзиев энди урфга айла-наётган яшил рангли кўзойнак тақиб олган экан. У Қулон бобонинг тикилишидан бироз хижолат бўлиб, у ёқ-бу ёғини тузатгандек бўлибди. Қулон бобо эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек ёнидаги ёстиқни гоҳ у, гоҳ бу ёнбошига олиб, унга тикилиб, ҳар замонда: “Эй, аттанг, эй, аттанг”, деб қўярди.

Сўнг у бошлиқнинг кўзойнагини сўраб олиб бир тақиб кўргач, яна бир “аттанглаб”, сўнг: “Ялтага бо-

ришингни олдинрок билганимда шундан ўн бештагина олиб келишингни илтимос қилган бўлардим...”, дейди.

– Каллангиз жойидами ўзи, бунча қўзойнакни нима қиласиз. Бунинг ҳам уруги “дефицит”.

– Болам, икки жилдан бери лалмида ҳосил битмаяпти. Бизлар учун арпа тутул, сариқ сомон ҳам сен айтгандай “дефицит” бўб қолди. Кунимиз уч жилиқ чирик сомон ва соварага қолаяпти. Бобонгни ўн учта совлиғи, иккита сийири бор. Мен содда ўлгир молларимга яшил қўзойнақдан тақиб қўйсам, қиши билан қорайиб кетган хашакни кўк беда, деб еб ётармиди, деб ўйловдим-да, – деган экан.

Мана сизга, ўқимаган қишлоқи одамнинг содда фалсафаси. Оҳори тўкилмаган, атайин ўйлаб топилмаган сўз ва иборалари...

Мусиқа – инсон руҳиятига энг қучли таъсир кўрсатувчи қўхна санъат туридир. Қўшиқ – дил қувончи, қалб эҳтиёжи. Шу боис ҳар гал яхши қўшиқ эшитсанк қалбимизга қувват баҳш этгандек бўлади. Одатда, ҳалқ дилидан чуқур жой олган ҳақиқий қўшиқ маҳсус ёзилмайди. У шоир қалбида ўз оҳангига билан туғилади. Ҳассос шоирларимиз Миртемир, Абдулла Орипов ҳеч қачон қўшиқ бўлсин, дея маҳсус шеър ёзмади. Лекин улар ижодининг аксарияти қўшиқقا айланиб кетди. Шу ўринда Миртемир домланинг биргина “Мен сени инжитмайман”, “Бир гўзал бормиш”, Абдулла Ориповнинг “Сен, баҳорни соғинмадингми?”, “Биринчи муҳаббатим”, “Кетмоқдаман” асарларини эслаш кифоя.

Шу кунларда айрим шеърий тўпламларда қавс ичидаги “қўшиқ” деган ёзувга дуч келамиз. Бу менга “кўрга ҳасса керак”, дегандек эриш туюлади. Ҳозир кўп ёш хонандалар мумтоз шоирларимиз у ёқда турсин, балки замонавий ижодкорлар китобини ҳам ўқимай қўйгани сабабли фақат буюртма билан

“ижод” қиласынан үртакадан паст “қүшик тұқувчи” лар сони бемаза қовуннинг уруғидек күпайиб кетди. Агар ҳаваскор хонандалар (афсуски, улар орасыда унвон олганлари ҳам анча) китоб үқишиңга вакт топғанларида, буюртма шеър үрнига Икромжон ва унинг тенгдошлари китобларидан үрин олган мазмунан терән, үз оқанги билан туғилған үнлаб шеърларни қүшик қилиб күйлаган бўларми? “Тағаззул”ни үқиши жараёнида:

*Сен дилингни очдинг, мен дилим очдим,
Дилим баён этиб, диллар учрашиди.*

Ёки:

*Хажринг дилимга ёр үлди,
Догинг жонимга дор үлди,
Нетай, васлинг хумор үлди,
Нетай?...
Васлинг етмас, иўл узундир,
Гам чўзиндир, гам чўзиндир,
Харобат үлган тузумдир,
Харобат...*

Ёки:

*Дунё ўтар экан-а,
Мехр ўитар экан-а,
Мехрга багир очган
Ситам ютар экан-а.*

Ёки бўлмаса:

*Ёмгирдан сўнг ойнинг сочини
Эркалаб силайди насимлар,
Сумамбардай кетар очилиб,
Ёмгирдан сўнг осмон тарсиллаб.*

Ёмгиридан сұнг юлдузлар чақнаб,
Нозланар, карашма, ишвали,
Ёмгиридан сұнг гүлларни излаб,
Лабларингни сұрап нашвари!

каби үнлаб құшиқбоп шеърларга дуч келдим. Яқинда бир баҳонада ўзбек шоирларининг сұнғги эллик йил ичида ёзган шеърий достонларини варақлаб чиқишимга тұғри келди. Ана шу давр ичида икки юздан зиёд достонлар чоп этилибди. Аксарияти сюжетли ёки бирор шахс ҳақида. Одатда, шеърий достонлар бир-икки ўқылади-ю, кейин ташлаб құйилади.

Қувонарли жиҳати шундаки, бармоқ билан санарли бұлса-да, йиллар синовидан ўтиб, қанча ғалвирлардан бутун чиққан, ҳозир ҳам қайта-қайта ўқиб туриладиган, ҳақиқий, ұлmas достонларимиз бор экан: Ойбекнинг “Даврим жароҳати”, Мақсад Шайхзоданинг “Тошкентнома”, Миртемирнинг “Суръат”, Асқад Мухторнинг “Дол қоя”, Абдулла Ориповнинг “Ранжком”, “Ҳаким ва ажал”, Эркин Воҳидовнинг “Рұхлар исёни”, Омон Матжоннинг “Гаплашадиган вақтлар”, Усмон Азимнинг “Оқ шарпа” си фикримга асос бұла олади. Икром Отамуроднинг “Узоқлашаёттан оғриқ”, “Ярадор умид отлари”, “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Сопол синиқлари”ни доимий ўқыладиган достонлар сирасига құшиш мумкин.

Ушбу тұплам баҳонасида яна бир муаммо – таржима санъати ҳақида айрим мұлоҳазаларимни баён этмоқчиман. Таржимон учун ўзга тилни мукаммал билиш кифоями? Йүқ, асло. Таржимон, энг аввало, ўз она тилининг сұз бойлиги, унинг товланиши, ўзига хос жилоларини бошқа тилдан ўн баробар яхши билиши даркор. Аслида ҳақиқий таржимон күп йиллар дилида туғиб юрган, лекин қоғозга тушира

олмаган туйғуларини ўзга ижодкордан (шоир ёки адибдан) топсагина бу ишга бел боғлагани маъқул. Шундагина ҳақиқий таржима асари яратилади. Бунинг акси бўлса, буюк шоир ва адибни нўнок таржимон ўз даражасига тушириб қўяди.

Миртемирнинг “Манас” таржимаси, Мирзаклон Исмоилийнинг Толстой, Шолохов, Тўхтасин Жалоловнинг Робиндронат Тагор, Қодир Мирмухамедовнинг Ҳомер, Эркин Воҳидовнинг Гёте, Есенин, Абдулла Ориповнинг Данте, Иброҳим Фофуронинг Достоевский, Асил Рашидовнинг Чингиз Айтматов, Низом Комиловнинг Нодар Думбадзе ижодидан қилган таржималари, шубҳасиз, ўзбек тилида иккинчи ҳаёт баҳш этилган умрбоқий таржималар сирасига киради. Икром Отамуроднинг Пабло Неруда, Ӯлжас Сулаймонов, У.Уитмен, Маҳмуд Дарвиш каби устозлар шоирлар ижодидан қилган таржималари худди юқоридаги каби яхши ният йўлида қилинган ҳайрат мевалари, дея атагинг келади.

ЖУРНАЛИСТ ҚАҲРАМОННОМАСИ

Мустақиллик курашлар эвазига қўлга киритилди. Мустақиллик курашлар эвазига сақлаб қолинади. Бундай курашларниң ўз қаҳрамонлари етишиб чиқадилар. Эл-юрга “қаҳрамон” сифатида танилган асл фарзандлар ҳақида ёзиш учун ҳам кам деганда журналистнинг қаҳрамони қўлига қалам тулади. Юсуф Бердиев мана шундай журналистлардан бири...

Кейинги йилларда катта-кичик давраларда журналистнинг соҳа бўйича ихтисослашуви хусусида кўп гапирилалаяпти. Зоро, журналист бирор жанр ёки мавзу бўйича ихтисослашмас экан, унинг ёзганлари ўртамиёнадан нарига ўтмайди. Истеъодли журналист Юсуф Бердиев талабалик йилларидаёқ бадиий очерк жанрида ижод қилишга ихтисослашган бармоқ билан санарли қаламкашлардан биридир. У кўпроқ ҳаётимизнинг нурли жиҳатларини қаламга олишни ёқтиради. Шу боис ўз кузатувларини ҳаққоний, бўяб-бежамасдан тасвиirlашга ҳаракат қиласди.

Ёзувчи ва публицист Юсуф Бердиев 1948 йили Яккабоғ туманидаги Галамулла қишлоғида, жамоа хўжалиги фаолларидан Овлақул Бердиев оиласида таваллуд топди. Отаси нафақага чиққунча хўжаликда мироб, бригадир, ферма мудири вазифаларида ишлаган.

У киши олий маълумотли бўлмаса-да, қишлоқнинг кайвони оқсоқолларидан бири эди. Айниқса, китоб харид қилишни, уни фарзандларига совға қилишни хуш кўтарди. Отасининг Юсуфжонга меҳри бўлакча эди. Ўзи ҳам маҳаллий шоирлар Гулшаний, Шарофжон Орифийлар билан қадрдон эди.

“Менинг болаликдан адабиётга, ижодга қизиқишимга балки отамнинг ана шу хислатлари сабаб

бўлгандир. Ўрта мактабни битиргач, Тошкент давлат университети филология факультетининг журналистика бўлимига ҳужжат топшираман, деганимда отам раҳматли ёш боладай қувониб кетганди”, – дейди Юсуф.

У кўп мураббий ва устозлардан сабоқ олди. Лекин улар орасидан Очил Тогаев, Ғайбулла Саломовнинг хизматлари катта бўлганини кўп тилга олади. Зеро, раҳматли Очил ака ҳам, Ғайбулла ака ҳам назариётчи олим бўлиш баробарида моҳир амалиётчи, яъни чинакам ижодкор, ёзувчи ҳам эдилар...

У университетни битиргач, қарийб йигирма йил республиканинг энг етакчи газетаси – “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) да адабиёт ва санъат бўлимида кичик мухбир, катта мухбир, бўлим мудири ўринбосари, бўлим мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. Бу давр Юсуф учун иккинчи дорулфунун бўлди. Чунки, худди шу даргоҳда ҳақиқий журналист, ижодкор сифатида шаклланди. Бу ерда Мақсад Қориев, Жуманиёз Жабборов, Расул Раҳмонов, Самад Қодиров, Ўқтам Усмонов, Ўткир Абдуазимов, Михли Сафаров каби амалиётчи устозлардан кўп нарсалар ўрганди. У бир неча йил “Фолос Узбекистана” газетаси адабиёт бўлимини ҳам бошқарди. У 2005-2007 йилларда Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигига Матбуот хизмати раҳбари вазифаларида фаолият кўрсатди. 2007 йилдан бўён “Мериус” нашриётида Бош муҳаррир лавозимида ишлаб келяпти.

Юсуф Бердиевнинг ҳозиргача ўндан ортиқ салмоқли китoblари нашр этилган. Унинг илк китоби, кўп ижодкорлар қатори шеърий бўлиб, “Жаҳонгир қўшиғи” – “Монолог сахибкирана” (машҳур “Темур тузуклари” асосида ёзилган тўртликлар) деб номланган эди. Тўплам бир йўла икки тилда – ўзбек ва рус тилларида босилди. Унинг иккинчи китоби

“Қашқадарё қаҳрамонлари” деб номланиб, қашқадарёлик 43 нафар фидоий инсон тұғрисида ҳикоя қилинганды.

Юсуф Бердиев ижодида “Ёниб яшаётган одамлар” алоҳида ажралып турады. Унда Ўзбекистоннинг илк Қаҳрамонлари хақида ҳикоя қилувчи очерклар ўрин олган. У мазкур китоби учун Республикализнинг нуфузли “Энг улуг, энг азиз” күрик-танловида биринчи ўринни әгаллади. “Шарқ” нашриётида чоп этилган “Ёниб яшаётган одамлар” тұпламидан ўрин олган 20 дан ортиқ очеркда истиқлол йилларда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига мушарраф бўлган давримизнинг ҳаққоний фидойилари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб завқ билан ўқилади. Зоро, муаллиф ҳар бир қаҳрамоннинг ҳаёт йўлига ўзи ҳам ҳавас ва ҳайрат билан назар ташлагани яққол сезилиб туради.

Китоб ёки мақола учун чиройли, ўқувчи эътиборини ўзига жалб этадиган сарлавҳа топиш ҳам катта санъат. Юсуф Бердиев очеркларининг номлари ҳам бир-биридан ажойиб: “Ўзингдан қўймасин, далам”, “Юнусобод юлдузи”, “Зар қўшиқ”, “Боғотда бор бир сардор”, “Чимбойнинг чин қизи”, “Қизилқум чинори”... Муаллифнинг яна бир фазилати шундаки, у ҳар бир очеркни ўқувчи дикқатини тезда жалб этадиган даражада, кутилмаган ҳолатда бошлайди.

Маҳоратли журналист биринчи жумладаёқ демокчи бўлган мақсадининг тугуни ёки қаҳрамон қиёғасининг асосий белгисини кўрсата олади: “Одатда ҳоким ёки вазирнинг қабул кунлари ҳеч қачон шанба куни бўлмайди”.

Шоирлар шаҳри деб аталмиш Қўқоннинг “Дегрезлик” маҳалласида яшовчи оддий ишчи Абдуллајон аканинг оиласи адабиётдан, шеъриятдан узоқ эмасди (қўқонлик муаллима М. Мадалиева). “Самарқанд етти иқлимга машҳур қадимий шаҳар

бўлгани учун бу ердан йил – ўн икки ой давомида дунёниг турли бурчакларидан ташриф буюрадиган сайёҳларнинг қадами узилмайди (Уста Мирумар ота).

Муаллиф шу тариқа деярли барча очерклари ни ўзига хос, кутилмаган тутун ёки деталь билан бошлайди ва фикрини босқичма-босқич ривожлантириб боради. Тўпламдан ўрин олган очерк қаҳрамонлари турли касб эгалари: пахтакор, ғаллакор, педагог, уста, чилангар, врач, қурувчи, кончи, оператор... Бир сўз билан айтганда, ўз касбининг ҳақиқий фидойилари. Журналист ўз қаҳрамонларининг турли ёш, ҳар хил касб эгаси бўлиши билан бирга ўзига хос характерга эга инсонлар эканини ҳам сира ёддан чиқармайди.

Шу боис очерк қаҳрамонларининг ташқи қиёфасини чизишда, қалб кечинмаларини очишда ўзига хос бадиий услуб қўлладиди. Баъзи очеркларда қаҳрамон қиёфасини чизиб беришда унинг ота-онаси, ҳамкаслари, устоз-шогирлари таърифидан унумли фойдаланса, баъзан очеркни қаҳрамоннинг ўз ҳикояси асосида қуради. Китобдан ўрин олган аксарият очерклар муаллиф номидан ҳикоя қилинган бўлиб, муаллиф ўқувчини зериктириб қўймаслик учун кичик-кичик ички сарлавҳачалардан фойдаланади. Бу усул, шубҳасиз, очеркнинг ўқишли бўлишига ёрдам бериш билан бирга, қаҳрамоннинг серкирра фаолиятини кенгроқ тасвиrlашда муаллифга қўл келади.

Ардоқли шоиримиз А.Орипов ҳақидаги очеркни ўқирканмиз, “Ориф отанинг орзуси”, “Халқ қалбининг таржиймони”, “Ватан куйчиси”, “Ишонч” каби ички сарлавҳаларга дуч келсақ, жizzахлик пахтакор П.Зиёдов фаолиятидан ҳикоя қилувчи очерқда “Сенга ишонаман”, “Шер йигитнинг иши”, “Устоз нияти”, “Узр, райкум бува”, “Бу давр – бо-

шқача” сингари чиройли бобларга қўзимиз тушади. Ёки бўлмаса тошкентлик чилангар Эркин Алимухамедовга бағишлиган очерқда “Шогирд шифоси”, “Мард йигитнинг иши бу”, “Сиз учун ёрдам бераман”, “Лирик чекиниш қиласизми?” номли кичик сарлавҳачалар очеркнинг қизиқиш билан ўқилишига сабабчи бўлган.

Муаллифнинг яна бир ютуғи шундаки, у ўз қаҳрамонларининг такрорланмас, ўзига хос ҳаёт йўли ҳақида мароқ билан ҳикоя қиласкан, қуруқ мақтов ва ортиқча лирик чекинишдан кўра ҳаётий воқеа ва деталларга сுянади.

Сурхондарёлик машҳур пахтакор, донгдор раис ва таниқли жамоат арбоби Иброҳим Файзуллаев ҳақидаги очерқда унинг устози Курбон Жўраевнинг ибратли ҳикоясини келтиради: “Раисликни топшираётганда ўрнимга бежизга Иброҳимжонни таклиф этмаган эдим. Унда туғма кайвонилик ва сардорликни сезганман. У одамлар билан ишлашни, аввало, одамларни англаш, имкониятларини юзага чиқариш ва қадрлаш деб билади. Истиқлол йилларида мамлакатимиз раислари орасида биринчи бўлиб унга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилиши бунинг ёрқин далили эмасми?”.

Бу хилдаги самимий эътирофларни китоб саҳифаларидан жой олган ҳар бир қаҳрамон ҳаётидан келтириш мумкин. Очерклар тўпламини диққат билан ўқиб чиқсан ҳар бир китобхон: “Ҳар бири ўз соҳасида мактаб яратган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган, ҳалол, пок одамлар экан, улар бекорга Президентимиз, ҳалқимиз назарига тушиб “Ўзбекистон Қаҳрамони” бўлмаган экан”, – деган қатъий хуносага келади.

Юсуф Бердиев 2003-2008 йилларда айниқса баракали ижод қилди. У адабиётимизда устоз адиллар юксак намуналарини яратиб кетган (ҳозир бироз

унутилган) қисса жанрига иккинчи ҳаёт бағишила-ди. Зангиоталик мохир дәхқон, эл сардори, Ўзбеки-стонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Рашид Каримов, Зангиота туманинг ривожи ва равнақига улкан ҳисса қўшган, туманга узоқ йиллар етакчилик қилган ажойиб инсон ва жамоат арбоби Раҳматилла Қамбаров ҳақида биографик қиссалар, (“Чигатой”, “Оқтепадаги чинор”, “Ҳикматли диёр”) ҳамда “Сиз ҳамиша мукаррамсиз” номли “Ўзбеки-стон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган 8 нафар ўзбек аёли ҳақида ҳикоя қилувчи очерклари чоп этилди.

Публицист ижодида 2006 йилда нашр этилган “Ажаб саодат” асари – биографик қисса ҳам эъти-борга лойик. Унда Қашқадарёнинг улуғ фарзанди, мохир раҳбар, эл қалбининг бетакрор билимдони Соиб Усмонов ҳақида ҳикоя қилинган. 2007 йилда чоп этилган “Нурли из” Қашқадарёнинг яна бир бетакрор фарзанди, мохир раҳбар, 25 йил давоми-да узлуксиз равишда Олий Мажлис депутати этиб сайланган жамоат арбоби Фармон Омонов ҳақида ҳикоя қилинади.

“Ўзингдан қўймасин, далам” бу ҳужжатли қисса-да Қашқадарёнинг яна бир довруқли дәхқони “Ўзбе-кистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган ажой-иб замондошимиз – Касби туманидаги Ҳўжаҳайрон қишлоғилик дала дарғаси Гайбулла Раҳмоновнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳар учала қисса ягона умумий руҳи – “Элим деб, юртим деб ёниб яшаганлар” деган ном остида чон этилган. Ҳар учала китобга муносабат билдирган тақризчилар, ҳам-каслар бу асарларни “Қашқадарёномага янги саҳи-фалар”, “Улуғ инсонларга муносиб ёдгорликлар”, “Қаҳрамонноманинг янги китблари” дея юксак баҳо беришди.

Юсуф Бердиев истеъдодининг ўзига хос жиҳати

шундаки, у ўз қаҳрамонларининг таржимаи ҳолини эмас, балки ички маънавий оламини ёритишга ҳаракат килади. Зеро, маънавий баркамол инсонгина жамиятни олга силжитишга хизмат қилади. Зотан, Юсуф Бердиев очерк ва ҳужжатли қиссаларида моддий омиллар билан маънавий омиллар бирлашиб кетади.

Ҳақиқатдан қўз юммаган ҳолда шуни алоҳида қайд этиш керакки, айрим очеркларда қаҳрамонлар эртаю кеч, қишу ёз ишлайди. Рақамлар, у олган мукофотлар саналади, бироқ ички дунёси очилмайди. Қаҳрамон ҳаётий муаммоларни осонгина енгигб ўтади. Юсуф Бердиевнинг юкорида номлари қайд этилган ҳужжатли қиссаларида ўқувчини мушоҳадага чорлаб, қисса қаҳрамонлари баҳонасида жиддий муаммоларни ўртага ташлайди. Чинакам очерк устаси ҳаёт уммонидаги далилларни, ҳаётий ҳолатларни, қаҳрамон тақдирига оид воқеаларни саралай олиш маҳоратига эга бўлиши керак. Ҳар бир муаллифнинг мавзу йўналишига қараб маҳорати ошиши оқибатида далил ва рақамларни киёслаш маҳоратини эгаллаши лозим. Шу боис унинг очерклари табиий ифодаси, янги, теша тегмаган далилларга бойлиги билан ажралиб туради.

Ҳаётний воқеа-ҳодисаларни, қаҳрамон хатти-ҳаракатини инсон рухиятидаги кечинмалар орқали тасвирлаш, таҳлил этиш Юсуф Бердиев услубининг етакчи белгиси саналади. Биз эндиғина мустақиликнинг 19 йиллигини нишонладик. Ҳали бу қаҳрамонлар сафи ортади, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини ҳикоя қилувчилар кўпаяди. Юсуф Бердиев эса ана шу мавзудаги ижодкорлар қалдирғочи бўлиб қолаверади.

МЕХНАТ ИЛА ЧАРХЛАНГАН ИСТЕЬДОД

Салкам қирқ йиллик дўстим Хуршид Дўстмұхаммад хақида ўйлаганимда машхур ёзувчи Абдулла Қахҳорнинг "Ҳар қандай истеъдод фақат меҳнат билангина юзага чиқади", – деган доно фикрлари беихтиёр хаёлимииздан ўтади. Хуршид билан танишган дастлабки кун ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди. Ўшанда у бир неча курсдошларини "Талабалар шаҳарчаси" биқинида жойлашган кичик ҳовлиларига таклиф этган эди.

Кишлоқда вояга етган ва яқиндагина шаҳарга келганим боис саранжом-саришта, тартибли бу шаҳар ҳовли ҳавасимни келтирган эди. Дарвозадан ҳовлига киришимиз билан махси тикиб ўтирган, соч-соқолларига оқ оралаган, кичик жуссали бир нуронийга қўзимиз тушди. У кишига одоб билан салом бериб, қўлларини олдик.

– Бу киши дадам, – деди Хуршид чехраси кулиб, юзларидан нур ёғилиб турган қария билан бизни таништирап экан.

Ўшанда бизнинг ҳолатимииздан, ўзимизнинг тутишимиздан, хаёлимииздан кечган фикрларни илғаб олган экан чоги, бироз сухбатлашганимиздан кейин қўнглидаги фикрларини шундай ифода қилди: "Мехнат ҳаёт чироғига ёғ қуйиб туради, дейишади. Мен ҳам ана шу ақидага амал қилиб яшаб келаяпман. Қолаверса, косиблик қилиб махси тиксам, шу буюм кимгадир асқотишини, шу туфайли оиласмага, одамларга нафим тегаётганидан ўзимни баҳтиёр сезаман".

Орадан анча йиллар ўтган бўлишига қарамай, отахоннинг бу мулоҳазалари хаёлимдан қўтарилемайди.

Устозимиз, журналистика факультети домлала-ридан бири Мухтор Худойқуловнинг бир яхши одати бор эди. Ҳар йили биринчи босқич талабалари-дан эркин мавзуда иншо ёздирарди. Уларга уч хил баҳо қўяди: "дуруст", "яхши", "қойил!". Икки соатдан зиёд вақт ажратилган синовда бирор беш ва яна бирор ўн саҳифа қоралайди. Бўйи-басти кичикроқ бў-лишига қарамай, жуссаси пишиқ, гўё "қалайсизлар, энди" дегандек сизга бироз қувлик билан тикилиб турадиган, зийрак кўзларидан билимга чанқоқлигини англаш қийин бўлмаган Хуршид бори-йўғи бир ярим бет ижодий иш ёзган экан. "Қойил!" баҳосига икки-уч талабагина сазовор бўлган эди. Шулардан бири Хуршид эди. Мактаб ва маҳалла ҳаётидан кичик лавҳалар ёзиб юрган Хуршидга Мухтор ака "шу боладан келгусида бир нарсалар чиқа-ди-ёв", деб қўшиб қўйганди.

Охири курсларга ўтганимизда Хуршид вақтнинг қадрини янада қадрлайдиган, кам ёзиб, кўп ўқийдиган бўлди. Ҳар хил ўтиришлар, айниқса, иккинчи даражали дарслардан "куён" бўлиб қоларди. Баъзан қувониб келиб қоларди: "Филологларга қўшилиб Талъат Солиҳовнинг жаҳон адабиётидан берган сабоқларини тинглаб келаяпман. Ажойиб маъзуза".

Хуршид меҳнат фаолиятини "Фан ва турмуш" журналида бошлади. Унинг журналист ва раҳбар бўлиб шаклланишида "Ёш куч" журнали бош муҳаррири ва жамоасининг ҳиссаси катта бўлди. Хуршид, айниқса, мустақиллик йилларида ўз истеъдодининг янги қирраларини намоён этди. "Хуррият" газетаси, "Ўзбекистон матбуоти" журнали унинг раҳбарлигида севимли нашрлардан бирига айланди.

Шу кунларда Хуршидинг китобхонлар томонидан севиб ўқиладиган ўнлаб қисса ва роман-

лари бор. Бунинг боиси унинг вақтни қадрлаши, меҳнатсеварлиги, дадалари айтганидек, ўз ҳунарини чин дилдан севиши десак, янглишмаган бўламиз. Хуршиднинг ижодга бўлган чуқур ихлосини исбот этишнинг ўзи ортиқча, деб ўйлаймиз. Айрим ижодкорлар ҳаётда амал курсисини эгаллагач, ижодни амал билан алмаштириб юборганининг тувоҳи бўлганмиз.

Хуршиднинг кейинги йилларда Олий Мажлис депутати ва раҳбарлик фаолиятида бунинг аксини кўриб унга ҳавасимиз келади. Зеро, унинг кейинги йилларда "Нигоҳ", "Ҳовли этагидаги уй", "Паноҳ", "Ором курси", "Соф ўзбекча қотиллик", "Жажман", "Ибн Мухонний", "Ёлғизим-сиз", "Маҳзуна" каби қатор ҳикоя, қисса ва "Бозор" романи, долзарб мавзуларда ёзилган мақолалари фикримизга асос бўла олади.

Унинг таржимон, адабиётшунос олим сифатидаги фаолияти ҳам Хуршиднинг нақадар сермаҳсул ижодкор, меҳнатсеварлигидан далолат беради. Меҳнатсеварлик ота мерос бўлган Хуршиднинг фақатгина журналистик фаолияти ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, унинг мақолалари сермазмунлиги, қизиқиб ўқилиши, фикрий теранлиги, энг муҳими, қисқа ва равонлигидан ташқари, ҳали бошқалар ўйлаб етмаган мавзуларни кўтариб чиқиши билан ажралиб туради.

Яқинда "Халқ сўзи" газетасида унинг қўл телефонлари ҳақидаги ихчамгина мақоласини ўқиб қолдим. Қаранг, қўл телефонлари ҳақида шундай мақола ёзиш кимнинг, қайси журналистнинг хаёлига келибди, дейсиз... Қўл телефонининг ҳозирги ривожланиб бораётган даврда чексиз аҳамиятини кўрсатиш билан бирга турмушнинг айрим лаҳзаларида инсонлар учун зарарли жиҳатларини ҳам ишончли очиб берган. Албатта, ҳаётдаги бундай ҳолатларни илғаш,

уни сезиш ва бу ҳақида маромига келтириб ёзиш, үз фикрини кенг газетхонларга манзур эта олиш журналистдан катта маҳорат талаб қиласди.

Хуршид ҳақида гап кетганда, унинг яна бир үзига хос жиҳати – ҳаётда доимо меъёрга амал қилиб яшаш фазилати ҳақида гапирмасдан иложим йўқ. Қалб ва жисм поклиги, унинг соғломлиги, доимий чиникиб боришида спортнинг аҳамияти ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Хуршид ёшлигидан спортга меҳр қўйган эди. Айниқса, эркин кураш, шахмат ва футбол унинг доимий ҳамроҳи эди. Шу боис биз Хуршид жисмида бирон үзгаришни сезмадик. У бундан қирқ йил аввалги вазнини деярли сақлаб қолди. Раҳбарлик лавозимлари унинг қалбига таъсир қилмаганидек, жисмига ҳам таъсир ўтказа олмади.

Эҳтимол, нафақат ҳаётий муносабатлар, балки нафсадаги меъёрийлик, жисмни тоза ва соғлом тутишга бўлган ҳаракат унинг ҳаётда ўзини бир қолипда сақлаб юришига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Хуршид Дўстмуҳаммад ўз адабий фаолияти билан китобхонлар эътиборини ва ҳурматини қанчалик қозонган бўлса, дўстлари қалбини ҳам шунчалик забт этди. Зоро, халқимиз ўз фарзандларини доимо унинг истеъоди, меҳнатсеварлиги ва камтарлик хусусиятларига қараб эътироф этади ва эъзозлайди.

ХАЛҚ ИЖОДИ НАМОЯНДАЛАРИ

Ўзбекистон халқ бахшиси
Шоберди Болтаев



Бахши ўзида халқ фазилатларини мұжассамлаштириб, түйғулари, орзу-истаклари ҳамда турмушини достон ва термаларда бадий таъсирчан жонлантириб, яна халқнинг ўзига қайтарувчи нодир санъат әгаларидан биридир. Уларни табиат ва халқнинг ўзи тарбиялаб етиштиради. Ўлкамизнинг қаерига борманг, гүзал табиат манзаралари, ихтирова янгиликлар, ижод кишиларини учратасиз.

Юртимизнинг ана шундай мафтуңкор жойлаидан бири Сайробни қўпчилик яхши билади. Унга киравериша ёши минг йиллар билан ўлчангулик чинор тарвақайлаб ўсиб турибди. Гўё халқимизнинг нуроний чолларига ўхшайди... Соясида ҳар куни бир қишлоқ одам чойлашиб қайтади. Гоҳо улар гурунгига шу қишлоқ бахшиси файз киритади.

Чойхонада қариялар дарёдай жўшиб ўтган машҳур Шерна, Умир, Марданақул, Холиёр, Қодир каби достончилар, уларнинг шогирдлари тўгрисида гурунглашади. Дарвоҷе, уларнинг бундай гурунглари ҳам баххисиз ўтмайди. Шу қишлоқдан чиққан бахши қўпинча улар хузурида тез-тез ҳозир бўлади. У терма бошлайди:

*Дилларда сақлаймиз ҳар бир сўзингни,
Ватан, деб биламиз гулдек ҳуснингни,
Мехнатда оқлаймиз сенинг тузингни,
Халқимизга тузи ҳалол Ўзбекистон!*

Кейин у “Охувон” термасини бошлайди. Чоллар бош чайқаб тебранади, пиёлада оҳиста кўк чой айланади. Чинорлар шовуллайди. Бир чети чорпоя тагида чайқалиб турган ҳовузда балиқлар билтанглайди. Бахши бирда тебраниб, бирда қаҳрамон ҳаракатини ва ифодасида ва куй оҳангига акс эттириб, ёниб куйлади.

“Мехнат билан чарчамаган, сақич чайнаб куви пишган, эрга тегиб кетар бўлса, йигитларни олти ой касал қилган, ўнг юзидағи холи сулув қилиб кўрсатган, оқ бадани терлар бўлса, ҳайқириб оққан сойга тенглагулик, жамоли ўн беш кунлик ойга мензагулик “Охувон” ни таърифлаганда ҳам ҳоримайди. Овози чўққиларга урилиб қайтади. Товуши очилгандан очилиб боради. Асли шундай: қадим-қадимдан бахшилар то тонггача достон айтган, айтгани сайин тағин жўшаверган.

Бу бахши, қишлоқларигагина эмас, балки мамлакатимизга ҳам машҳур Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаевдир. Шоберди ҳамқишлоқларига терма айтиб бериб, сўнг “Алномиш” га ўтди. Чолларга жон кирди. Улар хаёлида ўтилган донғил йўл, Сайроб қишлоғи йилномаси тасвирлари жонланади. Ёшлиқ жўшқинлари жонланади. Ёшлиқ жўшқинлиги қайтиб келгандай бўлади...

Ёшини манов чолларнинг боболари ҳам билмаган улкан чинорлар шовуллайди. Унга уйқаш, унингдек тоғбардош, балки замондош қариялар дўмбира ҳамда бахши оҳангига ҳамоҳанг тебранадилар...

Бир пайтлар мана шу Сайроб (Сари об) да не-не бахшилар ўтмади. Ҳозир эса Ўрол бахши Раҳимов, Холли бахши Бозоров, Шотўра бахши, Далли бахши устоз йўлинни тутган. Мулла бахши Эркаев, Бобо Усмон, Болта ота Пирматов, Шамамат Ҳамроев, Али бобо, Жаббор Алимардонов, Абдулла Мансуров, Курбонмурод Дўстов каби 80-90 дан ошган қариялар

кексалик гаштини суриб, замонавий бахшилар даврасида тебраниб, замонани алқаб туришибди.

Шоберди бахши дўмбирасининг куйи ўзгаради. У куй оҳангини ўзгартириб от мақтовига ўтади. Дарбанд дарёси, шу атрофдаги Тилла кампир, Бешқайрағоч, Хўжабўлғон, Дайнатижаён, Мунчоқ каби қишлоқлар, Розия опа, Қурбоной, Сора Эсонова, Убайдулла Боқижонов сингари фаоллар... Эҳ-ҳе, у пайтлар Сайробда бор-йўги уч юз хонадон бор эди. Бахшилар жон-дили эди ўшанда ҳам халқнинг. Энди-чи энди мингга яқин хонадон. Фазилатларини алқаб тугатиб бўлармиди энди Сайробнинг! Алпомишу Барчинларнинг тоғни талқон қилгулик авлодлари яшайди бу элда. Мўл-кўлчилик, пиру-бадавлатлик, саранжом-саришталик, тўкин-сочин турмуши, порлоқ эрта ташвиши. Замон бор бўлсин-да, иймондан айирмасин...

Ҳа-я, биргина сел бўлиб достон айтиётган мана шу Шоберди бахши оиласи мисолида ҳам Сайроб хонадонларининг файзини қўриш мумкин. Унинг отаси Сайробнинг ардоқли оқсоқолларидан бири эди. Онаси, Шойимардон, Шайдулло сингари ака-укалари, фарзандлари, ҳаммасининг фазилатлари достон бўлгулик. Шобердининг ўзи бўлса Сайроб номини оламга ёйиб турибди.

Кенжабобони Шоберди бахшининг достони тутагунга қадар хаёл тарқ этмайди. Чоллар бош ирғаб бахшини тинглайди. Ҳар қайсиси айни чоқда ўз ўйлари билан олишади. Достон эса фикрларида чарх уради.

...Бахши дўмбираси куйини узади. Чоллар бир сўлиш олишади-да, бахшини алқашади. Чўкқилар бошига қуёш илиниб қолади. Оқшом туша бошлаган Сайробда яна ўзгача бир файз кашф этади. Чойхона яна гавжумланади. Дўмбира ва бахши овози яна уфқлар оша ёйилиб кетади...

Ёшлигидан дўмбира билан жўра тутинган Шоберди бахши тезда элга танилди. Ҳалқнинг йифинларида, меҳнат байрамларида унинг номи қайта-қайта эсланадиган бўлди...

Шоберди бахши Болтаев 1944 йил Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Ҳўжабўлган қишлоғида туғилган. Отаси Али ва онаси Бибидонадан яхши тарбия топган Шоберди ака-укалари орасида бир оз эрка, бир сўзли ва ҳар нарсага қизиқувчан бўлиб улғайди. Ўрта мактабни тугатиб, ҳарбий хизматда бўлиб қайтди. Сўнгра бошланғич синфларга дарс берди. Термиз давлат педагогика институтини тугатгач, Нодира номидаги 37-ўрта мактабга ўқитувчи бўлиб ишга кирди. У ўқитувчилик қилиш билан бирга ҳалқ достончиси сифатида ўз устида тинимсиз изланиб, дўмбира куйларини, достон айтиш усуllibарини такомиллаштириб борди. Таниқли бахши-шоирлар даврасидан айрилмади. Унга дастлаб устозлик қилган бахшилардан бири Ҳушбоқ Мардонқуловдир. У илк бор Шобердини достончилик сир-асрорларидан огоҳ этди. Кейин Шоберди марҳум Қодир шоир Раҳим ўғлига дўсту шогирд бўлиб, достон айтиш маҳоратини янада такомиллаштириди.

Хозир унинг репертуаридан "Алпомиш", "Сулувхон", "Малла савдогар", "Олтин қобоқ" сингари унлаб достонлар, кўплаб замонавий термалар ўрин олган. Мана йигирма йилдирки, Шобердининг ўзи ҳам истеъодли бахши-шоирлар қаторидан ўрин олди. Бахши-шоирларнинг республика конкурсларида бир неча бор ғолиб бўлиб, ҳалқ сайилларида кўпнинг кўнглини олиб келяпти. У илк бор бахши-шоирларнинг Шаҳрисабзда ўтган республика танловида қатнашиб, учинчи ўринни олди. Ўзбекистон телевидениеси ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўtkазилган республика бахши-шоирлар кўригига ғолиблардан бири бўлди.

Аввало шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, халқимизнинг бой мероси, ана шу меросни бизгача етказиб келган атоқли халқ достончилари ижоди, бугунги кунда эса ҳам меҳнатда, ҳам ижода ўзгаларга ибрат бўлаётган бахши-шоирларнинг ижоди тарғиб этилмоқда. Ўзбекистон телевидениеси бахши-шоирлар ва халқ созандаларининг телевизион кўриги эса сурхондарёлик Шоберди Болтаевнинг чиқиши билан бошланганди. Бунинг боиси шундаки, мусиқали кўрсатувлар редакцияси кейинги йилларда телетомошабинлардан “Халқ оғзаки ижоди” кўрсатувига икки мингта яқин хат олди. Хатларнинг географияси жуда кенг. Вилоятларимиздан ташқари қардош тоҷикистонлик, туркманистон ликва қирғизистонлик мухлислардан ҳам миннатдорлик сатрлари битилган мактублар келди. Ана шу хатларнинг икки юздан ортиғида Шоберди Болтаев ижросида достон ва термалар эшитиш истаги билдирилган.

Сурхондарё вилоятидан Урол Хуррамов шундай ёзади: “Шеробод достончилик мактабининг кенжা вакилларидан Шобердининг телеконкурсда айтган терма достонларини мароқ билан эшитдик. Овози дўмбира оҳангига мос тушиши, жарангдор ва таъсирчанлиги, ҳар қайси ҳолатнинг ўзига хос ва бир-бирининг такори бўлмаган куйлар чертиши бизга жуда маъқул бўлди. Гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатиб, яна янги ишларга отлантирувчи оҳангда куйлади. Бундай кўрсатувлар шубҳасиз халқимизнинг достонхонликка бўлган муҳаббатини янада оширади”.

Шобердини тинглаб ўтириб, беихтиёр ана шу воқеа эсимга тушиб кетди. Ота-боболаримиздан қолган бу мерос, бу бебаҳо санъат тури йўқолиб кетмаганидан, аввалгидай кайфиятимизга кайфият қўша бошлаганидан, унинг мусиқий сехри яна миллион-миллион телетомошабинларни қувонтирганидан бошимиз осмонда.

“Ҳа, Шоберди дўмбирасини ҳар бир даврага мос қилиб, овозу куйнинг жўрлигини рост қилиб чертади. Шу тариқа қўнгилларга теран кира боради. Овозу дўмбира куйини ўзи қатнашаётган даврага мослаб, кейин достон ё термаларга ўтиши достончилигимизда қадимги анъана”, – деб ёзади чироқчилек Нормўмин Маматкулов.

У Ўзбекистонда бўлиб ўтган Тожикистон адабиёти ва санъати декадасида меҳмонларга бағишлиб тўқиган термасида: “Ой тўлгандай бугун тўлайлик, шундай кунда ўйнаб кулайлик. Бу кунларни доим эслаб юрайлик” каби байтлар айтиб фахрланса, дехқонлар меҳнатини улуғловчи термасида: “Йўлдан кишилар икки ёқقا қаради, кундан-кунга чўлларинг обод бўп боради. Тотиб кўрсак дехқоннинг тарвуз-қовунин, ҳам тилингни, ҳам лабингни ёради...”

Денов тумани меҳнаткашлари номидан йўлланган бир хатда шундай дейилади: “Биз халқ баҳши-шоирларининг телевидение орқали элга таниширилаётганлигидан, бу ишга бош-қош бўлаётган ижодкорлардан миннатдормиз. Демак, халқ анъаналари йўқолмайди”.

Қамашилик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Холмирза Бокиев редакциямизга йўллаган хатида шундай дейди: “Шоберди Шахрисабзда ўтган республика баҳши-шоирларнинг конкурссида мени ўзига жалб этган эди. Шундан буён унинг ширали овозининг мафтуниман. Унинг республика телевидениесидаги ҳар бир чиқишини бутун қишлоқ қариялари йигилишиб, чойхонада жам бўлиб кўрамиз. Барака топсин!”. Албатта, бунинг сабаби бор. Чунки у меҳнат ва уруш қатнашчиларини ҳам, кексаю ёшнинг ҳам кўнглини топиб айтади. Ҳар бир касб, ҳар бир мавзу ҳақида терма яратишга шошилади. У фақат жарангдор овози-ла турли куй чала билиш билан ёки достонларни ярим-ёрти билиш билан

ҳақиқий шоир бўлиш мумкин эмаслигини анлаган ҳолда, ўз устида қаттиқ ишлайпти.

Она шунчаки йиғламайди. Йиғласа, ҳаммани йиғлатади. Зотан, Шоберди “Она йиғиси” термасида она йиғлар бўлса – унга қўшилиб тоғу тошлар ҳам, осмондаги ою қуёш ҳам, кекса-ёш ҳам, қўпу оз ҳам бўзлашини табиий усулда баён этади. Терма шундай тугайди:

Она додини эшишиб,
Очилиб-ётилиб эшик йиглади.
Айрилиб қолдим деб уйда
Тебраниб-тебраниб бешик йиглади.

Она йиглади, ёмон йиглади,
Йигисини эшишиб замон йиглади.
Она йигиси ёмон экан-да,
Ер билан битта бўб осмон йиглади!
Она йигламасин экан-да...

“Шобердининг достон ва термаларини тез-тез тинглаб туришни истаймиз, – дейди бойсунликлар. Чунки у куйлаганда Бойсун ва Мичат тоғларига баҳор келгандай бўлади”.

Қисқаси, Ўзбекистон баҳшилари куйлайверсин! Ватанимизда, ўлкамизда мангу баҳор фазилатлари ўз мадҳини баҳшилар хонишида ҳам кўриб қувона-версин!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ БАХШИСИ АБДУҚАҲХОР РАҲИМОВ

Шеробод бахшичилик мактабининг энг таниқли вакилларидан бири, шубҳасиз, Абдуқаҳҳор Раҳимовдир. У отаси – Қодир Раҳим ўғли изидан бориб, унинг дўмбирасини қўлига олиб, овози ва созандалик анъанасини давом эттирибгина қолмасдан, халқ хазинасини ўзи яратган янги-янги терма ва достонлар билан бойитмоқда.

Абдуқаҳҳор бахши бу соҳага жуда барвақт ихлос қўйди. У ёшлигидан сўзга чечанлиги, хотираси кучлилиги ва халқ услубида термалар яратиш салоҳияти билан кўпчилик эътиборини ўзига қаратди. Ҳозир қай касбдаги, қай ёшдаги, қайси қишлоқдаги кишилар орасида бўлманг, бахши, достончилик, дарёдай жўшиб ўтган достончилар хусусида, буюк бахши – шоирларнинг умри боқий ишларининг давомчилари ҳақида ширин хотиралар эшитасиз. Кўнглингиз кўтарилиб, ғурурингиз улғайиб кетгандай бўлади. Бундай пайтда беихтиёр Абдуқаҳҳор Раҳим ўғлининг қуйидаги мисралари хаёлда жонланади:

Саррин эсган шамолинг яхши,
Дала-қишим жамолинг яхши.
Хур Ватаним иқболинг яхши,
Айланайин бөг-рогларингдан.

Мафтун бўлиб яйлов кезайин,
Бўй-бастингни шеърда чизайин.
Гул майсангдан баҳтим излайин.
Илҳом олдим чўл-богларингдан.

Яшил бўпти яйлов, қирмизи,
Яшнаб кетди она еримиз.
Осоийиша, тинчdir элимиз,
Минг ўргилай баҳорларингдан!

Абдуқаҳхор Раҳим ўғли бахшилар сафига ўн етти ёшида (1985 йили) қўшилди. У республика бахши шоирлари конкурсининг сўнгги учтасида иштирок этиб, ҳар гал ғолиблар сафидан ўрин олиб келди.

1987 – 1988 йили ўтказилган бахши-шоирлар ва халқ созандаларининг телевизион кўригига иштирок этган Абдуқаҳхор ўзи яратган “Туркистон” достони учун телекўрик ғолибларидан бири бўлди. 1990 йили Ўрта Осиё ва Кавказ орти республикалари ёш бахшиларининг Бутуниттифоқ кўригига республикамиз шарафини ҳимоя қилган Абдуқаҳхор уерда ғолиблар шоҳсупасидан жой олиб қайтди.

*Баланд тогнинг бошлари
Бўктар-бўктар қор бўлар.
Чўлда карвон йўл юрса
Йўл бошлаган нор бўлар.*

*Доно қилса ишини
Йўқ нарсадан бор бўлар.
Йигит бўлса билармон
Севгани сулув ёр бўлар.*

*Сайлаб минсанг бедовни
Савлатинг ҳам зўр бўлар.
Қиз хулқига ярашган
Номус билан ор бўлар.*

*Ёмонга йўлдош бўлсанг
Кенг дунё ҳам тор бўлар.
Маишатга берилсанг
Юрган йўлинг жар бўлар.*

*Ўгри билан дўст бўлма,
Ундан одам хор бўлар.
Кимлар қилса, нонни хор
Сўнгра шунга зор бўлар.*

Ким ранжитса падарин
Икки кўзи кўр бўлар.
Яхшига, Каҳҳор баҳши,
Ҳамма баробар бўлар.

- Бир неча йил аввал бир гуруҳ санъаткорлар сафида Америкада бўлиб қайтдингиз. Америкаликлар ўзбекнинг қадимий, миллий санъати – баҳшичиликни, ўзбек халқ достон ва термалари ни қандай кутиб олишди?

Бахши: – Мен 1991 йил октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Дилафрўз Жабборова, буюк созанда Турғун Алиматов ҳамда санъатшунос Отаназар Матёқубов билан Америка Қўшма Штатлари бўйлаб ижодий сафарда бўлдик. Концерт дастурларимиз барча халқ вакиларини мафтун этди. Нью-Йорк шаҳрида беш кун концерт бердик. Шинавандалар кундан-кунга ортиб борди. Ҳар бир чиқишимизни самимий қабул қилиб, ундан сўнг ҳаммамизни олқишилади. Бизни бир нарса қаттиқ ҳаяжонлантириди. Бу ҳам шуки, катта-катта залларда микрофон йўқлиги. Лекин, овозимиз саҳнанинг ҳар бурчагига бир хилда етиб боргани ва кийим-бошимизга, қўшиғимиз оҳангига мос ёруғ ранг бериб турилгани бизни ҳайратга солди. Залга кирган ҳар бир киши ўта маданият билан қўшиқ ва терма тинглаб роҳатланиши бизларни руҳлантириди.

Ҳар бир чиқишимиздан олдин ва сўнг устоз санъаткор Турғун Алиматов бизга далда бериб, табриклар, ҳар чиқишимиз олдидан Отаназар Матёқубовнинг руҳлантиришлари бизга катта суянч бўлиб турди. Вашингтон, Индиана, Монецалист, Чикаго ва Сан-Франциско каби бир қанча катта-катта шаҳарларида бир ой давомида концерт бердик. Уммон ортидаги муҳлислар бизнинг бу концерти миздан

жуда мамнун бўлдилар. Менинг бу сафарим келгуси ижодий ишларимда, айниқса, янги-янги достон-термалар яратишинга туртки бўлди.

– Сиз бугун куйламоқчи бўлаётган “Гулнор пари” достони қайси туркумга мансуб?

Бахши: – Одатда ушбу достонни кўпроқ Шеробод мактабига мансуб бахши-шоирлар куйлашади. Маълумки, “Гўрўғли” туркумида қирқдан зиёд достон мавжуд. “Гулнор пари” ҳам шулардан биридир.

– Мазкур достонни илк бор кимдан ўргангансиз? Қачондан буён уни мустақил куйлаб келасиз?

Бахши: – Мен “Гулнор пари” ни илк бор отам, устозим Қодир бахшидан эшигтан эдим. У кишининг ҳаёт пайтларида журъат қилиб айтмаганман. 1989 йили илк бор халқ олдида куйлаганман.

... Чамбил салтанатига Гўрўғли бек эди. Унинг миллати туркман бўлиб, у элда тақа туркман, ёвмит туркман деган икки тоифали халқ бор эди. Бу халқлар Гўрўғли сultonнинг давлатини ҳимоя қиласар эди. Кўп эл-элатларнинг тўйини еб, қўрнинг бошида ўтирган эди. Лекин, халққа тўй бериб қарзини узмаганди. Бир куни үзича ўйлаб, кел, Авазхоннинг ўғли Нуралига тўй бериб, элдан қарзимни узайнин деб, Авазхонни тахтга чақирди. Ўртага маслаҳатни ташлади. Авазхон бу фикрни эшитиб, отасининг райидан ўтолмасдан рози бўлди. Авазхон уйига бориб, ёри Жузумкўз парига айтганда, ёри норози бўлди. Бу воқеани кузатиб турган Нурали онасига келиб, Гўрўғлининг бефарзанд эканлигини, агар кўнмасак сulton икки дунёда ҳам рози бўлмаслигини айтиб, отасини хижолатдан чиқариб, онасини кўндиради.

Эртасига Авазхон отаси Гўрўғлига ҳамма рози эканлигини айтиб, тўйни бошлаб юборишга киришди. Гўрўғли кенгаш чақириб, 86 мамлакатга чопар, айтувчи юборди. Тўйни қирқ кунга белгилади.

Ўн кун кўпкари чопиладиган бўлди. Султонлар тўйга тайёрланиб ётаберсинглар, гапни Ширвон мамлакатидан эшитинг. Бу мамлакатга чақиравчи бўлиб Шодмон мерган борган эди. Бу элнинг подшосини Шоҳдархон дер эди. Унинг бир қизи бор эди. Отини Гулнор деб айтар эди. Гулнор сиртдан Авазхоннинг довруғини эшитиб, унга ошиқ эди. Лекин, дарагини тополмай сарсон эди. Бу тўй Гулнорга баҳона бўлиб отасини кўндириб, эркак либосини кийиб, Авазхон билан кўпкарида бир тортишай, енгсам Ширвонга олиб келайин, енгилсан Чамбилда қолайин, деб Чамбил элига жўнади. Гўрўғли ҳам ҳамма синовларни ўтказиб, навбат кўпкарига келганда Орпалининг даштига отларини чиқариб, кўпкарига элнинг сардори деб Аҳмад қорини баковул қилиб чоптираётганда Гулнор ҳам бўз тулпорни миниб, Асқар товдан ошиб келиб қолди. У секин кўпкарига оралаб Авазхонни кузатиб юра берди. Кўпкарига беш кун қолганда Гўрўғли тоғаси Аҳмад сардордан рухсат сўраб, “тўй эгаси” деган зотни ўзи баён қилди. Қирқ тужа, саксон бия, беш сурув қўй, Чамбилнинг ярмини зотга тайлади. Кўпкарига тойлоқ сўйиб, ўртага қўйди. Ҳамма ҳар томондан тортиб кўрди. Ҳеч ким ололмади. Қирқ йигит ҳам бир қадам судраб тортолмади. Шунда Гўрўғлининг жаҳли чиқиб, қирқ йигитни олдига чақириб, нима бўлди сенларга, агар ололмасанглар берган тузларим ҳаром деб қаҳрланди.

Шунда Авазхон отасидан Довғиротни сўраб олди ва қўрага ташлади. Тойлоқни ердан олиб эгарга босганда Гулнор ҳам келиб ушлашди. Шунда иккови қўштоқим бўлиб тортишиб кетди. Бу олишувда ғирот совимаганилигига бориб, орқада қола бошлади.

Охир илож бўлмагандан кейин Авазхон ўртага Нуралини қўйиб, Тойлоқни полвондан сўради. Авазхон полвоннинг қиз бола эканлигини сира билмаган эди. Худони ўртага қўйгандан кейин, полвон

йигит бир шарт қўйди. Агар гапинг чин бўлса, мен сенга қай маҳал юртимга юр десам, борасан, розим-мисан деди.

Авазхон рози бўлди. Ҳамма хурсанд. Кўпкари ту-гагач, Авазхон полвон йигитга қарамай кетди.

Авазхон кетганидан кейин полвон йигит меҳмон эмасми, элни билмайди, ярим йўлда қолиб кетди. Бу меҳмонга Аҳмад сардор эгалик қилди, бунинг қиз бола эканлигини билиб, уйига олиб борди. Ёмон фикрларни ўйлади. Лекин, ниятига етолмади. Гулнор пари пухталик қилиб, Аҳмад қарини бир-икки тепиб, Авазхоннинг ҳовлисини топиб бориб, отдан тушмай аччиқланиб, Авазни уйғотиб олиб, қизлиги билдириб, кокилини ҳар томонга ёйиб, бошидан телпакни олиб, Авазга қараб “Йигит бўлиб бир қиз болага кучинг етмади, мардона эмас, замора экансан, эркак эмас, мендан бадтар хотин экансан, деб отина қамчи босиб, Чамбидан чиқиб қочиб кетди. Аччиғи тез Авазхон Ғиротни миниб унинг изидан қувлади. Тажанг дарёга борганда изидан қувиб етди. Гулнор пари жодугарлик қилиб ердан тупроқ олиб Авазнинг қўзига отди. Қўзи қўр бўлиб, дарёнинг бўйида қолиб кетди.

Гулнор Ширвонга етиб келгач, ҳамма воқеани отасига айтди. Аваз билан Ғиротни ушлаб келиш учун ўн минг полвон юборди. Полвонлар Ғиротни тоғда ушлаб олиб, Авазни тополмай изларига қайтиб кетдилар. Қирқ кундан кейин Авазхоннинг кўзи очилиб, изидан пиёда Ширвонга боради. Оти ҳеч кимни ёнига бордирмай ётган экан. Авазхон ўзини танитмай ўз отига ўзи харидор бўлиб олти ой боқди. Олти ой совутди. Гулнор қирқ қиз билан баланд кўшкида ётар эди. Бир кечаси Аваз отни шу кўшкига равона қилиб, учинчи сакрашда қизни олиб, Ширвондан қочиб, изимдан душман келади деб Асқар товда кутиб ётди.

Шоҳдархон қўшин тортиб изидан борди. Катта жанг бўлди. Авазхон бир ой солишиб, душманларни енгди. Ширвонга қайтиб бориб, Гулнорнинг хурматига отасини ўлдирмай жойига подшоҳ қилиб, қирқ туяга зар, тилла, қимматбаҳо буюмлар ортиб, қошига яна қирқта санам қизлардан олиб, қирқ отга ми-ниб Чамбилга қайтиб жўнади.

Гулнорни олиб келиб қирқ йигитга косагул қилди. Гўрўғли ўғли Авазхондан хурсанд бўлиб, яна қирқ кечаю кундуз тўй бериб, Чамбилнинг беклигини Авазхонга топшириб, мурод-мақсадига етди.

Оққан дарё оқмасдан қолмас, деганлариdek Абдуқаҳхор мана ўттиз йилдирки, қишлоғидаги Бобур номли мактабда тил-адабиётдан дарс бериш билан бирга, ўнлаб қашқадарё ва сурхондарёлик ёш бахшиларга устозлик қилмоқда. Шулардан бири, туғишган укаси, Қодир бахшининг кенжа фарзанди Абдумурод Раҳим ўғли 2009 йили Президентимиз фармони билан “Ўзбекистон халқ бахшиси” юксак унвони билан тақдирланди...

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ БАХШИСИ ҚАЛАНДАР НОРМАТОВ



Атоқли достончилар ўнлаб достонларни ёд айтиб, дўмбира чертиб, халққа мадад берибгина қолмадилар. Балки улар истеъдодли шогирдлар тайёрладилар. Кўплари фарзандларига ўз санъатларини мерос қолдирдилар. Энди ўша шогирдлар, уларнинг ўғил-қизлари ёш шогирдларига, ўғил-қизларига бахшичилик сирларини ўргатаяптилар.

Саккиз яшардан саксон яшаргача аъзоси бўлган “Авазхон” фольклор дастаси бахшилар, лапарчилар, қизиқчилар, ўйинчилар, халқ хонандалари ва созандаларидан ташкил топди ва қисқа вақт ичидагалар ҳаётига сингиб кетди. Айни пайтда бу ансамбль аъзоларининг бири врач, бири тракторчи, бири ўқувчи эди.

Фольклоршунос Сафарбой Рўзимбоев ўзининг “Фан” нашриётида 1985 йили чоп этилган “Хоразм достонлари” номли монографиясида “Хоразмда ёйилган достонлар ҳалигача тўлиқ равишда ёзиб олигани йўқ. Ҳозирги вақтда бизнинг қўлимизда оғзаки ва ёзма тарқалган достонлар мавжуд. Аммо ҳали булардан ташқари, номи маълум бўлиб, ёзиб олинмаган достонлар сони ҳам йигирмадан ошди”, – деб жуда ўринли қайд этади. “Ошиқ Маҳмуд”, “Сайёд ва Ҳамро”, “Ошиқ Ойдин”, “Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Албанд”, “Асли ва Карам”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Махтумқули”, “Қирқ минглар”, “Авазхон”, “Бозирғони”, “Хирмондали”, “Гўрўғли”, “Қумри

билин Тўти", "Лайли ва Мажнун", "Нажаб ўғлон", "Кунтуғмиш" сингари достонлар бунга мисолдир. Ҳудди шу достонларни куйлаб келган атоқли достончиларнинг шогирдлари бугунги кунда устозлари анъаналарини давом эттираяпти.

Халқимизда интилганга толе ёр деган ҳикмат бор. Халқ оғзаки ижоди бебаҳо бойлик. Уни ўрганиб халққа етказиш олижаноб иш. Мен шу йўлдан боришим керак – қатъий қарорга келди Қаландар Норматов. Қаландар бахши Норматов мактабда ўқиб юрган йилларида Шовот туман бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг концертини бориб кўради. Концертдан таъсирланган Қаландар қулига дутор олиб ёшлигига ўрганган бир қўшигини хиргойи қила бошлади. Қўшиқ ўзига ҳам, тенгқур дўстларига ҳам маъқул бўлади. Ундан яна битта қўшиқ айтиб беришни илтимос қилишади. Бўлгуси бахши бу қўшиқни ҳам мароқ билан ижро этади.

Шундан кейин у ўзида санъатга бўлган интилиш борлигини сезади. Аввал уйда чолғу асбоблари билан якка шуғулланади. Кейин воҳа булбули Комилжон Отаниёзовга шогирд тушиб, қўшиқ куйлаш сирларини ўрганади. "Феруз" ашула ва рақс ансамблиниң фаол иштирокчисига айланади. У ёшлигидан турли бахшилар талқинида ижро этилган "Ошиқ Маҳмуд", "Гўрӯғли", "Бозирғони", "Авазхон" қаҳрамонлик достонларини қунт билан ўрганди. Кўхна Ҳоразм воҳаси бахшиларнинг устози Бола бахши Абдуллаев билан бўлган қисқа сұҳбат ёш бахшининг ўзига бўлган ишончини янада оширди. Унинг тавсияси билан "Ошиқ Маҳмуд" достонини ўзи мустақил ижро эта бошлади.

1975 йили Ҳоразм телевидениеси ўтказган ёш бахшилар кўрик-танлови Қаландар Норматовга катта муваффақият келтирди. У ижро этган "Ошиқ Маҳмуд" достони ўзгача қуй, жўшқин овоз билан ян-

граб минглаб санъатга ташна кўнгилларга ором берди. Шу-шу Қаландар Норматов эл орасида Қаландар бахши номи билан танилди. Умидли ёш бахши 1983 йили Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган V анъанавий республика бахшилар кўрик-танловида иштирок этиб республика Маданият вазирлигининг фахрий ёрлиги ва диплом билан тақдирланди. 1985 йили Шовот шаҳрида Республика бахши-шоирларининг навбатдаги кўрик-танлови бўлиб ўтди. Конкурс шартларига кўра анъанавий халқ достонларидан парча айтиб берган Қаландар, танловнинг иккинчи шартига биноан замонавий терма ижро этди:

*Кардошлари омон гўзал диёrim,
Бу манинг чиройли Хоразм ўлкам.
Ҳамиша навқирон машъал диёrim,
Бу манинг чиройли Хоразм ўлкам.*

*Амуни жиловлаб тўсди диёrim,
Гулзорга буркади саҳро, бўронни.
Хива овозаси тутди дунёни,
Бу манинг чиройли Хоразм ўлкам.*

Терма тингловчиларда ҳам, ҳайъат аъзоларида ҳам яхши таассурот қолдирди. Натижада икки йил аввал вилоятда иккинчи ўринни олган Қаландар бахши Норматов бу гал республика кўригида иккинчи ўринни эгаллашга муюссар бўлди.

Бахши дунёга омонлик тилайди, инсоф ва адолат тилайди. Инсонларга омад, халқига фаровонлик ва жасорат тилаб, душманларга нафрат ёғдиради. Унинг тилаги эзгу, боқий, умумбашарий ва оддий. Оддий ҳақиқатта амал қила билиш эса ташвиштаб, Қаландар бахши одамларни ана шу ташвишдан қочмасликка чорлайди!

“Халқ оғзаки ижоди” турқумидаги құрсатувлардан беҳад хурсандмиз, – деб ёзишибди Дәхқонобод тұманидаги ўрта мактабнинг бир гурух үқувчилари. Айниқса, янги номлар – ёш баҳшилар ижро этәётгән достонлардан айтилған парчалар қалбимиздан чуқур жой олмоқда. Хусусан, хоразмлик Қаландар Норматов ижро эттан достон құшиқлар, унинг сұзларни дона-дона қилиб айтиши мени завқлантиради”.

“Ошиқ Маҳмуд” достонида айтилишича, Қорабоғ вилоятида Ганжабой деган подшоҳ бұлған. Подшоҳнинг ёши олтмишдан ошиб кетса ҳам на ўғли ва на қиз фарзанди бұлмаган. У “Менга энди подшоҳликнинг нима кераги бор”, деб мамлакатни бошқариш ишларини вазирига топшириб, юртдан чиқиб кетади.

Ганжабой подшоҳ бир неча кун йўл юриб, қирқинчи кечаси бир туш кўрди. Тушида нуроний бир чол уч коса шароб ичирди, сўнг бир дона қизил олма бериб:

Эй, Ганжабой подшоҳ, шу олмани уйингга олиб бориб хотининг билан бўлишиб есанг, шу кунлардан ҳисобланиб офати жаҳон, ҳусни равshan бир ўғлинг бўлади. Отини Маҳмуджон қўйиб, қирқ кеча, қирқ кундуз тўй бергайсан. Беш ёшида мактабга элтиб бер, ўн икки ёшида қўлингдан оламан, деб ғойиб бўлди.

Ганжабой подшоҳ севиниб, уйига қайтиб, олманнинг ярмини хотинига бериб, ярмини ўзи еди. Шу кундан бошлаб ҳисоб бўлиб, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқадан сўнг ҳусни офтобдай равshan ўғил туғилди. Отини Маҳмуджон қўйиб, қирқ кеча-қирқ кундуз тўй бера бошлади. Ойдан ой, кундан кун ўтиб Маҳмуджон беш ёшга кирди. Бир ён кокилига олтиндан, бир ён кокилига кумушдан кулпек тақтириб мактабга бердилар. Маҳмуджон ўн

икки ёшгача мактабда ўқиб, бурро саводхон бўлиб етишди. Ўғлидан кўнгил тўлиб, унинг ҳаракатидан хурсанд бўлган подшоҳ: “Подшолигимнинг салтанати, белимнинг қуввати, кўзимнинг равшани, эй ўғлим, вазирлар билан сахрони сайр этиб, кўнглингни очиб, юрак ҳовуриングни босиб, ов овлашни машқ қилиб келсанг қандай бўлар экан?”, – деди.

Маҳмуджон отасининг бу гапидан қувониб: “Ажаб бўлгай” деб отини эгарлаб, юганлаб, жуп айлини маҳкам боялашга буюрди. Ов тайёргарлиги биттач вазирлар, чавандоз ва сарбозлар билан чўлга равона бўлди. Саҳрода чиқиб, баҳор шамоли кўкрагига теккач, Маҳмуджоннинг от устида уйқуси келаверди. Сўнг у аста-секин вазирларидан ажралиб кейинда қолиб, бир пастқам жойга тушиб, отнинг жиловини билакка боғлаб уйқуга кетди...

Ҳа, баҳши овози, дутор товуши ҳамиша халқ қалбига жўр бўлаверади. Атоқли достончилар суоласи, шогирдларининг ижодий фаолияти давомийдир. Шу кунларда Қаландарнинг ўғли, баҳши-шоирлик соҳаси бўйича “Ниҳол” мукофоти совриндори Ферузбек Норматов ота йўлини давом эттириб, у билан ёнма-ён терма ва достонлар куйламоқда. Баҳши овози, дўмбира жарангি бокийдир!

Учинчи боб

Устоз Ва касбдошлар эътирофи



КАМОЛОТНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙҮЛИ

Мен Урол Утаевни талабалик йилларидан яхши биламан. У ҳар бир масалага ўз нуқтаи назарига эга бўлган ёшлардан бири эди. Урол вақтли матбуотда 1970 йилдан бўён такриз, мақола ва адабий эсселари билан фаол қатнашиб келади. У илк мақолалари биланоқ ўзининг билимдон, дадил ва одил танқидчи эканлигини намоён этди. Ўзбек танқидчилигидаги янги йўл – мунаққидларнинг услугбий изланишларини ўрганишга киришди. Шу тариқа “Танқид ва услуг” китоби дунёга келди. Бу асар адабий жамоатчилик томонидан муносиб баҳоланди.

Урол Ўзбекистон телевидениесида самарали хизмат қилмоқда. У маънавий қадриятларимизни тиклаш, хусусан, адабиётимизнинг энг яхши намуналарини экранлаштириш, уларни “олтин фонд”дан муносиб жой олиши борасида ҳам кўп ишларни амалга оширди. Шу билан бирга синчков телетадқиқотчи сифатида “Теледраматургия уфқлари”, “Телевидение ва тарбия” китобларини чоп эттирди.

Ушбу тадқиқотлари шу кунларда Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультети талабаларига қўлланма вазифасини ўтамоқда.

У кейинги йилларда ҳалқимизнинг бой қадриятлари бўлмиш фольклор муаммоларига оид изланишлар олиб бормоқда. Унинг “Дунёга тентдош хазина” китоби бевосита ана шу масалаларга багишланган. Китобдан ўрин олган адабий портрет ва эсселарда баҳши-шоирлар, ҳалфалар ва ҳалқ созандаларининг ижоди таҳлил этилган.

Фольклор тадқиқотининг долзарблигини иnobatga олсак, мазкур китобнинг маърифий-тарбия-

вий аҳамияти қай даражада экани маълум бўлади. Шу фазилатлари учун ушбу асар адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, муаллиф Ҳалқаро Маҳмуд Қошгарий мукофоти билан тақдирланди.

Ўрол Ўтаев камолот пиллапоясида дадил одимламоқда. Унинг мاشаққатли ва шарафли йўлда ўз дунёсини кашф этишига ишонаман. Ўролга хос нозик таъб, чуқур илмий тафаккур тобора чуқурлашмоқда. Замонавий баҳши-шоирларнинг етакчиси, марҳум Қодир Раҳим ўғли ижодига багишлиган мазкур илмий ва холис тадқиқот ҳам сизларни бефарқ қолдирмайди деган умиддаман.

Матёқуб ҚўШЖОНОВ,
ЎзФА академиги.

СИНЧКОВ ТАДҚИҚОТЧИ

Одатда элнинг суйган инсонлари эли учун жонини фидо қилиб яшайди. Ана шундай инсонлардан бири Қодир бахши Раҳимов эди. Ҳад-худудсиз кенгликлардай бағрикенг бахши, созчи, овози булбулни доғда қолдирувчи күйчи эди у. Ошуфта қалбларни ўзига бир нафасда ром қилғувчи овоз соҳиби, қуввойи ҳофизаси теран бахши-шоир Қодир Раҳим ўғли ана шундай беназир инсон эди.

Ана шундай назаркарда ижодкорнинг ҳамфиқр ва ҳамнафас юргдоши бўлган Үрол Ўтаевнинг “Бахшилар сардори” китобни айни пайтда ёзилган ҳамда сидқидилдан қилинган ижодий меҳнат деб қабул қилиш керак. Негаки, муаллиф Қодир бахши билан бирга бир заминда улғайган, бир хил ўйлаш, куйлаш, фикрлаш ва бақамти ижод қилиш баҳтига мушарраф бўлган. Шу боис бахши билан ушбу асар муаллифининг фикри ҳамоҳанг жаранглайди.

Үрол Ўтаев синчков тадқиқотчи. У Қодир Раҳим ўғлининг ҳаётлик пайтидаёқ гоҳ радио, гоҳ телевидениеда чиқишлиарига мададкор бўлганди.

Мана бугунги кунга келиб Қодир бахши ёдини шод қилиш юки ҳам заҳматкаш қаламкаш Үрол Ўтаевни чуқур ўйга толдиради.

“Қодир бахши сиймосида нодир бир истеъдодни, у орқали олтмишдан ортиқ анъанавий достонлар, юзлаб термаю эртаклар, ривоятлару афсоналарни авлодлардан мерос сифатида олиб қолиш тақдирнинг тухфаси экан-у, афсус, ғафлатда қолибмиз! Бошқача айтганда, урганиб қолган бефарқлигимиз, лоқайдилигимиз сабаб “Махтумқули”, “Бева Барчин”, “Нуралининг тирилиши”, “Жаҳонгир” (Амир Темур ҳақида) каби достонлар буюк бахши билан абадийликка юз тутди...”

Тўра МИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
профессор

ИЗЛАНУВЧАН ИЖОДКОР

Мен Үролни ўттиз етти йилдан буён яхши биламан. У 1973 йили Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаб, адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятига ишга келган эди. 1973-1981 йилларда муҳаррир, катта муҳаррир бўлиб ишлади. 1981 йили Бош муҳаррир лавозимига кутарилиди.

1990-1992 йилларда Бадиий кўрсатувлар ижодий бирлашмасига директор, 1992-1995 йилларда телевидениега Бош директорлик қилди.

Үрол Ўтаев Ўзбекистон телевидениесида видеофильм жанрининг шаклланишига муносаб ҳисса қўшган ижодкор ва ташаббускор раҳбардир. Миллий телевидениемизнинг довруғини таратган, халқ олқиши ва эътирофига сазовор бўлган «Улугбек хазинаси», «Диёнат», «Гирдоб», «Навоий», «Қутлуғ қон», «Абадият қонуни», «Қадимда бўлган эди», «Бобур», «Ичкуёв», «Лайли ва Мажнун», «Кеча ва кундуз» каби видеофильмларга бевосита унинг ўзи бош-қош бўлди. У ёзувчилар билан ниҳоятда яқин ва қалин эди. Үрол нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиёти намуналарини топиб, уларнинг иккинчи ҳаётлари ҳақида ўйларди. Кўпинча у машҳур асарлардағи образни мана бу актёр кутилган даражада талқин қилиб бериши мумкин, деган таклифларни ҳам дадил айта оларди. Унга аксарият муҳаррирларда кузатиладиган “иш усули”, яъни, режиссёрга ёқдими, менга ҳам маъқул, деган қараш мутглақо бегона эди. Мен Үрол Ўтаевни нафақат изланувчан ижодкор, ҳалол, покиза, талабчан раҳбар сифатида яхши биламан, ҳурмат қиласман.

Мақсад Юнусов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби,
Давлат мукофоти соҳиби

ЖОНКУЯР

Мен Үрол акани 1975 йилдан бери яхши танийман. У табиатан тұғри сүз, ташаббускор, ҳалол инсон. Үзбекистон телевидениесидаги үттиз беш йиллик фаолияти давомида үзини үзбек адабиёти ва санъати, маънавий қадриятларимизнинг чинакам жонкуярларидан бири сифатида намоён этди.

Үрол Үтаев күп йиллар Адабий-драматик күрсатувлар таҳририяти ҳамда Үзбекистон телевидениеси Бөш дирекциясини бошқарди. Шу йилларда үзбек адибларининг энг сара асарларини экранлаштириш ташаббуси билан чиқди. Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли үттиздан ортиқ күп қисмли видеофильмлар яратилиб, телевидение "Олтин фонд" дан ўрин олди. Ҳалқимиз донолигининг рамзи бўлмиш баҳшилар ижоди ва бой миллий қадриятларимизни телевидение ва радио тўлқинлари орқали тарғиб этишда ҳам Үрол аканинг хизматлари каттадир.

Үрол Үтаев Телевидениедаги күп йиллик фаолиятида нафақат амалиётчи тележурналист, балки назариётчи олим эканини ҳам кўрсатди. Унинг қаламига мансуб "Теледраматургия уфқлари", "Телевидение ва тарбия" китоблари шу кунларда Үзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаларига қўлланма вазифасини ўтамоқда. Үзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Үрол Үтаев сўнгти йилларда бой фольклор меросимизни тарғиб этувчи "Дунёга тенгдош ҳазина", "Бахшилар сардори" китобларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон ҳалқ шоири

АДАБИЁТШУНОС ВА ЖУРНАЛИСТ

Одамзод комиллик ва эзгуликка тўғрилик ва ҳалоллик, энг муҳими, тинимсиз мاشаққатли меҳнат билан эришади. Бундай инсонлар юртимиз бойлиги, жамият ва миллатнинг фахри, ифтихоридир. Бугунги қаҳрамонимиз – истеъодди адабиётшунос олим, моҳир журналист, Ҳалқаро Маҳмуд Қошғарий мукофоти совриндори Ўрол Ўтаев ҳам ана шундайлардан биридир.

Кечагидек эсимда, 1973 йил. Қаранг, ана-мана дегунча шунча йиллар ўтиб кетибди. Вақт учқур от, умр эса оқар сув, деганлари шу бўлса керак-да. Ўша вақтда республика телевидениесида адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятини бошқарадим. Ўша иили Ўрол Ўтаев бизнинг таҳририятга муҳаррирлик вазифасига тайинланиб, зўр ихлос ва қизиқиш билан ишга киришиб кетди. Убу вазифада чинакамига самарали хизмат қилди.

Оддий муҳаррирликдан иш бошлаган ёш қаламкаш аввал катта муҳаррир, сўнгра адабий-драматик таҳририятнинг Бош муҳаррири, кейинча бадиий кўрсатувлар ижодий бирлашмасига директор, орадан кўп ўтмай Ўзбекистон телевидениесининг Бош директори сифатида фаолият кўрсатди. Кўп йиллар маҳаллий кўрсатувлар ва радиоэшилтиришлар бошқармасигт бошқарди.

Ўрол Ўтаев телевидениеда чорак асрлик фаолияти давомида ўзини адабиётимиз ва санъатимизнинг чинакам билимдони, жонкуяри сифатида тўла намоён этди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли “Навоий”, “Юлдузли тунлар”, “Лайли ва Мажнун”, “Кеча ва Кундуз”, “Гирдоб”, “Диёнат”, “Қадимда бўлган эди” каби ўнлаб кўп қисмли видеофильмлар яратилди. Шахсан ўзининг сценарийси асосида ўзбек

адабиёти ва санъатининг етук намояндалари, бой фольклор меросимиз фидойилари ҳақида ўттиздан зиёд видеофильмлар вужудга келиб, телевидение "Олтин фонди" дан ўрин олди.

Ўролбек ижодий фаолиятини катта ташкилотчилик ишлари билан бирга қўшиб олиб борди. У 1990-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига депутат этиб сайланди. Шу йилларда Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат мукофотлари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Ошкоралик қўмитаси аъзоси, Ёзувчилар уюшмаси телерадио ва кино Кенгашининг радииси сифатида ҳам фаолият кўрсатди. У Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси (1991) ҳамда "Энг улуғ, энг азиз" танловининг 1998 йилги ғолибиdir.

Ўролбек сўнгти йилларда халқимизнинг маданий қадриятлари, фольклор меросимиз ҳақида чуқур илмий изланишлар олиб бормоқда. Айниқса, муаллифнинг "Дунёга тенгдош хазина" монографияси алоҳида эътиборга лойиқdir. Ўролбек ҳозир айни камолот ёшида. Севикли фарзандлар, жажжи неваралар қуршовида, дўстлар даврасида ҳамиша ардоқда.

Мели НОРМАТОВ,
филология фанлари номзоди

ЮРТ ФАРЗАНДИ

Чироқчи деганда бепоён даштлар, қир-адирлар, олтин буғдойзорлар, сурув-сурув қўй-қўзилар ўтлайдиган яйловлар кўз ўнгимдан ўтади. Чироқчи деганда халқ удумларини тўла асраб қолган ғала-ғовур, Пайшанба бозори кўз ўнгимдан ўтади.

Чироқчи деганда Алпомишнинг Бойчибори, Гўруғлиниң Гиркўки невара-эваралари саналмиш сағриси кенг, пешонаси дўнг арғумоқ отлар ва улар устидаги эгарлар, узанги-жуганлар, жабдуқлар, хуржунлар, жаҳон қандолатчилигининг олий нави саналган парвардалар, бир тишлами оғзингизга тесса, тами юз йил кетмайдиган яхналар, ранги-рўйи камалақдек товланадиган гиламлар, поёндозлар кўз ўнгимдан ўтади. Чироқчи деганда қўноқли, "Мирзакўрли" тўйлар, "кураш-олиш" давралари, кўпкари, сайиллар каби сон-саноқсиз анъаналари, ўз қавми орияти учун етти яшаридан етмиш яшаригача етти кун ётиб ёқалашадиган, соқол-мўйлови буралган полвонкелбат одамлар кўз ўнгимдан ўтади. Бу юртнинг полвонлари, чавондозлари, ҳокимлари, олиму фозиллари, бахшилари эл донғини бошқа элларга ёйган, эл орияти учун талашиб-тортишган...

Ўрол ҳам ана шу юртда – Чироқчидаги туғилиб вояга етди. Ўролни Тошкент дорилфунунида талабалик йилларидан бери биламан. Устозларнинг дарс ўтиш сифати, адабиёт, санъат, журналистика ҳақидаги тонготар баҳсларда, дилтортар сұхбатларда бирга бўлганмиз. У 1973 йил ўқишини битириб, Ўзбекистон телевидениесида мухаррир бўлиб ишлай бошлади. 1981 йилдан адабий драматик, 1988 йилдан мусиқали кўрсатувлар редакциясида Бош мухаррир бўлиб ишлаб келмоқда.

Ўрол кўп қиррали ижодкор. Аввало, у устоз танқидчилар изидан қадамма-қадам бориб, адабий жамоатчиликнинг ишончини оқлади, адабиётимизнинг умумий муаммолари, айниқса, адабий танқидчилик тараққиётининг йўналишлари ҳақида қатор мақолалар ёзди. У адабий жараёнга фаол аралашиб, катта-катта баҳсларда ўз фикрини дадиллик билан асослай оладиган танқидчи эканини кўрсатди. Унинг чиқишиларида билимдон ва одил танқидчи шахси шаклланаётгани намоён бўлди.

У ўзбек танқидчилигида янги йўл, янги бўлганда ҳам ниҳоятда мураккаб ва машаққатли йўл – танқидчиликнинг услубий изланишларига баҳо беришни танлади. Шу тариқа “Танқид ва услугуб” китоби майдонга келди. Ўрол бу тадқиқотида “Пашшадан фил ясамайдиган, филдан пашша ясашни эса хаёлга ҳам келтирмайдиган” (Р.Ҳамзатов) одил танқидчи шахсини намоён этди.

Ўрол Ўтаев телевидение амалиётчиси ва назарётчиси сифатида истеъдодини тўла намоён этаётган ижодкорлардан бири.

Халқ ижоди дунёга тенгдош санъатdir. Халқ яратган ижод намуналари ўша халқнинг тарихи, тақдирини, истиқбол сари интилишларини акс этирувчи ёрқин кўзгудир. Зеро, қадим-қадимдан халқимизнинг қувончига ҳам, қайғусига ҳам халқ ижодининг сарчашмалари шерик, мададкор бўлиб келган.

1981 йил Ўрол Ўтаев болалигида ва қалбидан мангу ўрин олган сирли туйғулар, қолаверса, халқ маънавий мероси олдидағи бурч ва масъулият ҳисси туфайли Ўзбекистон телевидениесида “Халқ оғзаки ижоди” кўрсатувини ташкил этишга киришди. Халқ бу кўрсатувни қандай кутиб олганини таърифлаш шарт эмас. Тан олиб айтганда, кўрсатув халқимизга

олам-олам қувонч, завқ бағишилади. Кейинги йилларда “Халқ ижоди” саҳифасида саксондан зиёд янги номлар – умидли бахшилар, ўнлаб халқ созандалари кашф этилди.

У бош муҳаррир сифатида мусиқали кўрсатувлар таҳририяти жамоасининг жипслиги, ижодий изланиши, руҳий кайфиятни яхшилаш учун тинмай тер тўқди. Таҳририят қошида нуфузли Бадиий кенгаш фаолияти туфайли мусиқа таргиботи янги йўналиш олди. Кўрсатувлар сифати ва халқчиллиги ошди.

Яна бир янги гап шуки, элдошлари унга катта ишонч билдириб, 231-Чироқчи сайлов округидан Ўзбекистон халқ депутатлигига унинг номзодини кўрсатдилар... Саккиз полвон орасидан “товоқ” олиб, “Олиш-кураш” даврасида Ўрол Утаев ҳам белбогини маҳкам боғлаб, қора терга тушиб астойдил беллашмоқчи.

Чироқчиликлар адолатпарвар эл сифатида ўз ҳақ-хуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилувчи, лекин кўп бор ноҳақ енгилган, жабр кўрган, оғзидағини олдириб қўйган халқ сифатида ҳам ном қозонган. Мен ўйлайманки, чироқчиликлар бу гал ўз оғзидағиларни олдириб қўймайдилар...

ҒУЛОМ ФАФУРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

ЧАВАНДОЗНИНГ ЎҒЛИ

Үрол Үтаев Қашқадарёнинг Чироқчи туманида, қадим бозори, яхна гүштлари довруғи етти иқлимга кетган нилий кенгликларда тугилган. Отаси Үта бобо машхур чавандозлардан эди, чор-атроф қишлоқлардаги кўпкари мусобақалари Үта бобосиз ўтмас, машхур чавандозлар зотдор отлари билан майдонга тушиб, улоққа қўлларининг учи ҳам тегмай қайтишса, Үта бува ихчам саман отини гижинглатиб, ҳар гал энг катта зот-совринларни юлиб кетарди. Бобо айтганидан қайтмайдиган, шиддатли, ушлаган жойини узадиган одам эди.

Шу чавандознинг ўғли Үролбой Тошкентга келиб, журналистика факультетида таҳсил олди. Таҳсил йилларида бошқалардан кўра тикроқ қадди-басти, кескир сўзи ва абжирлиги билан ажралиб турди. Үқишни тутатгач, узок йиллар телевидениеда фаолият юритиб, худди отаси каби не-не улоқларни олиб кетди. Эринмаган киши телевидениенинг “Олтин фонд” га бир назар ташласин, у ерда Үролбойнинг узок йиллик самарали меҳнатлари видео тасмаларда ўз аксини топганин кўради. “Алишер Навоий”, “Бобур” каби ўнлаб видеофильмларни мириқиб томоша қилганимизда, ижодкорлар сафида ҳамкасбимиз Үрол Үтаев ҳам борлигидан фахрланаб юрамиз.

Үрол журналистикамиз тараққиётiga муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардан. Давраларда, то қизимагунча камсўз бўлиб ўтиради, аммо шу кунгача анча иш қилиб қўйган. Унинг зерикмай ўқила-диган еттита китоби чоп этилган.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
адиб ва журналист

ДҮСТИМ ҲАҚИДА

Дүстим Ўрол Ўтаев ҳақида ўйлаганимда 60-70 йилларда кечган воқеалар кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлайди. Талабалик йиллари ёдимга тушади. Талабаликнинг биринчи кунлариданоқ асли Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманидан бўлган Ўролжон билан ўртамиизда қандайдир яқинлик, илиқлик, муносабатларда, фикрларда ҳамоҳанглий пайдо бўлди. Бу кейинчалик ҳақиқий дўстликка айланниб кетди.

Ўрол ўзига хос соддалиги, тортинчоқлиги, шу билан бирга ҳаракатчанлиги, энг муҳими, билимга чанқоқлиги билан ажralиб турарди. Талабалик давримизда курсдошларимиздан бирортасининг республика ёки вилоят нашрларида хабар ёки мақоласи чиқиб қолса, барчамиз унга ҳавас билан қарап, ўзимиз ҳам шундай бўлишга интилардик. Ўрол эса талабалик йиллариданоқ ўзининг мақола ва тақризларини ўзига хос услугда ёзишни эгаллаган эди. Таниқли адабиётшунос Анқабой Қўлжонов Ўролни ўзига шогирдликка олиб, Матёқуб Қўшжоновнинг танқидчилик маҳорати мавзуидаги диплом ишига раҳбар бўлгани ҳам бежиз эмас.

Ўрол билан орамизда бўлиб ўтган жуда кўп хотираларни қаламга олар эканман, беихтиёр унинг уйланиш тўйи билан боғлиқ воқеалар ёдимга кела-веради. Ушанда мен курсдошлар номидан вакил бўлиб қатнашган эдим. Ўрол туғилиб ўсган мўъжазгина қишлоқ атиги йигирма-ўттиз хонадондан иборат эди. Қишлоқда на электр, на газ, на сув бор эди. Қурилган уйлар ҳам ўзига яраша, лекин бу ерда киши эътиборини бир нарса – ҳовлидаги қудук ва унинг

атрофика үсган қатор дараҳтлар дарров тортарди. Шу ердаги аксарият хонадонлар сув ичадиган бу күдүк жуда чуқур бўлиб (янгишмасам чуқурлиги 30 метрдан кам эмас), ундан сув тахминан 20 литрли мешда эшак ёрдамида тортиб олинарди. Ўшанда тўй ҳам жуда қизиқ ўтган эди. Келинни олиб келгани унинг уйига куёвнавкарлар, куёвнинг янгалари, яна бир неча кишилар билан бирга битта юк автомашинасида жўнаб кетдик.

Келиннинг уйида бўладиган барча расм-руслар үтиб бўлғач, кечаси тахминан ўн-үн бирларда келин ва у томонидан келиши керак бўлган хотин-халажлар билан бирга барчамиз яна ўша ўзимиз борган юк автомашинасида 50 километр йўл босиб, куёвнинг уйига қайтиб келдик. Келинни маҳсус тайёрлаб қўйилган хонага олиб кириб кетишгач, биз Ўролнинг дўстлари билан уйга кириб анча пайтгача меҳмондорчилик қилдик. Эрталаб келган меҳмонларга ош тортилди. Ўролнинг тўйи мана шу тахлитда соддагина бўлиб ўтган эди.

Мен Ўролнинг тўйи баҳонасида у туғилиб ўстан кишлоқ, у ердаги шароитни кўриб, олдинига шундай қишлоқдан Ўрол сингари илмга чанқоқ инсон етишиб чиққанига ишонмасдим. Кейинчалик Ўрол характеристида мужассам бўлган ўта меҳнатсеварлик, ҳаракатчанлик, энг муҳими, танлаган мақсад сари интилиш қобилияtlари мендаги бу ишончсизликни енгиб кетганди. Бу билан мен халқимиз орасидағи “интилганга толе ёр” нақли қанчалик тўғри экангига яна бир бор амин бўлдим.

Юқорида келин деб атаганимиз Гулбаҳор мана ўттиз беш йилдан ошибдики, ҳаётнинг, оиланинг ач-чиқ-чучугини, оғир-енгилини дўстимиз Ўрол билан баробар баҳам кўриб, энг баҳтли оила бекаси сифатида ўғил-қизлар ўстириб, неварали бўлишиб, тур-

муш ўртоғига яқин ҳамроҳ, маслаҳатдош ва сирдош бўлиб баҳтли умр кечирмоқда. Халқимизда шундай нақл бор: “Дараҳт бир жойда қўкаради”. Бу нақл Ўрол Ўтаев хизмат фаолиятига айнан тегишлига ўхшайди.

У қайси лавозимда хизмат қилмасин, савиаси паст, мазмунсиз кўрсатувлар тайёrlаш, ўткинчи асарларни телетомошибинлар ҳукмига ҳавола қилишдан ўзини тийди. Шунинг учун ҳам, хизматда гоҳида турили келишмовчилик, қарама-қаршиликларга дуч келди. Лекин унинг катъиятилиги, ҳақиқатни қанчалик аччиқ бўлмасин, айта олиш қобилияти, қолаверса, иродаси барча қарама-қаршиликларни енгиб ўтишида аскотиб келди.

Ўрол агар бутун умри давомида ҳар бир ишга ўтаси маъсулият билан киришиб, ўзига юклатилган вазифаларни одиллик билан ўтаган бўлса, бугунги кунда бунинг натижаларини ҳам қўриб турибмиз.

Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ,
журналист

МАНГЛАЙДАГИ БИР ТУТАМ ОҚСОЧ

Етмишинчи йилларнинг бошларида адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжоновнинг илмий-адабий жамоатчилик орасидаги нуфузи шу қадар юксак эдики, у кишининг навбатдаги мақоласи, ўзига хос ўткир чиқишиларини кўпчилик кутиб юришарди. Устознинг тилига, жилла курса, назарига тушган ижодкорнинг эса жамоатчилик орасидаги эътибори кўтарилиб кетар эди. Шундай бир пайтда Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетининг тўртинчи курсида ўқиб юрган Ўрол Ўтаев тўсатдан Матёқуб Қўшжонов ижодига доир мақола эълон қилиб қолди. Бу, айниқса, талабалар орасида том маънода фавқулодда ҳодиса бўлди. Шундайига ҳам ихчам-ихчам тақризлар эълон қилиб эл оғзига тушган Ўролнинг бу “қилиғи” унча-бунча устозларни ҳам шошириб қўйди. Биз курсдошлар, ён-атрофдагилар пиёда-ю, Ўрол олдинда гижинглаган саマンда елиб бораётгандек туюладиган бўлиб қолди.

Қашқадарёнинг Чироқчи туманидан “Журналист бўламан” деган ниятда пойтахтга келиб, тортичок, камсуқум боланинг ҳали ўқишни тугатмай бу қадар дадил парвози тасодиф эмас, балки Ўрол Ўтаевга хос бўлган синчковлик, топқирилик самараси эди. Ҳақиқатан ҳам, Ўрол кўпчилик сабоқдошлари қатори яшар, адабий гурунгларда иштирок этар, дарсларни ўзлаштирас эди-ю, лекин буларнинг ба-ридан ўзи учун аниқ амалий хulosса чиқара билар, ҳар бир хulosаси бошқалар учун “сюрприз” дек туюлар эди. Бошқаларнинг назарида таваккалга ўхшаб кетадиган “сюрприз” лари аслида Ўрол томонидан пухта ўйланган, пишитилган режалар маҳсули эди.

Табиийки, бадиий ижоднинг даргоҳи кенг.

Унинг “Танқид ва услуг” китоби 70-йилларнинг охирида эл оғзига тушди. Бу китоб Ўролнинг навбатдаги ижодий ютуғи бўлди. Чунки китобга жамланган мақолалар ва ижодий портретда Ўрол Ўтаев замонавий ўзбек танқидчилик санъатини жасорат билан таҳлил қилди, зукколик билан астар-аврасини агдариб ташлади.

Биз ҳозир тузсиз-намаксиз китоб ва тўпламларнинг қаторлаштирилиб босилаётганидан нолиймиз, маънавий-мафқуравий тарғиботни бой беришга ҳаққимиз йўқлигини эслаб тадбирлар уюштирамиз. Керак, ҳаммаси керак, аммо-лекин адабиёт ва журналистика соҳасида, азалдан қолган бир “одат” бор: ҳар даврда ижод майдонида кечаётган жараёнларни хушёр ва холис кузатувчи дарғалари бўлган, тажрибалими-бошловчими, аҳли қалам ижод курсисига ўтиришдан аввал у ёки бу дарға қўядиган талаб ва мезон имтиҳонига ҳозирлик кўрган.

Ўрол Ўтаев 80-йилларнинг бошларида худди шундай нуфузга эришган эди. Биз Ўрол билан қўп гурунглашамиз, тортишамиз, кези келганда бевосита ўзининг ижодига доир танқидий фикрларни ҳам айтаверамиз, шундай пайтларда дўстимиз яна ўзига хос “сюрприз” кўрсатади, яъни у ҳар қандай танқиддан ҳам соҳа ишини яхшилашга қаратилган, шунга наф берадиган мулоҳазаларини дарҳол ён дафтарга “туртиб қўяди”. Ўтаевичнинг (дўстлар даврасидаги “такаллуси” шундай) манглайидаги бир тутам соч анча эрта оқарди. Биз, дўстлар назарида бу – Ўрол қалби ва ниятининг тимсоли бўлиб туюлади.

**Карим БЎРОН,
Йўлдош ИСМОИЛ**

УСТОЗ ИБРАТИ

Мен Урол Ўтаев номини ўқувчилик йилларимда эшитганман. 70-йилларда Урол ака тайёрлаган ижодкор ёшларнинг "Илҳом" телевизион клуби, "Бўстон" тележурнали, "Ғазал оқшоми" телекўрсатувларини ҳар биримиз завқ-шавқ билан томоша қиласдик. У киши мұхаррирлик қилган "Навоий", "Гирдоб", "Диёнат" видеофильмларини қайта-қайта томоша қилишдан зерикмасдик. Шахсан мен Урол акадан меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тўғрисўзлик, дадиллик ҳамда сўз санъатига чуқур хурмат билан қарашни ўрганганман.

Ўрол акадаги яна бир хислат биз ёшлар учун ибратлидир. У кишининг дили билан тили бир. Урол ака Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Бадиий кенгаши ҳамда бошқарувининг деярли барча йиғинларида албатта бирор ташаббус ёки таклиф билан сўзга чиқади. Таклиф-мулоҳазаларини аввало ўзи ҳаётга татбиқ этишга интилади. "Олтин бешик" нинг экрандан қандай ўрин олгани фикримга асос бўла олади.

Ўрол Ўтаев телевидениенинг Бош директори ла-возимида ишлаган йилларида кўрсатувлар ранг-баранглиги, сермазмунлиги ва таъсирчанлигига асосий эътибор қаратди. Дастурдан ўрин олган ҳар бир кўрсатув қаттиққўл ва билимдон Бош директор назаридан четда қолмасди. Ҳар ойда мунтазам ўтказиб туриладиган ижодий мулоқотлар ошкоралиги туфайли ёш ижодкорларга ҳар томонлама ўз таъсирини ўтказарди. Бир сўз билан айтганда, Урол Ўтаев ҳамиша ёниб, жўшиб яшаш ва ишлашни ўзига шиор қилган инсонлардан бири эди.

**Эшқобил ШУКУР,
шоир**

МУНДАРИЖА

Мирзо Кенжабек. Ижод ахлининг фидойи дўсти....6

I боб. ИЖОДХОНАДАГИ ГУРУНГЛАР

Битмас-туганмас манба – халқ орасидадир.

Ўзбекистон қаҳрамони, халқ ёзувчиси Сайд Аҳмад билан сұхбат.....8

Шеър – қалб эҳтиёжи. Ўзбекистон халқ шоири

Абдулла Орипов билан сұхбат.....23

Халқ диалининг таржимони. Ўзбекистон халқ шоири Уйгун билан сұхбат.....35

Бош манба – ҳаёт. Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Одил Ёқубов билан сұхбат.....42

Ҳар бир дақиқат – мангуллик элчиси.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор билан сұхбат.....58

Шеърият – фавқулодда ҳодиса. Ўзбекистон

халқ шоири Жўлмирза Оймирзәев билан сұхбат.....67

Болалигимизнинг қанотли қушлари.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матчон билан сұхбат.....71

Адабиётимиз илдизи. Ўзбекистон халқ шоири

Халима Худойбердиева билан сұхбат.....80

Қўншиқ – ҳаётимиз дастхати. Ўзбекистон халқ

шоири Нормурод Нарзуллаев билан сұхбат.....85

Инсоният бешиги. Ўзбекистон халқ шоири

Ойдин Ҳожиева билан сұхбат.....90

II боб. СИЙМОЛАР ТАВСИФИ

Кўнгилларга кирган “кангул”.....100

Журналист қаҳрамонномаси.....109

Мехнат ила чархланган истеъдод.....116

Ўзбекистон халқ баҳиси Шоберди Болтаев.....120

Ўзбекистон халқ баҳиси Абдуқаҳор Раҳимов.....127

Ўзбекистон халқ баҳиси Қаландар Норматов....134

III боб. УСТОЗ ВА КАСБДОШЛАР ЭЪТИРОФИ

<i>Матёқуб Қўшжонов.</i> Камолотнинг	
машақкатли йўли.....	140
<i>Тура Мирзаев.</i> Синчков тадқиқотчи.....	142
<i>Мақсуд Юнусов.</i> Изланувчан ижодкор.....	143
<i>Хуршид Даврон.</i> Жонкуяр.....	144
<i>Мели Норматов.</i> Адабиётшунос ва журналист....	145
<i>Ғулом Ғафуров.</i> Юрт фарзанди.....	147
<i>Аҳмаджон Мелибоев.</i> Чавандознинг ўғли.....	150
<i>Холмурод Алланазаров.</i> Дўстим ҳақида.....	151
<i>Карим Бурон, Йўлдош Исмоил.</i> Манглайдаги бир	
тутам соч.....	154
<i>Эшқобил Шукур.</i> Устоз ибрати.....	156

Адабий-бадиий нашр

ҮРОЛ ҮТАЕВ

ИЖОДХОНАДАГИ ГУРУНГЛАР

Сүхбатлар, бадиа ва очерклар

Рассом

Саҳифаловчи

Уйғун Солиҳов

Мұхаррам Зойитова